

ISSN 2181-9556

Doi Journal 10.26739/2181-9556



**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

№2 (2019)



TOSHKENT-2019

**Бош муҳаррир
Главный редактор
Chief Editor**

к.соц.н.
(Candidate of sociology PhD)
Сеитов Азамат Пулатович

**Бош муҳаррир ўринбосари
Заместитель главного редактора
Deputy Chief Editor**

к.соц.н.
(Candidate of sociology PhD)
Сабилова Умида Фархадовна

**"Ижтимоий тадқиқотлар" журналі тахририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal of Social Studies
Международный редакционный совет журнала "Социальные исследования"**

**22.00.01 - Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
/ Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований. / Theory,
methodology and history of sociology. Methods of sociological research.**

- Д.соц.н., проф. Бекмуродов М.,
- К.соц.н., проф. Каланов К.,
- К.соц.н., доц. Убайдуллаева Р.
- Д.ф.н., проф., Московский государственный университет им. М.В.Ломоносова (РФ)
Щепилова Галина Германовна
- Директор Центра независимых социологических исследований Рожанский Михаил (РФ)

**22.00.02 Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи. / Социальные структуры,
социальные институты и образ жизни. / Social structures, social institutions and way of life**

- Д.соц.н., проф. Умаров А.,
- Д.соц.н., проф. Холбеков А.,
- К.и.н., доц. Сабилов А.,
- Antonio Alonso Marcos,
Ph. D. on International Relations (Испания)
- Д.и.н., проф., Пермский государственный национальный исследовательский университет
(РФ), Фадеева Любовь Александровна

**22.00.03 Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси. / Социология социального сознания
и социального процесса. / Sociology of social consciousness and social process**

- Д.соц.н., проф. Ганиева М.,
- Д.э.н., проф. Аликариев Н.,
- Д.соц.н., проф. Матибаев Т.,
- К.с.н., доц. Парманов Ф.
- Д.и.н., проф., Институт по изучению Центральной Азии Шэньсиского Педагогического
Университета (КНР) Ли Ци,
- Д.соц.н., проф., Институт экономики и управления Мичуринского государственного аграрного
университета. (ФГБОУ ВО "МГАУ") Сухомлинова Марина Валерьяновна,
- К.ф.н., проф., Казахстанско-немецкий университет Бурнашев Рустам Ренатович

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица
Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ЎЗБЕКИСТОНДА СОЦИОЛОГИЯ ФАНИ РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жаҳон ҳамжамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Айниқса, олий таълим тизимида содир бўлаётган туб бурилишлар халқимиз томонидан ҳам, хорижий экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Ислохотлардан кўзланган олий мақсад - инсон манфаатларини таъминлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш эканини олий таълимдаги ўзгаришлар яққол исботламоқда. ОТМларга қабул квоталари оширилди, кириш имтиҳонлари шаффофлиги таъминланди, абитуриентга бир неча олийгоҳга ҳужжат топшириш ҳуқуқи берилди ва ҳоказо. Буларнинг бари ёшларнинг келажакка ва ўз кучига бўлган ишончини оширмоқда, демократик эркинликларини кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев олий таълимни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, уни инновацион гоё ва технологиялар булогига айлантириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, рақобатни кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидламоқдалар [1].

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети юртимиздаги энг "ёши улуг" илм-фан ва таълим маскани бўлиш билан бирга, кўплаб соҳаларда фаолликни ва етакчиликни қўлдан бермай келмоқда. Ушбу фикрнинг исботини ЎЗМУнинг социология фани ривожига қўшаётган ҳиссасида ҳам яққол кўриш мумкин. Бундан 30 йил муқаддам мазкур университетда бакалавр тайёрлайдиган Социология бўлими очилган ҳамда махсус кафедра ташкил қилинган эди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг қарорига кўра кафедра таркибида "Социологик тадқиқотлар" лабораторияси ҳам таъсис этилди ва ўз фаолиятини бошлади.

Шу йиллар мобайнида Социология кафедраси таълим жараёнини такомиллаштириш ва сифатини ошириш, илмий изланишларни давр талабига мослаш бўйича жуда катта ишларни амалга оширди. Кафедра тайёрлаган юқори малакали минглаб мутахассислар Республика халқ хўжалигининг турли жабҳаларида самарали фаолият юритмоқда, зарур социологик тадқиқотларни амалга оширмоқда.

Кафедрада Давлат таълим стандартларига мувофиқ тарзда йигирмадан ортиқ умумкасбий ва махсус фанлар ўқитилмоқда. Ҳар бир фан бўйича замон талабларига мос келадиган ўқув-услубий мажмуалар, дарслик ва қўлланмалар яратилган. Кафедра профессор-ўқитувчилари "Ўзбекистонда социология: ҳолати, муаммолари ва истиқбол вазифалари" мавзусида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўз илмий мавзуси бор.

Кафедра аъзоларининг илмий ва услубий ишлари ЎЗМУ Хабарларининг 3 та махсус сонларида (2011, №1, 2013 йил №3 ва №3/1) чоп этилган ва Республика илмий жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан қўтиб олинган. Социология кафедраси сўнги йилларда долзарб мавзулар бўйича бир қанча илмий-амалий конференциялар ташкил этди. Айниқса,

"Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда социология фани тараққиётининг долзарб муаммолари" мавзусидаги (27.05.2010), "Ўзбекистонда оилалар ва болаларни ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий иш" мавзусидаги (24.05.2013), "Ижтимоий фанлар тизимида социологиянинг тугган ўрни ва роли" мавзусида (13.05.2016) Республика илмий-амалий конференциялари ушбу фаннинг энг долзарб масалалари ва истиқболлари муҳокамасида муҳим қадам бўлди.

Социология кафедраси юртимиздаги илмий ва таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси "Бошқарув социологияси ва психологияси" кафедраси билан ҳамкорликда "Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда социологиянинг тугган ўрни ва роли" мавзусида илмий давра суҳбати ўтказди (14.11.2017).

Бугунги кунга келиб кафедрада 2 та фан доктори, 3 та профессор, 8 та фан номзоди, шундан 5 та доцент ва 3 та катта ўқитувчи, ҳамда 2 та ўқитувчилар фаолият юритмоқда. Кафедрда социология йўналишига оид 2 мутахассислик бўйича магистрлар, 3 йўналиш бўйича катта илмий ходим-изланувчилар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Президентининг "Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида кўра 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб тегишли олий таълим муассасаларида социология ва социологик тадқиқотлар кафедралари очилади [2]. Ушбу Фармон, унда белгиланган муҳим вазифалар ЎЗМУ Социология кафедраси фаолиятини ҳам тубдан янгилашни тақозо этади. Кафедра жамоаси ушбу вазифаларни шараф билан адо этиш ва ўзига билдирилаётган ишончни юксак масъулият билан оқлаш учун барча имконият ва салоҳиятга эгадир.

Кафедра аъзоларининг илмий ишланмалари, социология соҳасида Президент Фармонидан келиб чиқадиган масалаларнинг илмий талқинига бағишланган мақолалари мазкур тўпламдан жой олган.

Сабилова У.Ф.,
соц.ф.н., доц.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Марожаатномаси. 2018 йил 27 декабрь. // [электрон ресурс] URL: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliyasy-28-12-2018>
2. Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 22 февралдаги "Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 5667-сонли Фармони // [электрон ресурс] URL: https://nrm.uz/content?doc=579938_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
3. Mirzo Ulug`bek nomidagi O`zbekiston Milliy universiteti // [электрон ресурс] URL: <http://nuu.uz>

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Kalanov Komil Kulaxmatovich
professor, "Sotsiologiya" kafedrası mudiri,
O'zbekiston Milliy universiteti

СОЦИОЛОГИЯДА "МАДАНИЯТ" МАВЗУСИНИНГ ИЖТИМОЙ ТАЛҚИНИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф социологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланган "маданият" мавзусининг даврий шаклланиб бориш динамикасини ёритади. Муаммонинг вужудга келиши ва унинг турли тарихий даврларда акс этган социал жиҳатлари социологик назария ва ёндашувларда қандай акс этганлиги баён этилади. Ижтимоий ҳаёт, хусусан инсонларнинг турмуш ва тафаккур тарзида маданиятнинг тутган ўрнини социологик жиҳатлари таҳлил этилади.

Таянч сўзлар: маданият, культура, цивилизация, маданий талваса, социал маданият, маданиятлар тўқнашуви, культивация, социология, маданиятшунослик, социал антропология, социомаданий таҳлил.

Каланов Комил Кулахматович
профессор, Заведующий кафедрой "Социология",
Национальный университет Узбекистана

СОЦИАЛЬНАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ТЕМЫ "КУЛЬТУРА" В СОЦИОЛОГИИ

АННОТАЦИЯ

Автор описывает динамику периодической формулировки понятия "культура", которая является одной из актуальных проблем социологии. Излагается проблема возникновения проблематики и ее социальных аспектов, отраженная в разные исторические периоды в социологической теории и подходах. Анализируются социальные аспекты социальной жизни, в частности роль культуры в образе жизни людей.

Ключевые слова: культура, цивилизация, культурный шок, социальная культура, столкновение цивилизации, культивация, социология, культурология, социальная антропология, социокультурный анализ.

Kalanov Komil
professor, Head of the Department "Sociology",
National University of Uzbekistan

THE SOCIAL INTERPRETATION OF THE THEME "CULTURE" IN SOCIOLOGY

ANNOTATION

The author describes the dynamics of periodic formulation of the concept of "culture", which is one of the important problems of sociology. The issue of perspective and its social aspects as reflected in the different historical periods, as in sociological theories and approaches. Analyzes the social aspects of social life, in particular the role of culture in the lifestyle of people.

Key word: culture, civilization, cultural shock, social culture, the clash of civilization, cultivation, sociology, cultural studies, social anthropology, socio-cultural analysis.

Ўзбек тилидаги кўплаб энциклопедик лугатларда "Маданият" арабча - мадина (шаҳар, кент) сўзидан келиб чиққанлиги ёзилиб, у табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос усулидир, деган маънода талқин қилинади. "Маданият алоҳида шахс (индивид), социал гуруҳ ёки жамиятнинг ҳаёт фаолияти усулини акс эттирадиган тушунчадир. Дастлаб, маданият тушунчаси инсоннинг табиатга нисбатан мақсадга мувофиқ таъсири (ерга ишлов бериш, яъни культивация қилиш, лотинча "culture" сўзидан олинган), ҳамда инсоннинг ўзини тарбиялаш, ўзига ишлов бериш маъноларида ифодалаган. Кейинчалик маданият тушунчаси воситасида "цивилизация" (тараққиёт) билан боғлиқ мазмун тушунила бошланди. Маданият инсон фаолиятининг маҳсули ва сифат кўрсаткичи саналади. Инсоннинг ўзи ҳам пировард натижада маданият маҳсулидир. Жамиятдаги маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай шаклланади" [1, б.230].

"Маданият" сўзининг тарихига эътибор қаратилса, у ижтимоий ҳаётда маъно жиҳатидан мураккаб талаффузга эга мазмун касб этиб, илмий амалий ва кундалик ҳаётда кенг қўлланилади. Турли ижтимоий-гуманитар фанларда онг ва тафаккур билан боғлиқ турли социал тизимлардаги мураккаб тушунчаларнинг изоҳини таърифлашда ҳам унга мурожаат қилинади.

Маданият атамасининг маъноси фанга қандай қилиб кириб келгани ва шакланганлиги тўғрисида тилшунос тадқиқотчи Р.Уильямс билдирган фикрлар алоҳида аҳамиятга эга [2, б.136-155]. Ушбу атама "colere" сўзидан олинган бўлиб, унинг турли Европа тиллари талаффузига ўрнашишида лотинча "cultura" сўзининг таъсири юқори бўлган. Ижтимоий фанларда colere атамаси "ўрнашиб олмоқ", "маданийлаштирмоқ", "оталиққа олмоқ", "бўйсунмоқ", "амал қилмоқ" каби маъноларда келади. Ушбу жумлаларнинг айримлари вақт ўтиши билан ўзининг мустақил маъносига эга бўлиб борди ва илмий атамашуносликда кенг қўлланилиб, айрим ҳолатларда жойи келса маъно жиҳатдан бир-бирини тўлдириб туради. Жумладан, "ўрнашиб олмоқ" сўзи маъноси лотин тилидаги "colonus" сўзидан олинган бўлиб, кейинчалик колония сўзининг келиб чиқиши учун сабаб бўлган. "Амал қилмоқ", "бўйсунмоқ" феъллари эса лотинча "cultus" сўзидан олинган бўлиб, ҳозирги адабиётларда "сигиниш" (культ) маъносига ишлатилади.

"Culture" атамаси дастлаб "хизмат қилмоқ", "амал қилмоқ" сўзларига мазмун жиҳатидан яқин бўлган "ривожлантириш", "культивация қилиш" маъноларини бериб, ўрта асрлардаги инглиз тилида у тўғридан тўғри "хизмат кўрсатиш" маъносини аниқлаган. Қадимги француз тилида "couteure" сўзи қисман биомаданият изоҳида қўлланилиб, кундалик ҳаётда алоҳида мазмун касб этган ва кейинчалик "culture" шаклида талаффуз қилина бошланди. Французларда culture сўзининг архаик фойдаланилган жумлаларининг барчасида ниманидир, масалан, ҳайвонот ёки ўсимликлар дунёсини маданийлаштириш (культивация қилиш) жиҳатлари

тушуниланган. Бу эса ўз навбатида ушбу атаманинг бошқа европа халқлари лаҳжасида кўшимча маъноларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Хусусан, инглиз тилидаги "coulter" - (плуг, сўқанинг тиши маъносида келади) сўзи лотин тилидаги меҳнат қуролини англатувчи "culter" сўзидан келиб чиққан. Унинг кейинги эволюцияси маданийлаштириш (культивация қилиш), табиий ҳодиса ва жараёнларни инсоният билан боғлаш, одамларни унга ўргатиш ва маданий ривожлантириш билан боғлиқ тасаввурлар билан изоҳланади. Шундай бўлсада ушбу сўзнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ маъноси кўп асрлар давомида сақланиб қолган. Агрокультура, культивация каби сўзлар шулар жумласидандир.

XVIII асрнинг ўрталарида Европа мамлакатлари, хусусан Англияда маданият ёки илмий маънода культура атамаси ақл ва тарбия билан уйғунлаштирилди. Инглиз файласуфи Ф.Бекон ўз қарашларида "маданият ва ақлни парваришлаш" ҳақида фикрлайди. Юқоридагилардан келиб чиқилса, парваришлаш - бу культивациянинг синоними ўрнида келади. Шу давр руҳонийлари "зодагон кишиларнинг ўз фарзандларини тарбиялаш учун черковга топширишни истаётганлари ва бунинг ўрнига "бола туғилганидан унинг ақлини маданиятлаштириб борилаётганлиги" (persons of either birth or culture) тўғрисида ноийдилар" [3, б.212]. Бунда икки жиҳатга тўхталиб ўтиш муҳим. Биринчидан, метафора, яъни мажозий маънода маданият билан тарбиянинг уйғунлашуви одатий бўлиб бора бошлади ва унда ақл (онг ва тафаккур) инсон маънавий юксалишини шу икки омил билан парваришлаб борди. Иккинчидан, инсоннинг руҳий эркинлиги ва унинг индивидуал социал имкониятлари ижтимоий ҳаётда ривожланиш ва такомиллашиб бориш учун маданият атамасидан унумли фойдаланишга сабаб бўлди. Бу эса ушбу атаманинг фанлар тизимида янада универсаллашуга олиб келди.

XVIII-XIX асрларда замонавий маданият сўзининг кўпқиррали, ammo чалкаш маъноли тарихи бошланди. Бу даврда маданиятнинг изоҳини ифодаловчи "culture" талаффузи ёнига "civilis", яъни "фуқарога тааллуқли", "фуқарога оид" маънони берувчи атама кўшилди. У лотинча "civis" - фуқаро сўзи билан кўшилган ҳолда "цивилизация" жамланмасининг ўзагини ташкил қилади. XX асрнинг 90 йилларида (кейинчалик ҳам) ўзбек тилидаги илмий адабиётларда айрим тадқиқотчилар ушбу атамани форсийдаги "тамадун" сўзи билан изоҳлашга ҳаракат қилдилар. Таъкидлаш мумкинки,бу изоҳ ўзбек тилида ўзининг тўлиқ лугавий ифодасини бера олмади. Хусусан, социолог ва сиёсатшунос тадқиқотчилари орасида кенг мунозарали асар ҳисобланган С.Хантингтоннинг машҳур асари инглиз тили (The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order)дан таржима қилинганда "Тамадунлар ёки цивилизациялар тўқнашуви..." деб эмас, балки "Маданиятлар тўқнашуви..." деб талаффуз қилинмоқда (К.К.) [4, б.603].

Ижтимоий фанларнинг узоқ муддатли эволюцияси давомида "цивилизация" атамаси дунёдаги тарихий жараёнлар ва унинг ютуқларини, инсоннинг жисмоний, маънавий ва руҳий кечинмаларидаги ахлоқий тарбиянинг покланиши, қонунчилик устуворлиги ҳамда жамиятдаги социал тартиб маъноларини англашиб келди. XIX асрнинг охирида дастлаб Франция, кейинчалик Англия ва бошқа Европа мамлакатларида цивилизация сўзи кўплик маъносида қўлланила бошланди. Мустамакачилик сиёсати бир вақтнинг ўзида янги маданиятлар билан тўқнаш келди ва бунинг натижасида турли хил цивилизациялар тўғрисида фикр-мулоҳазаларга оид асарлар пайдо бўла бошлади.

Собиқ иттифоқ пайтида маданият атамасига берилган изоҳлар табиийки, рус тилидаги манбалардан олиб изоҳ бериларди. Шу вақтларда маданият сўзини "Мадина" шахрига қиёслаб ёзилган китоб ёки мақолалар қарийб учрамади. "Культура" феъли рус тилида Н.Кирилловнинг 1845 йили чоп этилган "Ҳорижий тиллар чўнтак лугати"да илк бор истеъмолга киритилган. Лекин унга шу вақтларда жамиятшунос мутахассис ва давлат арбобларининг алоҳида эътибор қаратмаганлиги маълум. Рус мутафаккир олими И.Покровский ўзининг "Рус тилидаги хатолар бўйича қайдлар вароғи" асарида ҳаттоки ушбу сўзни мулоқот учун керакисиз, деб эълон қилади. Фақатгина XIX асрнинг 80 йилларига келиб культура, яъни маданиятнинг зарурияти хусусида Фарб тилларида берилган маъно бўйича истеъмолга киритилишига рухсат этилади. Атоқли тилшунос рус олими В.Даль томонидан ёзилган тўрт жилдлик лугатнинг иккинчи қисмида "культура" сўзига қисқагина тўхталиб ўтади [5, б.217]. Бунда маданият маъноси Европа тилларида қандай шаклда бўлса, шу ҳолатда берилади. Цивилизация атамаси эса жамиятнинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб, алоҳида шахсларнинг тарбияси ва ҳулқ-атвори даражасида тушунилиб, ёввойилик ва варварликка тўла-тўқис қарши ҳолатда тасвирланади.

Замонавий Европа тилларида ижтимоий фанларга қўлаб маданият сўзининг тўртта асосий маъноси қиёслаб кўрсатилади: 1) умумий жараёнларнинг интеллектуал, маънавий, эстетик ривожланишидаги мавҳум маънолар (масалан, олий маълумотлилар маданиятли кишилар; аммо барча олий маълумотлиларнинг интеллектуал даражаси баланд бўлмаслиги, эстетик диди юксак даражада шаклланмаган бўлиши ҳам мумкин ва ҳ.з.лар); 2) жамиятнинг социал тараққиётида ҳуқуқ, тартиб, ахлоқ толерантлигига асосланган маънода келувчи маданият (ушбу вазиятда маданият сўзи цивилизация сўзининг маъноси билан мос келади); 3) қайсидир бир жамият ёки инсонлар гуруҳининг маълум бир тарихий даврга хос бўлган мавжудлик усули ёки ҳаёт тарзининг хусусиятларига мавҳум ишора (масалан, суғд маданияти, мая маданияти ва б.); 4) ақлий-интеллектуал маданият, бунда даставвал бадиий фаолият шакллари ва маҳсулотларининг мавҳум тавсифини ифодаловчи мусиқа, адабиёт, ранг тасвир, театр, кино ва шу қабиларни англаш мумкин. Асосан маданият вазирлиги тасарруфига кирувчи ушбу жараёнларни катта эҳтимол билан аҳоли "маданият" сифатида талқин этилиши кўп кузатилади.

Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб "маданият" сўзининг маъноси умумий жиҳатдан бир-бирига қисман боғлиқ бўлиб, инсоннинг жамиятда туган ўрнини белгилашда юксак туйғуларни ифодаловчи атама сифатида шаклланди. Лекин маданият талаффузига фақат илҳомий жиҳатдан ёндашилган, дейиш хато бўлади. Тарихда бир маданиятнинг иккинчиси устидан бўлган таъйиқи туфайли, унга салбий душманлик муносабати ҳиссиётлар орқали шаклланган даврлар бўлган. Дастлабки кўриниш Англияда XIX асрда вужудга келиб, унда муҳташам "эстецизм" ва "лирик ҳаёт" ўртасидаги қарама-қаршилиқ М. Арнольд асарларида пайдо бўлади. [6, б.467]. Бу даврда эстецизм танқидчилари истеъмолдаги "culture" сўзи ўрнига рақиблари томонидан "кашф қилинган" масхаромуз ўхшатиш шаклидаги "culchah" сўзидан фойдаланганлар. Маданиятга нисбатан салбий истеҳзоли қарашлар кейинчалик бошқа халқларнинг турмуш тарзларида ҳам тез-тез ифодаланадиган бўлинди.

Маданиятга нисбатан душманона кайфиятни шаклланиши мустамлакачилик ва иккита жаҳон урушини вужудга келтирди. XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида нигилизм ва авангардчилар, 60-70 йиллардаги ёшлар ҳаракатлари эса Фарбда маданиятни анъана таянчи ҳамда инсоният келажаги йўлидаги асосий тўсиқ сифатида кўриб, уни буткул бартараф қилиш учун бўлган турли хил зиддиятларни пайдо қилди. Маданиятга нисбатан доимий душманлик муносабати бир томондан маълум тоифа зиёли кишиларнинг танадаги ақл ва қалб ҳароратини баҳолашда ўзларини ҳаддан зиёд юқори баҳоловчи нисбатан асосиз даъволари билан боғлиқ эди. Иккинчидан, оддий инсонларга нисбатан камтарона муносабатнинг ҳамма вақт ҳам етишмаслиги "маданиятли ҳисобланган" кишиларга норози муносабатларни келтириб чиқарди. Шу типда тушуниладиган маданиятни таърифлаш учун, турли миллатларда камситув маъносидagi баъзи бир махсус атамалар юзага келди. Жумладан Америкада culture-vulture, Россия ва русийзабон МДХ давлатларида шунга яқинроқ культура-мультир жумласи ишлатилса, ўзбеклар орасида кўпинча маданият-паданият каби норози оҳанглар қўлланилиб туради. Масалан, "... йўқот-э маданият-паданиятингни", деган эътирозли жумлаларни ҳозир ҳам учратиш мумкин.

Маданият социологияси соҳанинг тармоқ йўналиши ҳисобланиб, у маданиятнинг вужудга келиши, замонавий ҳолати ва истиқболлини тарихий ва социал тадқиқотлар ёрдамида ўрганади. Маданиятнинг жамият ҳаётидаги роли ҳақида тасаввурлар жиддий равишда ўзгариб борар экан, шунга мос равишда фаннинг предмети, мақсади, тузилмаси ва усули ҳақидаги қарашлар ҳам янгитдан шаклланимоқда. АҚШ университетларида маданият социологияси фани ўрнига маданий антропология ёки социал антропология ўқитилиб, асосан маданиятнинг этник жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади.

Социал антропология ва маданият социологияси умуман олганда маданият фалсафасининг илмий методологияси ва таҳлилий аппаратини кенг қўллайдиган, ҳамда ўз олдида социомаданий ўзгаришлар қонунийлигини аниқлаш ва таҳлил этишни асосий мақсад қилиб белгилайди. Кўп ҳолатларда у социомаданий таҳлил деб ҳам аталади. Социомаданий таҳлил - бу илмийликка қўйиладиган кескин интизомдан кўра кўпроқ назарий тадқиқот йўналиши бўлиб, ўзида объективлик ва субъективлик жараёнларини ҳам гавдалантиради.

"Социал маданият" атамаси социологияда "социал муносабатлардаги маданият" деб ҳам номланиши мумкин [7, б.125]. У кишиларнинг жамиятдаги ҳуққ-атворлари ва социал ўзаро муносабатлари асосида шаклланган кадриятлар тизими бўйича тартибга солиниб келинган. Социал маданиятнинг асосий ўзаги жамият, давлат ва бошқа социал институтларнинг (Ўзбекистонда маҳалла институти алоҳида аҳамият касб этади) фаолиятида намоён бўлади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, социал маданиятнинг асосий шакллари ўзида аҳлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий маданият турларини қамраб олади.

Кишилиқ жамиятининг инсоният дунёси ва табиатга нисбатан айнан тўғри келмаслигида биз социал тарих қонуниятлари ҳамда социал тараққиётнинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини қайд этамиз. Шунингдек, бунда биз социумнинг фақат инсонга хос бўлган фаолият шакли, яъни маданиятнинг юзага келиш ва мавжуд бўлиш жараёнларини ҳисобга оламиз, умумлаштирамиз.

Инсоният турининг табиий яшаш муҳити - бу органик бутунлик, инсонлар мавжудлигининг зарурий асосидир. Инсон ва унинг яшаш муҳити бу бутунлиқнинг

ўзаро тобей қисми саналади. Бироқ инсоният дунёси ва ҳаракатдаги инсоннинг ўз табиати ёки ўзга кишиларга айнан тўғри келмаслигида унинг (инсон) табиий органик бутунлигига мослашиш жараёни "фожеавий" ўрин туггани йўқ. Ўзига ўхшаганлар билан мулоқотга киришиш зарурати - социал тарих, ижтимоий тараққиёт ва культуругенезнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб чиқди [8, б.4]. XXI асрнинг сўнгги ўн йиллигида социаллик билан боғлиқ масалалар дунё ҳамжамиятининг диққат марказида турадиган бўлди. Унинг аҳамияти шундаки, тараққий этиб бораётган жамиятда мазкур масала, яъни "социаллик"га нисбатан қўшимча ўзлаштирилган ёки ўзгартирилган, аммо натижасиз "сайқал" бериш юқорида таъкидлаганимиз социумда қутилмаган тугёнларга олиб келиши мумкин.

Социологик нуқтаи-назардан ҳар қандай маданиятнинг социал муносабатлар тизимини таҳлили қиладиган бўлсак, фан нуқтаи назаридан мутахассислар, ушбу жараённи "маданият", "ижтимоий" ёки "сиёсат" деб алоҳида талқин қилишдан кўра, илмий асосда "социомаданий" деб фикр билдиришга одадланганлар. Шундан келиб чиқиб, социал маданиятни "социомаданий" жараён сифатида қараш ҳам мумкин. XX асрнинг таниқли мутаффакири С.Хантингтон фикрича "янгича шаклланаётган дунёда моҳиятан мавжуд низоларнинг асосини ё мафкура ва ёки иқтисод ташкил этмайди. Инсонларнинг бир-бирларидан узоқлашуви ва улар ўртасидаги низоларнинг манбалари маданият орқали содир бўлади" [9, б.10].

Ахборот коммуникацион маданият бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борган Канадалик антрополог ва маданиятшунос тадқиқотчи Г.Маклюэн инсоният тарихида мулоқот ва маданиятнинг учта шакли бўлиб ўтганлигига алоҳида эътибор беради. Демак, булар а) оғзаки аъналарга асосланган маданият, б) ёзув ва босма ёзув аъналарига асосланган маданият, в) маданиятнинг электрон шакли [10, б.92]. Бундан келиб чиққан ҳолда, биз Ўзбекистон шароитда Г.Маклюэн томонидан келтирилган изоҳнинг учинчиси, яъни маданиятнинг электрон шакли тобора ривожланиб бораётганлигини эътироф этмоқчимиз.

Социомаданий жараёнлар ичида кенг тарқалган ҳодисалардан бири - "маданий талваса", аниқроғи маданий талвасага тушиш ҳисобланади. Ушбу атамани илк бор 1960 йили америкалик тадқиқотчи Калерво Оберг (Kalervo Oberg) илмий муҳитга киритган. Маданий талвасанинг пайдо бўлиши оддийдан мураккабга қараб боради ва инсонда пессимистик, яъни нохушлик кайфияти даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик кўп маданий талвасага тушади. Бунда эски билан янги ўртасидаги тўқнашув, кечаги кун билан бугуннинг бир-бирига мос тушмаслиги, авлодлар ўртасидаги зиддиятлар, географик ҳудуднинг ўзгариши асосида психологик ва социал кайфиятдаги тушқунлик ҳолатларини кузатишимиз мумкин.

Бошқа бир америкалик мутахассис Ф.Бок фикрича "маданий талваса инсонда ўзга дунё билан ўзаро фаолиятга киришиш натижасида ўзи учун нотаниш бўлган белги ва рамзлар билан тўқнаш келиш оқибатида вужудга келадиган ташвишли ҳолат - ҳадиқлар асосида пайдо бўлади" [11, б.23]. У ўзининг маданий антропология бўйича мақолалар тўпламининг кириш қисмида (бу қисм Culture Shock, яъни "Маданий талваса" деб номланган) муаммога қуйидагича таъриф беради: "Маданий талваса сўзининг кенг маънодаги мазмуни - бу, айтайлик кимдир ўз уйини тарқ этаётганида, кейинчалик шу уйга ўзининг бегона бўлишидир. Инсон маданий талваса ҳолатида худди иблиснинг васвасасига тушгандек, мутлақо ўзига нотаниш бўлган, аммо мавжуд маконда ҳамма вақт баён этиб келинган ишончли ва қабул қилинган ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади. Сиз тасодифан кириб келган

гурӯҳда одамлар ҳар куни ижро этадиган умумий маданий ролларга шерик бўлишингизга тўғри келади. Бунда ўзингиз ўйлаб кўргандек сўз ва муомалангизни лойиҳалаштиришининг иложи бўлмайди. Чунки барча, шу жумладан сиз ҳам кўпчилик қатори дунёни амалда бир хил кўрасизлар, бир бирларингиздан нимани кутишни биласизлар. Шундай бўлсада, бегона жамиятга ўтиб, сиз қийинчиликларга дуч келасиз, танангизда ожизлик ва адашиш ҳиссини туясиз ва буни илмий тилда маданий талваса дейиш мумкин" [11, б.23]. Ўқувчимизга муаммони янада тушунарли бўлиши учун қуйидаги мисолни келтириш ўринли бўлади. Табиатан ҳисоб-китобли ва ўзига хос тартибга амал қилиб яшайдиган Ғарб кишиси учун ўзбеклар турмуш тарзида алоҳида аҳамият касб этадиган наҳорги ош маросими маданий талваса ҳолатини келтириб чиқариши аниқ. Эрта тонг саҳардан музика садолари остида тўкин дастурхон устида иссиқ сомса ва ёғли паловни 200 тадан 500 тагача одамга текинга тарқатилаётганини кўриб, у ўзида дисконфорт сезади. Шунингдек, унинг эрталабки нонушта вақтида бир чашка кофе ёки апельсин шарбатини ичиб, иш жойига кетишини ҳисобга олинса, ушбу маросим жараёни билан илк тўқнаш келган ҳар қандай одамдаги ноқулайликни ҳис этиш осон. Ўз навбатида бошқа жамият кишисининг ўзга маданий дунёга тушиб қолганда шу каби маросим ёки одатлар олдида дезориентация, яъни ажралиб қолиш ҳолатини замонавий дунёда тез-тез кузатиш мумкин.

Маданий талвасанинг мазмуни эски ва янги ўртасидаги маданий меъёр ва ориентациялар тўқашувида намоён бўлади. Утмишга айланган даврнинг иштирокчиси ва гувоҳи бўлган шахс аввал шу жамиятга хос бўлиб, кейинчалик уни тарк этиши натижасида янги бир ижтимоий ҳаётни ифодолловчисига айланиши мумкин. Буни биз собиқ иттифоқ даврида таълим олиб, бутун ҳаётини мустақилликка бахшида қилган одамлар мисолида кўришимиз мумкин. Умуман олганда, маданий талваса - бу индивидуал (шахс) онг даражасидаги икки маданият тўқнашувидир. Зинҳор уни этник ёки диний маданиятлардаги келишмовчилик омиллари билан боғлаш керак эмас. Қайсидир бир инсоннинг маданий талваса ҳолатига тушиши, унинг ўзга муҳитдаги маданият билан тўқнаш келиб, шунинг натижасида ўзида дисконфорт, яъни ноқулайчиликларни ҳис этиши билан боғлиқ.

Маданий талваса фақат бир шакл билан узоқ муддатли давом этмайди. Бунинг учун индивид ўзида мужассам бўлган стереотип (онгда қотиб қолган одат)ларни қайсидир тартибда синдириб боради. Жумладан, XX аср таълим тизимида эркак ва аёл жинсига мансуб бўлган кишиларнинг бир синфда билим олиши маданий талваса сифатида пайдо бўлган бўлса, бугун бу жараён оддий ҳолатга айланиб улгурди. Ёки аёл кишининг автомобил рулини бошқаришини бундан 15-20 йил олдин кўриб, ўзида ноқулайчиликларни ҳис этган қанчадан-қанча одамларни учратиш мумкин эди.

Дунёнинг глобаллашуви ва ахборотлар қўлами тарқалиши авж олиб бораётган бугунги даврда ҳар қандай одам бир неча бор у ёки бу даражадаги маданий талваса ҳолатини ўз танасида ҳис этиши мумкин. Бунга миллий ёки диний фарқлар, қийиниш, овқатланиш, мусиқа, оилавий муҳит тарбияси каби омиллар таъсир ўтказади. Танганинг икки томони бўлганидек, таъкидлаш керакки, бир жиҳатдан маданий талваса ҳолатида кимдир тезда ўзини ўнглаб олса, иккинчидан, унда инсонлар оғир ноқулайликлар ичида қолиб кетиши мумкин.

Ф.Бок фикрича, талваса ҳолатидаги маданий тўқнашувни низони ечишнинг беш усули мавжуд. Биринчи усулни у шартли равишда "геттолашган" ("гетто"

сўздан олинган) деб атайди. Замонавий жамиятда миграция жараёнларининг авж олиши геттолашиш омиллини кучайтирмақда. Шахснинг ўзга жамиятга келиб қолганида маҳаллий тилни билмаслиги, тортинчоқлик, ўзга динга эътиқод ва бошқа шу каби сабаблар туфайли ўзига нотаниш бўлган маданият билан муомалага киришишга мажбур бўлади. Шундай шароитда у ўзининг шахсий маданий муҳитини яратишга ҳаракат қилади. Бошқа ҳамюртлари, қариндош-уруғлари, қабиладошлари билан ўзларига мос бўлган муҳит яратиб, мавжуд "бегона" маданият таъсиридан ўзини ўраб олади, яъни ҳимоя воситасини яратади.

Кўплаб Фарбдаги катта, ўртача ва ҳатто кичик шаҳарларда маҳаллий маданиятдан кескин фарқ қиладиган гетто маданиятлари пайдо бўлди. Буларга ҳинд, хитой, турк, араб ва шу каби кварталларни мисол қилиш мумкин. Масалан, Берлиннинг Кройсберг туманига бир неча ўн йилликлар давомида турк мигрантлари ва қочоқлари келиб жойлаша бошладилар. Немис олами ва турмуш тарзини қабул қилишни истамаган турклар ўзларининг социал дунёсини аждодлар анъаналари асосида давом эттириб, бутунлай ёпиқ тизим яратадилар. Натижада турк диспораси ўрнига ўзига хос гетто пайдо бўлди. Бу каби туманларда истиқомат қилувчилар нафақат туркча талаффузда гаплашишади, унда ҳатто кўчаларнинг номлари ва қиёфаси, ундаги реклама ва эълонлар ҳам турк тилида битилган. Туркча тамадихоналар ва ресторанлар, турк банклари ва саёҳат бюрolari, турк партиялари ваколатхоналари ва деворларда турк тилидаги сиёсий шиорларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Кройсбергда бутун умр немис тилида бирор сўз гапирмасдан яшаб ўтиш мумкин. Бундай гетто - арман, грузинлар ҳам революциядан олдин Москвада бўлган. Канаданинг Торонто шаҳрида геттолашган туманлар шу даражада ўзига хос миллий аҳамият касб этганидан, америкалик кинорежиссёрлар Калкутта, Бангкок ёки Шанхайда олиниши керак бўлган саҳналарни Торонтодаги кварталларда олишни маъқул кўришади.

Маданий тўқнашувга оид низолар ечимини ҳал этишдаги иккинчи усул - ассимиляция, яъни "қоришиб кетиш" бўлиб, у ўз мазмунига кўра, геттолашган жараённинг акси саналади. Ассимиляция жараёнида шахс ўзининг асрий маданиятини рад этиб, ўзи учун янгитдан ўзлаштирилган ватанининг маданий-маънавий бойликларини тўлиғича ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

Талвасали ҳолатдаги маданий тўқнашув низосини ечишнинг учинчи усули "оралиқ масофали" бўлиб, унда маданий алоқалар ўзаро ҳамкорликда мужассам бўлади. Алоқалар тўғри амалга ошиши ва ҳар икки томонга фойдали бўлиши учун ўзаро хайрихоҳлик ва ошкоралик бўлиши шарт. Ўзаро муносабатларда томонларнинг бири "автохтон" (маҳаллий) ва иккинчиси "муҳожир" (қочоқ) бўлсада тарихда муваффақиятли маданий алоқалар кўп учраган. Масалан, иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон, хусусан Тошкент шаҳрига жуда кўп сонли турли миллат вакиллари эвакуация қилинади. Одамлар билан бирга йирик sanoat қорхоналари, илмий академик ташкилот ва муассасаларнинг кўчириб келиниши фан ва таълимнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшади. Ўзбек ва турли миллатга мансуб маданиятларнинг яқинлашуви ўзига хос маданий симбиозни шакллантирди. Аҳоли орасида кўптиллик пайдо бўлди, жамиятнинг интеллектуал иқлими ўзгариб, динлараро ва миллатлараро тотувлик кучайди. Умуман олганда ўзаро маданий алоқаларнинг натижалари бирданига амалга ошиши билан кўзга кўринмайди. Улар вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини намoён қилиб, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан жиддий тус олиб боради.

Тўртинчи усул қисман, ёки "вақтинчалик ассимиляциялашув" деб номланиб, унда шахс ижтимоий ҳаётнинг қайсидир бир тармоқларида ўзга маданият фойдасига ўз маданиятини қисман қурбон қилади. Масалан, хизмат жойида ўзга маданият муҳити меъёр ва талабларига мослашса, оиласи ва қариндош уруғлари давраси, маънавий-маиший соҳаларда ўзи мансуб маданият нормаларига амал қилади. Маданий талвасани бартараф этишнинг ушбу усули бугунги замонавий жамиятнинг энг оммалашган кўриниши ҳисобланади. Кўпинча муҳожирлар ўзга дунёга қисман ассимиляциялашади ва ўз турмуш тарзини иккита, лекин бири-бирига тенг бўлмаган қисмга ажратишга мажбур бўлади. Ўзга худудда геттолашган маданият тўлиқ шаклланмаса, унда шахснинг мавжуд муҳитга қоришиб кетиши қисман юз беради. Лекин қисман ассимиляция жараёни кейинги авлодларга ўтганда тўлиқ ассимиляциялашувга ўтиб кетиши мумкин.

Даврий ўзгаришлар натижасида XX аср тадқиқотчиларининг эътибори кўпроқ "констант" маданиятлар, яъни барча халқларнинг турмуш тарзидаги доимий барқарор элементларни озми кўпми даражада ўзгартирмаган ҳолатда ўрганишга қаратилади. Бунда инсоннинг борлигини маданий безовчи ранго-рангликдаги фарқлар алоҳида ажратиб олинади. Натижада маданиятшуносликка оид тадқиқотларнинг мавзуси ҳам ўзгариб боради. Социологияда асосий мавзу сифатида инсониятнинг тарихий маданияти эмас, балки аниқ мавжуд маданиятлар тадқиқот объектига айланди. Аста-секинлик билан бундай ёндашувлар глобал-эволюционизмга оид қарашлардан воз кечишга олиб келди. Яқунда таъкидлаш мумкинки, замонавий жамиятда тараққиёт омили етакчилик қилар экан ҳеч бир жабҳа маданият мавзуси эътироф этилмайди. Биз буни долзарб тадқиқот муаммоларига айланган "ахборотлар олиш маданияти", "интеллектуал маданият", "касбий маданият", "экомданият", "гафаккур тарзи маданияти", "этиқод маданияти" каби кўплаб жумлаларда учратмоқдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фалсафа қомусий дугат. (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). - Т.: Шарқ, 2004. - Б. 230.
2. Уильямс Р. Базис и надстройка в марксистской теории культуры. / Журнал "Логос". 2012. № 1 (85). С.136.
3. Соколов В.В. Европейская философия XV-XVIII веков. - М.: Слово, 2004. - С. 212.
4. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. Пер. с англ. Т. Велимеева, Ю. Новикова. - М.: Издательство АСТ, 2003. - С. 603.
5. Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка. - М.: Издание книгопродавца-типографа М.О.Вольфа, 1881. - С. 217.
6. Arnold M. Culture and Anarchy. - London : Cambridge University Press, 1960. - P.467.
7. Фролов С.С. Социология. - М.: Гардарки., 1999. - С. 125.
8. Культура, культурология и образования (Материалы "Круглого стола"). Выступления В.А. Лекторского // Вопросы философии, 1997. № 2. - С.4
9. Грачев Г.В. Информационные технологии политической борьбы в российских условиях // Полис. 2000. № 3. - С. 10
10. McLuhan M. Understanding Media: The Extensions of Man. - Cambridge, 1994. - P. 92.
11. Ph.K. Bock. Culture Shock. A reader in modern cultural anthropology. - New York, 1970. - P. 23.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Содиқова Шохида Мархабаевна
соц.ф.д., Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ СОҲАДАГИ ЎЗГАРИШЛАР



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-2>

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон ислохотлар йўлини давом эттирмоқда. Президентнинг парламентага йўллаган мактуби мамлакат олдида турган стратегик вазифаларни белгилаб берди. Халқнинг фаровонлиги ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг самарадорлигига боғлиқ. Яхши таълим бериш, илмий ва таълим жараёнларининг сифатини ошириш, жамиятда тинчлик ва инсон саломатлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашни таъминлаш зарур.

Калит сўзлар: ислохотлар, ислохотларнинг моҳияти, ижтимоий соҳа, ислохотларнинг йўналишлари, муаммолар, эчимлар, фаровонлик.

Содиқова Шохида Мархабаевна
д.соц.н., Академия государственного управления
при Президент Республики Узбекистан

ИЗМЕНЕНИЯ В СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЕ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

Узбекистан продолжает путь реформ. Послание Президента парламенту определило стратегические задачи, стоящие перед страной. Благополучие народа зависит от эффективности реформ в социальной сфере. Необходимо дать достойное образование, повысить качество научного и учебного процессов, обеспечить мир в обществе и здоровье людей, оказать поддержку уязвимым слоям населения и т.д.

Ключевые слова: Реформы, суть реформ, социальная сфера, направления реформ, проблемы, пути решения, благосостояние.

Sodiqova Shoxida Marxabaevna
DSc, Academy of Public Administration
under the President of the Republic of Uzbekistan

SOCIAL IMPROVEMENT IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

Uzbekistan continues the path of reform. The message of the President to the Parliament defined the strategic tasks facing the country. The welfare of the people depends on the effectiveness of reforms in the social sphere. It is necessary to give a decent education, improve the quality of scientific and educational

processes, ensure peace in society and human health, provide support to vulnerable groups of the population, etc.

Key words: Reforms, the essence of reforms, social sphere, directions of reforms, problems, solutions, welfare.

Инсониёт тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр халқлар, ўзининг йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришганлар. Бугунги давр Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиб, мамлакатимизни энг илғор давлатлар қаторига олиб чиқиш учун кенг имкониятлар очилган даврдир.

Дарҳақиқат, 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномасида йил давомида амалга оширган ишларимиз, тараққиёт йўлимизни ҳолисона ва танқидий баҳолаб, 2019 йил учун амалий режалар тузиш, халқаро майдондаги мураккаб вазиятларни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш вазифаларини таъкидлаб ўтдилар. Жумладан, жойларда халқ билан мулоқотлар давомида ва мурожаатларда билдирилган фикрлар, таклиф-мулоҳазаларни атрофлича ўрганиб, ҳар бир йилга яхши ният билан ном бериб, ўз олдимизга улкан марралар аниқлаб олинди.

2019 йилни "Фаол инвестиция ва ижтимоий ривожланиш йили", деб номланиши мамлакатимизда инвестиция сиёсати орқали иқтисодий ёта барқарор ўсишига эришиши, турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келиши, тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлашини устувор вазифалар саналади. Шунингдек, мамлакатимизни илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш энг муҳим вазифамизга айланаётганлигини эътироф этиш жоиз.

Юртимизда фаол инвестиция сиёсатининг юритилиши, замонавий корхоналар барпо этилиши, солиқ тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантирилиши, барча соҳа ва тармоқларда инновация, илм-фан ютуқлари, янги ва ижодий ёндашувларни жорий этилиши алоҳида эътиборга молик. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида замонавий, истиқболли тармоқларга асос солиниши, кластер тизимини йўлга қўйилиши, фермер хўжалиқларининг натижадорлигини кучайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилиши, аҳолининг ҳаёт даражаси изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратилаётганлигига барча асослар бор. Юртимизда бўлаётган барча ўзгаришлар ҳар бир инсонга унинг миллати, тили ва динидан қатъий назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугунги ҳаётдан рози бўлиб яшаши асосий мақсадимиз эканлиги Мурожаатномада таъкидланади.

Мурожаатномада белгиланган ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар одамларнинг ҳаёти учун муҳим ҳисобланган манфаатларини амалга ошириш учун хизмат қилади. Ижтимоий соҳадаги ўзгаришларнинг негизида, унинг инсонлар фаолиятининг муайян соҳаларига, ижтимоий муносабатлар турига, аҳолининг гуруҳлари ва тоифаларига ўтказиладиган таъсирида намоён бўлади.

Мамлакатимиздаги ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларни янада янги босқичга кўтаришга қаратилган ўзгаришларда:

- аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш;
- 2019 йил учун бандликка қўмаклашишнинг янги давлат дастурини тасдиқлаш;
- ишсизларни касбга ўқитиш, уларга ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатлар бериш ҳамда бошқа ижтимоий ёрдам усулларида кенг фойдаланиш;
- халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини ошириш;
- энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш, солиқ ва бошқа тўловларнинг энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ бўлишига барҳам бериш;
- пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш;
- ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оила аъзоларини, боқувчисини йўқотганларни ўн олти ёшгача ижтимоий муҳофаза қилиш; умрини ногирон фарзандига қараш, уни парвариш қилишга бағишлаган оналар учун алоҳида ижтимоий нафақа турини жорий этиш;
- илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш;
- умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш; хусусий мактаблар ташкил этиш, давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- олий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтириш; олий ўқув юртлири нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш; ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини бериш; қабул квоталарини мустақил белгилаш тизимини жорий этиш; бакалаврият йўналишида таҳсил олаётган талабаларга хорижда ўқишни давом эттириш имкониятларини янада кенгайтириш; Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш;
- ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюрolari, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши;
- тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш;
- хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;
- ёшлар билан ишлаш масаласи, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида "Ёшлар - келажагимиз" жамғармаси фаолиятини янада кенгайтириш;
- ёшларнинг турли радикал ва зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймашлик, бу борадаги ишларни янгича ёндашувлар билан давом эттириш;
- аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб турар-жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш;
- жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш;
- миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; турли мафкуравий қарашлардан ҳоли бўлиш; буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг

бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига синдириш, уларда миллий гурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- замонавий, оқилona бошқарув тизимини жорий этиш; илғор давлат менежменти ва "ақлли" бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтиш;

- иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш;

- давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматида малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш назарда тутилади.

Шунингдек, халқ билан узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш, барча даражадаги раҳбарлар учун нафақат мажбурият, балки ҳаётий тамойилга айланиши ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этишда ҳар бир раҳбарнинг олдида турган энг биринчи вазифалардан эканлигини таъкидланади.

Президент Шавкат Мирзиёев Мурожаатномасининг яна энг муҳим жиҳати шундаки, очиқлик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни давом эттириш ва унинг самарадорлигини янада ошириш чораларини кўриш, сиёсий-иқтисодий муносабатлар доирасини кенгайтириш учун чет давлатларда Ўзбекистоннинг янги ваколатхоналарини очиш, ходимлар сонини кўпайтириш;

- халқаро майдонда мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий манфаатларини илгари суриш учун давлатимизнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий фаолиятига доир қонунчилик базасини янада такомиллаштириш;

- миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик; мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустақкамлашдир.

Мурожаатноманинг яна бир муҳим жиҳати, ҳар бир устувор йўналиш бўйича Бош вазир ва ҳукумат аъзолари амалга оширилган ишлар ҳақида Сенат ва Қонунчилик палатаси олдида ҳар чоракда ҳисобот бериб бориши ва бу жараён оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишидир. Бунда фуқаролар Мурожаатномада белгилаб берилган вазифаларни бажариш бўйича, ҳукумат қандай иш олиб бораётганидан хабардор бўлади ва ҳукумат фаолиятига халқнинг ўзи баҳо беради. Бу ҳозирда бошқарувда фаолият кўрсатаётган раҳбарларга жуда катта масъулият, фидойилик, садоқат билан хизмат қилиш, халқ ишончини қозониш, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарди билан яшаш, муаммоларини ҳал қилишда ҳамжиҳатлик тамойилларини янада такомиллаштириш каби талабларни юклайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, янги босқичга қадам кўяр эканмиз, ютуқларимиз билан бирга камчиликларимизни ҳам чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги ва самарали тизими жорий этилганлигини айтиш ўринли. Бугунги кунда халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қила бошлагани учун ҳам одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда, эл-юртимизнинг ўз кучи ва имкониятларига, эртанги кунга ишонч билан қараши мустақкамланмоқда.

Халқ билан мулоқот олиб бориш, унинг дарду-ташвишлари билан яшаш, халқни рози қилиш, фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегия яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Мурожаатномада узоқ муддатли стратегик мақсадларимизга эришиш, яъни замонавий ривожланган давлатлар сифатида бўлиш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини тубдан яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб берди.

Мурожаатномани ўрганиш яна шуни кўрсатадики, унда баён этилган мулоҳазалар ўтган давр ичида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг бугунга қадар бўлган натижаларини умумлаштиради ва бу ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда янада ривожлантириш орқали бошқарувнинг халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши механизмини ёритиб беради.

Кувончли жиҳати шундаки, бизнинг эзгу интилишларимиз замирида шундай пок ният, буюк ишонч мужассам. Аниқ мақсад йўлидаги бунёдкорлик ишларимиз амалий натижалар бера бошлаган, кўзлаган режаларимиз босқичма-босқич рўёбга чиқиб, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб бораётган ҳозирги кунда халқимиз, миллатимиз қалбидаги ишонч янада мустаҳкамланмоқда.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Мурожаатномада белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилиши келажакда таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада оширишга кўмаклашади. Ҳаёт давом этар экан, ўзгариш ва янгиланишлар муттасил содир бўлиб туради, янги-янги вазифалар пайдо бўлади. Ҳозирги замоннинг фарзандлари сифатида ушбу долзарб вазифаларни бажариш учун барчамиз масъулмиз.

Фойдаланган дабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида", 2016 йил 17 декабрь, Ф-4760-сон // [электрон ресурс] <http://www.lex.uz/docs/3121798>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга" оид давлат дастури тўғрисида". 17.01.2019 й., N ПФ-5635 // [электрон ресурс] https://nrm.uz/content?doc=575871_o'zbekiston_respublikasi_prezidentining_17_01_2019_y_pf-5635-son_2017-2021_yillarda_o'zbekiston_respublikasini_rivojlantirishning_beshta_ustuvor_yo'nalishi_bo'yicha_harakatlar_strategiyasini_faol_investiciyalar_va_ijtimoiy_rivojlanish_yilida_amalga_oshirishga_oid_davlat_dasturi_to'g'risidagi_farmoni&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
3. Президент Мурожаатномаси: тўлиқ матн. Ўзбекистон Республикаси Президенти мағбуот хизмати давлат раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси матнини тўлиқ ҳолда келтирди. // [электрон ресурс] <https://kun.uz/99444746>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // [электрон ресурс] http://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasi-28-12-2018?sphrase_id=2581395
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш таътанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 56 б.
6. Рўзиев У. Халқ қабулхоналари институти: Бажарилган ишлардан ҳали қилиниши лозим бўлган вазифалар кўп // [электрон ресурс] <https://meningfikrim.uz/uz/news/view/113>

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Husanova Xayriniso Tayirovna
Ph.D., dotsent, O'zbekiston Milliy universiteti

ТАЛАБА ЁШЛАР СОЦИАЛ КАТЕГОРИЯСИНИ ЎРГАНИШДА
МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАР ЁНДАШУВ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-3>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мултидисциплинар ёндашув асосида аҳолининг социал-демографик гуруҳи саналган талаба ёшларда социал фаоллик ва ҳаракатчанлик омиллари таҳлил этилган. Бунда ёшлар, хусусан, талаба ёшларга хос бўлган хусусиятларни тавсифлашда социология, психология, педагогика каби ижтимоий фанлар вакиллари тадқиқотлари қиёсий ўрганилди.

Калит сўзлар: вояга етганлик, ёшлар, етуклик, талаба, оилали талаба, социал мобиллик, социал фаоллик, ҳаётий позиция, коммуникация.

Хусанова Хайринисо Тайиrowна
к.соц.н., доцент, Национальный университет Узбекистана

МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАРНЫЙ ПОДХОД В ИЗУЧЕНИИ СТУДЕНЧЕСКОЙ
МОЛОДЁЖИ КАК СОЦИАЛЬНАЯ КАТЕГОРИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе мултидисциплинарного подхода проанализированы факторы социальной активности и социальной мобильности студенческой молодёжи как социально-демографической группы населения. При описании социальных характеристик молодёжи, в частности студенческой молодёжи проведен сравнительный анализ на основе исследований представителей социальных наук таких как социология, психология и педагогика.

Ключевые понятия: совершеннолетие, молодёжь, зрелость, студент, семейный студент, социальная мобильность, социальная активность, жизненная позиция, коммуникация.

Husanova Xayriniso Tayirovna
Ph.D., associate Professor, National University of Uzbekistan

MULTIDISCIPLINARY APPROACH TO THE STUDY OF STUDENTS AS A
SOCIAL CATEGORY

ANNOTATION

The article based on a multidisciplinary approach analyzes the factors of activity and social mobility of students as socio-demographic group of the population. When describing the social characteristics of young people, in particular students, a comparative analysis was carried out based on research by representatives of the social sciences, such as sociology, psychology and pedagogy.

Key words: co-age, youth, maturity, student, married student, activity and social mobility, life position, communication.

Инсон ўртача 14 ёшда жисмоний етукликка эришади. Қадимги жамиятларда тахминан шу ёшда болалар инициацияси, яъни, катталар қаторига қўшилишнинг ритуалли маросими ўтказилган. Аммо, жамият ривожланиши ва мураккаблашуви муносабати билан катталар билан ҳисоблашишда нафақат жисмоний етуклик, балки, дунёвий билимларга эғалик, касбий кўникмаларни ҳосил қилиши, ўзи ва оиласини мустақил таъминлаш малакасига эга бўлишлик талаб этилиб бошланди. Билим ва кўникмалар кўлами тарихий даврлардан кенгайиб борар экан, етуклик мақомига эғалик даври борган сари орқага сурилиб борди. Шу боис, замонавий жамиятларда инсоннинг етукликка эришиш даври 30 ёшни ташкил этади.

Аммо, ёшлик даврининг хусусиятлари нафақат ёш кўрсаткичлари билан, балки, етукликка эришишнинг ижтимоий ва маданий омилларига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ушбу давр ижтимоий-гуманитар фанларда турлича талқин этилади ва даврлаштирилади. **Хусусан:**

Фалсафий нуқтаи назардан ёшлик - имкониятлар, келажак сари илдамлаш даври сифатида ўрганилади. Артур Шопенгауэр таърифлаганидек (1788-1860) "ҳаёт - ёшлик нуқтаи назаридан - бу чексиз узоқ келажак, қарилик нуқтаи назаридан эса - жуда қисқа ўтмишдир" [1, б. 56]. Бу маънода, ёшлик - бу ҳали ҳеч нарса содир бўлмаган аммо, ҳаммасига улгурса бўладиган давр.

Психологик нуқтаи назардан эса ёшлик бу - ўз "МЕН"ни, яъни ўзининг индивидуал такрорланмас шахс сифатида моҳиятини англаш, бахт ва омадга эришишда ўзига хос йўлни қидириш даври.

Ҳуқуқий нуқтаи назаридан ёшлик - бу фуқаро сифатида воёга етганлик даври саналиб, фуқарога хос ҳуқуқлари ва эркинликларидан тўлиқ фойдаланиш имконига эга бўлади (сайлов, қонуний никоҳ ва ҳ.к.). Шунингдек, мажбурият ва бурчлар юкланади.

Тиббиёт нуқтаи назаридан Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг таснифлашича, одамларнинг ёшлик даври 44 ёшгача бўлганлар ҳисобланади.

Таълим нуқтаи назаридан "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро Конвенцияда ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳининг даврий чегараси бошланғич нуқтаси 18 ёш қилиб белгилангани сабаби замонавий жамиятларда болалик, ўсмирлик даврининг орқага сурилиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси бўйича инсон 18 ёшдан бошлаб ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъекти саналади. "Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуни бўйича ёшларнинг даврий чегараси -14-30 ёш қилиб белгиланган [2, б.1].

Ёшлик - ўзига хос ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида биринчидан, ёш тавсифлари, иккинчидан, ижтимоий мақом хусусиятлари, учинчидан, ўзига хос индивидуал дунёқараш йиғиндиси дир. Ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий мақомига кўра болалик ва ўсмирликдан ижтимоий масъулиятли етукликка ўтиш даври саналади. Ёшларга хос мобиллик тури - вертикаль социал мобиллик саналади. Ёшлар - бу етукликка эришиш босқичидан ўтаётган аҳоли гуруҳи бўлиб, уларда шахс шаклланиши, билим, ижтимоий меъёрлар ва қадриятларнинг ўзлаштирилиши содир бўлади. Ушбу сифатлар эса ёшларнинг жамиятни тўлақонли аъзосига айланишига хизмат қилади. Ёшлик ўтиш даври саналганлиги боис, айрим

масалаларда ёшлар етарлича етукликни намоён этсалар, бошқа масалаларда - соддалик, чегарланганлик ва инфантилликни кўрсатадилар. Бу иккиланиш ушбу ёшга хос қарама-қаршиликлар ва муаммолардан келиб чиқади.

Улғайиш эса - бу билим ва кўникмаларни ўзлаштириш ва уларни амалиётда илк бор қўллаш даври саналади.

Ёшликнинг асосий фаолият йўналишлари бўйича қаралса - бу таълимнинг якуланиши ва меҳнат фаолиятига кириш давридир.

Немис социологи Карл Маннгейм (1893-1947) аниқлашича жамиятда содир бўлаётган шиддатли тараққиёт ёки трансформациялар шароитида ёшлар олдинги қаторга чиқувчи ўзига хос заҳира ролини ўтади. Бундай жонлиши ёшлардаги шиддатли ўзгаришларга тезда мослашувчанлиги билан изоҳланади [3, б.3]. Динамик ҳаракатчан жамиятлар ушбу заҳирани эртами ёки кеч ҳаракатга келтиради. Аммо, анъанавий жамиятларда ёшлар сафарбар этилмайди ва интеграциялашмайди, аксинча одатда бостирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшлар социал ҳаётни жонлантирувчи механизм ролини ўтади. Ушбу ёш даврида инсон катта ижтимоий ҳаётга илк қадам қўяди. Улар ҳар қандай ҳатти-ҳаракатга тайёр куч-қудратдир. Ёшлар ўзига хос ёш ва ижтимоий гуруҳ сифатида жамиятда ўрнатилган маданий қадриятларни ўзгача қабул қилишини оқибатида ўзига хос ёшлар сленги ёки субмаданиятларни шакллантиради.

Психоаналитик йўналиш вакиллари ёшлар муаммоларини ўрганишда психоанализдан келиб чиқувчи шахс ҳаётининг цикли билан боғлайди. Бунда ёш даврига хос психофизиологик жараёнларнинг шахсиятга таъсири нуқтаи назаридан ёндашилади. Ёндашув З.Фрейд хулосалари ва неофрейдизм тарафдорлари фикрларига таянади. Бунда "Эдип комплекси" назарияси ишлаб чиқилган унга кўра авлодлараро конфликтлар, ёшлардаги агрессияга мойиллик, мавжуд тартибларга қаршилик уларнинг ички энергиясининг сублимацияси белгиси сифатида изоҳланди [4, б.71].

Эпигенетик тамойил Э.Эриксон томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, инсонда шахсият ривожланишида турли ёш категорияларига хос идентификация кризисини бошидан кечириши ҳақида бўлиб, унга кўра ижтимоий меъёрлар ва шахснинг психосоциал етуклиги ўртасидаги номуносиблик ушбу кризисга сабаб бўлади. Эриксон инсон ҳаётининг йўлини саккиз даврга бўлиб ўрганади [5, б. 89]:

- гўдақлик - болани ташқи дунёга "ишонч базаси" билан тарбиялаш киради. Бунда асосий восита ота-она гамхўрлиги ва муҳаббати ҳисобланади. Агар "ишонч базаси" шаклланмаса болада дунёга "ишончсизлик базаси" шаклланади ва доимий хавотирлик пайдо бўлади.

- болалик - болада ўзининг ҳис-туйғулари ва шахсий қадриятлар ёки уларнинг акси бўлган - ҳаё ва гумонлар шаклланади. Боланинг мустақил ўсиши, жисмоний фаолият билан боғланиши унга танлаш имкониятини беради. Бундай босқичнинг ривожланиши келажакда шахсга жавобгарлик туйғуси сифатида тартиб-қоидага ҳурмат ҳиссини уйғотади.

- ўйинқароқ болалик (тахминан беш ёшдан етти ёшгача серҳаракатлилик) ҳисси шакллари, нималарнидир қилишни хоҳлайди. Агар бу хоҳишларини йиғганда айблаш ҳисси пайдо бўлади. Бу ёшда гуруҳлардаги ўйинлар, тенгқурлари билан муносабат, турли хил ролларни кўради, фантазия қилади ва ҳ.к. Бу босқичда ҳақиқатгуйлик ҳисси, ҳуқуқларни тушуниш муносабатлари ётади.

- мактаб ёши - уддабуронлик ҳисси, ўз олдига қўйган мақсадга интилиш. Аҳамиятли қадриятларга ижодкорлик ва чуқур муносабатнинг шаклланиши.

- ўсмирлик - яқкалик ҳиссиётининг ўсиши, бошқаларга ўхшамаслик. Ўз-ўзини англаш иштиёқининг кучайиши, янги вақтни ҳис этиш, психологик қизиқишлар, патоген жараёнлар содир бўлади.

- ёшлик - бошқа одам билан социопсихологик муносабатга киришиш талаби, қобилияти билан характерланади. Унинг муқобили - ёлғиз бўлиш ҳиссиёти ошади.

- ўрта ёш - ижодий фаолиятнинг ошиши. Уларнинг бу ҳаракати фақат меҳнатда эмас, бошқаларга ҳам хизмат қилиш ва ўз тажрибасини бериш талаби ошади.

- етуклик ёки кексалик ёши ҳисобланиб, ўз ҳаётидан мамнунлик, қониқиш, айрим ҳолларда эса руҳий тушқунлик, умидсизлик ҳисси билан характерланади [4, б. 471].

Ёшлар социологиясининг социологиянинг тармоқ йўналиши сифатида шаклланишида ўз ҳиссасини қўшган Т.Лисовскийнинг фикрига кўра "Ёшлар - ижтимоийлашув жараёни босқичидан ўтаётган аҳоли қатлами бўлиб, нисбатан етуқ ёшда таълим, касбий, маданий в бошқа ижтимоий функцияларни ўзлаштирган бўлади в аниқ тарихий шароитдан келиб чиқиб ёшлар даврий чегараси 16 ёшдан 30 ёшгача бўлади" [6, б. 78]. Демак, социологик нуқтаи назардан ёшлар бу - ўсмирлик давридан етауқлик даврига ўтиш оралиғидаги социал фаол қатлам саналади.

И.С.Кон таърифича "ёшлар - ижтимоий-демографик гуруҳ бўлиб ёш, эгаллаган ижтимоий ўрни ва бошқа социал-психологик хусусиятлар йиғиндисини ўзидан мужассам этади. Ёшлик ҳаёт циклининг маълум босқичи сифатида биологик жиҳтдан универсал хусусиятга эга бўлса-да, унинг ёш чегаралари ва у билан боғлиқ социал мақом ва социал психологик хусусиятлар тегишли жамиятнинг ижтимоий тузилмаси, маданияти ва шу жамиятга хос ижтимоийлашув қонуниятлари билан фарқланади" [7, б. 32]. И.С.Коннинг ёзишича ёшлар социологиясида асосий эътибор қуйидаги муаммоларга қаратилади:

1. ёшларнинг ижтимоий гуруҳ сифатида ижтимоий тузилмада тутган ўрни ва ролини ўрганилиши, (С. Н. Иконникова, В. Т. Лисовский),

2. ёшларда шахсиятнинг шаклланиши (И. С. Кон), ёшларда касб танлаш ва ижтимоий мобиллигини таъминланишида қадриятли мўлжалларнинг таъсири (М. Х. Титма),

3. ёшларнинг меҳнатга муносабати, ёш оилалар муаммолари" [7, б. 32]. Ёшларнинг энг кўп сонли ва фаол қисми бу - талаба ёшлардир. Талаба ёшлар таълим олиш жараёнидаги фаоллиги, меҳнат қобилияти лаёқатининг баландлиги ва динамик социал ҳуққ-автор соҳиби сифатида интеллектуал соҳа ва ишлаб чиқаришдаги асосий қатламни ҳосил қилади. Илмий адабиётларда талаба ёшлар тушунчасининг таърифи борасида яхлит фикир шаклланмаган. О.В.Ларминнинг ишларида талаба ёшлар ёш авлоднинг ўзига хос ижтимоий-профессионал қатлами бўлиб, улар махсус таълимий ва ижтимоий функцияларни бажарувчи ва турмуш, қадриятли мўлжаллар ва турмуш тарзи умумийлиги билан ажралиб туради [8, б. 166].

А.С. Власенконинг фикрига кўра: "талаба ёшлар - бу алоҳида ижтимоий гуруҳ бўлиб, ўзига хос турмуш тарзи, меҳнат ва маиший ҳаёт, ижтимоий ҳуққ-автор ва руҳиятга эга бўлиб, улар учун билим олиш ва ўзини бўлажак касбий ҳаётга тайёрлаш асосий, аксарият ҳолатларда эса ягона машғулот саналади.

М.А.Ковзиридзе таъкидлашича "талаба ёшлар - бу ўз ақлий қобилияти ва профессионал даражасини ошириш учун етарли интеллектуал капитал ва заҳирага эга социал гуруҳдир" [9, б. 472].

Т.В. Солодова ўзининг "Талаба ёшларнинг психосоциал хусусиятларини тадқиқ этилиши" номли мақоласида талаба ёшларни касбий фаолият учун зарурий ахборотни тўплаш билан шуғулланувчи ўзига хос ижтимоий мақом, роль ва мавқега эга, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этувчи ҳамда турли қатлам ва синф вакилларига хос хусусиятларни ўзида акс этувчи ижтимоий-демографик гуруҳдир" [10, б. 468-473]. Шунингдек, талаба ёшларни миллат келажаги нуқтаи назаридан Н.П. Шарапов [11, б. 348], Ю.В. Шкудунова и О.В. Хамчук [12, б. 8-11] тадқиқотларида ўрганилар экан улар талаба ёшларни - ҳар бир жамиятнинг нафақат энг ҳаракатчан ва фаол қисми, балки, маълум маънода миллат келажаги.Зеро,тез орада айнан, улар мамлакат келажагини белгилаш билан шуғулланадилар дейди. Иккиламчи бандлик - бу кишиларнинг асосий иш жойдан ташқари қўшимча иш билан шуғулланиши бўлиб, талаба ёшларнинг иккиламчи бандлиги бу - қўшимча маош топиш мақсадидаги фаолиятидир.

Талаба ёшлар ижтимоий гуруҳи таркибида оилали талабалар илмий тадқиқотларнинг ўзига хос объекти саналади. Бу бора олиб борилган айрим тадқиқотларга кўра оилали талабалар ёки талабалар оиласи - бу эр-хотиннинг иккиси ёки бири талаба блган оила бўлиб, ушбу оила тури расмий никоҳ томонидан қайд этилган саналади [13, б. 78]. Шу нуқтаи назардан талабалар оилалари туркумланганда тўлиқсиз талабалар оилалари - яъни эр-хотиндан бири талаба ва тўлиқ талабалар оиласи - яъни эр-хотин иккиси ҳам талаба оилалар ажратиб кўрсатилади.

Ҳозирда мавзуга доир адабиётлар ва расмий ҳужжатларда "оилали талаба ёки талабалар оиласи" тушунчасини изоҳловчи яхлит ёндашув мавжуд эмас. Шундай бўлса-да "ёш оила" нинг оила шакли сифатида "талабалар оиласи" никоҳ тузилгандан кейинги бакалавр таълими даврини қамраб олиб, бунда оилавий жуфтлик ёши 30 дан ошмаган бўлиши, Демак, талабалар оиласи - бу расман қайд этилган никоҳ муносабатларига киришган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган эр ва хотин бирлигидир [14, б. 300].

Ёшлар муаммоларининг илмий ўрганишда кўтарилиши XX асрнинг 60 йиллари охири ва 70 йилларининг бошларига тўғри келди. Сабаби худди шу даврда аҳоли умумий миқдорида ёшлар салмоғи ошиб борди. Гап шундаки, 1945-1948 йилларда Иккинчи жаҳон урушидан қайтаган миллионлаб эркаклар тинч ҳаётга қайтдилар. Уларнинг кўпчилиги оила қурган бўлсалар, оилали эркаклар фарзандлари сонини кўпайтирдилар. Натижада XX асрнинг 60-70 йилларга келиб уларнинг фарзандлари жиноий жавобгарликка тортилиш ёшига етдилар. Натижада вояга етмаганлар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг ажралмас қисми сифатида давлат органлари ҳамда олимлар диққатини торта бошлади. Шу даврданёшлар ва вояга етмаганлар жиноятчилиги борасидаги қатор фундаментал тадқиқотлар ва илмий асарлар пайдо бўлди. Албатта, улар ўша даврдаги тузум хусусиятларидан келиб чиқиб гоёвий қобилқа ўралган бўлса-да улар жиноятчи шахсиятини шаклланишига туртки бўлувчи омилларни англашда катта роль ўйнади.

XX асрнинг 60-70 йилларида вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигини англашда А.Б.Сахаров, Г.М. Миньков, К.Е. Игошев каби олимларнинг фаолияти

самарали бўлди. Кейинги ўн йилликда эса ёшлар жиноятчилиги ўсиб борди. Криминолог экспертларнинг фикрича улар орасидаги жиноятчилик қайд қилинган ҳолатидан амалда 4-5 борабар кўп содир этилади. Уларни озодликдан маҳрум этиш каби оғир жазолар билан жазоланишига қарамасдан ушбу жиноятчилик тури доимий тарзда ўсиб борди. Бу айниқса 1970-80 йилларда кўп кузитилиб, оғир жазолар қўлланишига қарамасдан жиноятчиликнинг бу тури кенгайиб боришининг олдини олишни имкони бўлмади.

XX асрнинг 90 йилларига келиб иқтисодиётининг кескин таназзулга учраши ёшлар жиноятчилигида сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Бу даврда бола ҳаёти ва унинг барқарор ижтимоийлашувидаги бирламчи омил бўлган ота-она оиласи ўзининг анъанавий аҳамиятини йўқотиб бошлади. Худди шу даврдаги олимлар тадқиқотларининг натижаларига кўра вояга етмаганлар орасидаги жиноятчиликнинг асосий сабаблари айнан оила ва оилавий қадриятлар аҳамиятининг кескин тушиб кетиши бўлди. Натижада таназзулга дуч келган ноқобил оила болалари орасида жиноятчиликка мойиллик ўсиб борди.

Хуллас, замонавий жамиятларда оилали талаба ёшлар дуч келаётган муаммолар уларнинг ижтимоий тузилмада эгаллаган ўрни билан боғлиқ.

Биринчидан, "ёш оила"нинг оила шакли сифатида "талабалар оиласи" никоҳ тузилгандан кейинги бакалавр таълими даврини қамраб олиб, бунда оилавий жуфтлик ёши 30 дан ошмаган бўлиши лозим. Демак, талабалар оиласи - бу расман қайд этилган никоҳ муносабатларига киришган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган эр ва хотин бirlигидир.

Иккинчидан, оилали талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари - уларнинг ижтимоий тузилмадаги ўрнига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Сабаби, ёшлар моддий жиҳатдан етарлича таъминланмаган бўлади. Ўз уй-жойига эга бўлмайди. Ота-онасининг молиявий таъминотига қарам бўлади. Таълим олиш истаги меҳнат фаолияти билан бевосита шугулланишни орқага суриб юборади. Тажриба ва билимнинг йўқлиги эса юқори маошли лавозимларни эгаллашга йўл бермайди. Ёшларнинг ойлик маоши ўртача ойлик маошдан одатда бирмунча паст бўлади. Талабалик стипендияси ундан ҳам паст. Барқарорлик пайтларида бу муаммолар кескин бўлмасда аммо таназзули даврларда улар долзарблашади. Иқтисодий таназзулли даврларда ёшлар орасида ишсизлик кескин ошади.

Иккинчидан, руҳий-маънавий муаммолар - замонавий шароитда маънавий қадриятларнинг йўқотилиши содир бўлмоқда. Анъанавий меъёрлар ва қадриятлар четга суриб чиқарилмоқда. Ёшларни ўтиш даврга хос беқарорлик эса замонавийликнинг негатив тенденциялари олдида заиф қилиб қўяди. Ҳаётда истемолчилик муносабат шаклланади. Кризисли даврларда ёшларга хос бўлган қаршилик кайфияти шафқатсиз ва жангари қиёфа касб этади. Шу билан кўчки шаклида ёшларнинг криминаллашуви кузатилади. Ижтимоий оғма ёшлар кўпаяди. Маънавий муаммолар ичида "ота-оналар ва фарзандлараро" муаммолар кескинлашади.

Шу тариқа оилали талаба ёшлар - бу бир томондан ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизматга муҳтож гуруҳ бўлиб, ушбу оила таркибидаги жуфтликнинг асосий аксарият ҳолатларда ягона машғулоти бу бўлажаак касбий ҳаётга ўзини тайёрлаш учун зарурий билимни эгаллашдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Социология молодежи. Отв.ред В.Т.Лисовский. - СПб.: Университет, 1996. - С. 56.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. - Тошкент, 2010.
3. www.socioline.ru.
4. Добренъков В.И., Кравченко А.И. Фундаментальная социология. В пятнадцати томах. Том-7. Человек, индивид, личность. - М.: ИНФРА-М, 2005.
5. Добренъков В.И., Кравченко А.И. Социология: В 3 т. Т.3: Социальные институты и процессы. - М.: ИНФРА-М, 2000. - С. 471.
6. Социология молодежи. Отв.ред В.Т.Лисовский. - СПб.: Университет, 1996. - С. 78.
7. Головатый Н.Ф. Социология молодежи: Курс лекций. - М., 1999. - С. 32.
8. Молодежь в России. 2010: стат. сб. / Юнисеф, Росстат. - М.: ИИЦ Статистика России, 2010. - 166.
9. Ковзиридзе М. А. Формирование профессиональной мотивации студенческой молодежи (социально-технологический аспект): автореф. дисс. канд. социол. наук. - М., 2011. - С. 472.
10. Солодова Т.В. Психосоциальное исследование студенческой молодежи / Известия государственного педагогического университета им. А.И. Герцена. 2008. № 60. - С. 468-473.
11. Шарапов Н.П. Влияние внешних факторов на студенчество как на социокультурную общность. Наука и общество: проблемы современных исследований. - Омск: ОмГА, 2011. - 348 с.
12. Хамчук О.В. Восприятие студентами имиджа высшего учебного заведения // Социологические чтения. 2009. - Гродно: ГрГУ, 2009. - С. 8-11.
13. Долбик-Воробей Т.А. Студенческая молодежь о проблемах брака и рождаемости. - М.: РАН, 2003. - С. 78.
14. Молодая семья: проблемы и перспективы социальной поддержки / под общей редакцией Е.В.Жижко, С.Д.Чигановой. - Красноярск: РУМЦ ЮО, 2005. - 300 с.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Kalanova Sabokhat Muradovna
PhD, National University of Uzbekistan

CONTINUITY OF GENERATIONS AS A FACTOR IN SOCIOCULTURAL ENVIRONMENT



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-4>

ANNOTATION

The author examines the widely studying recently in sociology method "analysis of the history of the generations." The main essence of this method lies in the fact that this method as a qualitative method in sociology reveals the influence of the change of generations in the events taking place in modern societies.

Key words: change of generations, the difference between the generations, socialization, values, continuity, social memory, generational syndrome, genealogy, historical and cultural processes.

Каланова Сабохат Муродовна
PhD, Национальный университет Узбекистана

ФАКТОР ПРЕЕМСТВЕННОСТИ ПОКОЛЕНИЙ В СОЦИОКУЛЬТУРНОЙ СРЕДЕ

АННОТАЦИЯ

Автор исследует широко изучаемый в настоящее время социологический метод "анализа истории поколений". Основная суть этого метода заключается в том, что этот метод как качественный метод в социологии выявляет влияние смены поколений на события, происходящие в современных обществах.

Ключевые слова: смена поколений, разница между поколениями, социализация, ценности, преемственность, социальная память, синдром поколений, генеалогия, историко-культурные процессы.

Kalanova Sabokhat Muradovna
PhD, O'zbekiston Milliy universiteti

IJTIMOY-MADANIY MUHITDA AVLODLARNING DAVOMIYLIK OMILI

ANNOTATSIYA

Muallif "avlodlar tarixini tahlil qilish" sotsiologik usulini keng o'rganib chiqdi. Ushbu usulning asosiy mohiyati shundaki, bu usul sotsiologik usul sifatida zamonaviy jamiyatlarda sodir bo'lgan voqealarga avlodlar o'zgarishining ta'sirini ochib beradi.

Kalit so'zlar: avlodlar o'zgarishi, avlodlar o'rtasidagi farq, ijtimoiylashuv, qadriyatlar, davomiylik, ijtimoiy xotira, avlod sindromi, hajara, tarixiy va madaniy jarayonlar.

The process of transferring sense of peace and other cultural values and traditions from generation to generation is a cultural transmission. It ensures continuity of transmission and continuity of cultures. As a result, transmission of the younger generation has an opportunity to start with, which reached the older generation, adding new knowledge, skills, values and traditions to the already accumulated.

Each generation has its own characteristics: the values and the spiritual aspect of life experience and attitude to the events of the era, the creative achievements and the preservation of traditions. It learns the achieved level of development, and on this basis to become the initiator of change, promotes forward. These two sides of the relationship of generations - the development of cultural heritage and innovation - form the basis of the historical development of society. The nature of the continuity of culture is reflected in the spiritual image of generations [1, 364 p.].

Defining a generational change as a cultural-historical process, based on the biological rhythm of human life, the most important are the following aspects of it:

- 1) The process of cultural evolution involves change of cultural creativity of participants;
- 2) Over time, the old participants in the cultural process are eliminated from it;
- 3) People of one generation can participate in the cultural process only locally ("here and now");
- 4) Cultural process can be carried out only as a result of the transfer of cultural heritage;
- 5) Transition from generation to generation is a continuous sequential process.

A special role in the process of change of generations carries the tradition. On the one hand, the tradition - these are the values that are transmitted from generation to generation according to the law of continuity [2, 354 p]. They may be written or oral, to be encoded in adults in the samples of their behavior, in the functioning of social institutions, etc. On the other hand, the tradition. It is not only what is transmitted, but also in the depths of which are formed by innovation.

The question is how a tradition that is ready to follow the model may allow innovation; it is a retreat, leading to the abandonment of traditions. Destiny tradition in the change of generations formed in different ways in different cultural - historical epochs.

Firstly, it can be observed complete or almost complete identity of views and norms of behavior in successive generations. This is the case in a stagnant society, how it was, for example, the early middle Ages. For people belonging to such societies, specifically the complete absence of any doubt as to the appropriateness and legality of the material and spiritual factors of their existence. Social creativity was missing. Relations between generations within families were patriarchal clannish nature [3, 106-122 p]. All the community, including family, stood guard over existing order.

However, in the late middle Ages this order begins to blur, as is the development of crafts, cities, trade.

Secondly, the operation of the traditions in the change of generations and can have a different character, similar to what happens on the turn of the Middle Ages and Renaissance. Traditions are preserved, but their observance is no longer the same tough demands. The rivalries with the traditions come to the state laws, reflecting the new social reality. It starts to look at the traditions as something routine.

There is a special indulgence for violations of traditions, and thereby there is a niche, which may emerge to mature, and tradition, the former alternative.

The situation is different in terms of spiritual culture of crisis, when questioned cultural continuity, or even a tendency to abandon cultural traditions. New socio - cultural knowledge, ideals and values stimulate the crisis of the old ideology. But in this case, the existence of cultural continuity is ensured unity of culture and cultural creativity. All these features and trends affect the nature of the continuity of generations.

Currently, an increasing interest significantly to the history of the family and his clan. Identify new promising areas of study of the history of the nobility, the merchants, clergy, intellectuals, and business.

In recent years, published the most important archival documents, on the basis of which it is possible to reconstruct the history of a family dynasty. Knowledge of family history - the basis of the continuity of generations and respect for the cultural heritage. Conversely, forgetting ancestors inevitably leads to immorality, humiliation, barbaric attitude to the historical and spiritual - moral values [4, 95-105 p].

Historical generation - the period of time within which he lives and is active this generation, becoming a contemporary era events that influenced his spiritual image. In modern conditions are increasingly talking about a "business - generation", which actively manifests itself in business and commercial activities that affect the value orientations and emerging lifestyle. Generation in this sense is not so much quantitative as qualitative certainty.

The older generation may be involved in the field of its attraction for generations, creating a stable tradition related to historical events and spiritual values of his time, causing emotional involvement and mutual understanding. Such relationships are formed between the generations in terms of the relative stability of the society. But the dynamics of change is, as a rule, a new generation of critical relation to the previous period, announcing the rejection of previous goals and values, declaring them false [5, 159-170 p].

In order to find out mutual relations between the adults and the youth in the item of manner of thought of our survey, about 70% of the respondents have answered the relations between two generations are based on mutual sincere and friendly, 5,6% respondents have answered mutual relations are based on formalism, 7,5% respondents have answered there is serious disagreement, to the same question 13,7% respondents have impeded to answer, 4,6% respondents have not answered.

1-diagram.

	Sincere and friendly	Based on formalism	There is serious disagreement	Have impeded to answer	Have not answer
Qahqadaryo	38	3	6		1
Bukhara	41	7	5		2
Tashkent	34	3	7		6
Fergana	51	3	2		1
Khorezm	46	1	3		4
Total	210	17	23		14
Total percentage	68,6%	5,6%	7,5%		4,6%

In a society with a sufficiently stable structure and the slow pace of change success of education is estimated depending on how senior managed to convey to the younger generation the accumulated knowledge, skills and abilities. The younger generation was being prepared for life in society, which in general is similar to the one in which their

parents lived their entire lives. Seniors could not even imagine a life different from their past was the future of the scheme. Such a model of culture is not unique to the distant past, but is typical of periods of stagnation, slow pace of development for isolated regions of closed ethnic groups. This type of cultural continuity thoroughly researched by American anthropologist M.Mead.

The older generation embodies the wisdom of life, which should be taken implicitly. It is a role model and reverence, for complex has all the necessary knowledge and values, norms of behavior. The older generation enjoys a high reputation among theyouth, and his experience is not only instructive, but also leaves an indelible mark on the young man's soul, creates the necessary lifestyle stability, supporting an atmosphere of mutual understanding and care, routine and ritual of everyday life [6, 7-14p]. The integrity of the inner world does not undergo major changes, even with the modernization of individual household members or when moving to a new country. Inclusion in a different culture is not fully replacing the traditional way of life and style, if it is fixed in the minds and behavior of generations and is seen as a model of relations.


To the question of the survey "Whichaspects of the old generation as a model for the youth do you admit most? 60,8% respondents have answered they always show the right way, 47,4% respondents have answered the adults are as a model to overcome life difficulties , 27,5% respondents have answered the adults appeal the youth to be an honest and truthful in personal and social life, 23,2% respondents have answered the adults cherish family life, 20,9% respondents have answered the adults are a symbol of loyalty and goodness, 14,1% respondents have answered they prefer to be economic and far from expenditure, 4,9% respondents have not answered .

2-diagram.

	show the right way	be as a model to overcome life difficulties	appeal the youth to be an honest and truthful in personal and social life	a symbol of loyalty and goodness	They prefer to be economic and far from expenditure	cherish family life	No answer
Kashkadarya	20	17	12	20	8	20	3
Bukhara	42	33	19	14	9	14	1
Tashkent	39	41	32	14	16	15	2
Fergana	41	23	9	5	6	9	6
Khorezm	44	31	12	11	4	13	3
Total	186	145	84	64	43	71	15
Total percentage	60,8%	47,4%	27,5%	20,9%	14,1%	23,2%	4,9%

2 -picture.

Which aspects of the old generation as a model for the youth do you admit most?



The loss of values nostalgic, which is a complex set of feelings of loneliness and longing, the desire to immerse themselves in their native environment. Traditional cultures have a high energy power and influence on the spiritual aspect of generations, maintaining the style of communication, the rules and methods of upbringing children, spiritually - moral values and priorities. The traditional culture of the people has a deep and ramified "root system", without which generation is losing vitality, loses understanding of their origins [7, 25-27 p]. It forms the national identity, patriotism and spiritually - moral values. However, despite the importance of tradition, it would be wrong to ignore those new tendencies that arise in each new era and are the result of the dynamism of history. In the new situation the younger generation experience is radically different from the older.

Youth itself generates vital reference points, style of behavior and values, notions of success and the meaning of life. And rightly so, because the old approaches to solving the problems of life are ineffective. In this sense, the older generation is losing its credibility, but it retains the knowledge of traditions. Gradually, the process of extinction of the old culture. The older generation reacted to the new situation in different ways: some peacefully accept the changes, others sharply criticized all innovations. This inevitably entails a state of spiritual vacuum, uncertainty about the future, worry and anxiety.

Categorical and arrogance in relations between generations are destroying the possibility of understanding and dialogue, lead to increased tensions. Disapproval all new, the desire to turn back the course of history, to stop the pace of change does not cause a positive response from the young people and will inevitably lead to a confrontation of generations.

No less dangerous and neglect of young senior experience, the desire to erase the memory of all the achievements of past years. Each generation fulfills its historic role and should be supported, because without it interrupts the connection between generations. Continuity of generations is the basis of the historical development of man and society, so that all public and private efforts should be aimed at mutual understanding and dialogue.

The acceleration of change and innovation has a significant impact on the psychological state and well-being. People live on the "high speed" when the rapidly changing world of ideas and attitudes, values and orientation, social institutions and organizations [8, 38-45 p].

The transience leads to a sense of the fragility and instability of life, creates a mood of uncertainty and instability, creates a special installation for short-term bonds of consciousness and human relations.

Increased mobility increases the number of human contact, makes them superficial, is a growing sense of loneliness. The transience of change and novelty complicate human adaptation problems in the world, causing an overload psychological and moral fatigue. There is a shortage of mental comfort, positive emotions from communication, novelty stream penetrates and family life.

Plenty of options unions, a wide range of models of family life affects the spiritual - moral component of personality. Society is divided into separate sub-cultures, each of which forms a special world with its hierarchy of values, style and lifestyle, preferences and sympathies, regulations and prohibitions.

The fragmentation of society entails the collapse of the structure of values. The central core of values that existed in the past disappeared with incredible speed. Over the years, it has grown a generation that does not know many of the ideological slogans, rituals, organization.

No description of continuing trends of modern society, it is necessary to understand the position of the younger generation in the face of constant change, to develop strategies to adapt to changes that contribute to the restoration of spiritual forces.

The growing man needs a sense of security, stability and goodwill of the world, it needs vital reference points, which are approved and supported, receive public recognition and respect. The lack of a sense of identity begets loneliness, lostness, alienation.

With the rapid pace of modernization of society, the transformation of social institutions in the social position of the younger generation there are significant changes.

We have the buying relationship - sales, illegal transactions, double standards, rudeness and lack of discipline, lack of respect for elders. The negative influence and the media who deliberately replicate violence, permissiveness, violation of the most elementary human rights. Almost disappeared transmission, contributing to the education of morality and high spirituality.

Reducing the intellectual and moral level of society can lead to irreparable loss in the spiritual image of the younger generation. The real solution to the problem of continuity in the change of generations in the crisis is that we must proceed from any transient crisis of culture and changing its stage destabilization stage of stabilization with culture core and developing new, relevant samples of the time. It should be remembered about the dual role of youth in the development of culture.

Youth is a repeater in the transmission of culture from the past to the future, ensuring the preservation and continuity in the development of culture. But it conveys the culture of the descendants in a partially modified form. It is in this sense that it creates a culture. Two functions- preservation and application of innovation - must always be balanced. Thus, any change of culture implies the preservation of the unity and continuity of culture through the succession of generations.

The situation is exacerbated by the accelerating pace of socio-cultural development. The rapid changes in various parameters and conditions of the activities of Russian society to the cause of life, new cultural mechanisms. New generations have to engage in the "adult" life, to make responsible decisions on the choice of profession, life partner, values in an environment radically different from thirty years and even decade-old cases [9].

Changes in production, life, in all the way of life in this situation significantly reduce the value of the life experience of the older generations to the younger generations. Meanwhile, decreased with age of the individual's ability to perceive new trends and adapt to changing conditions of work. Innovations are perceived and assimilated by older generations slower compared with young people. All the more senior of the increasing backlog of accelerating the pace of life gives rise to socio-cultural mismatch new realities. The faster the pace of development of society, the greater the cultural distance between generations, the deeper differences sharper conflicts. For example, years of stagnation breeds: many of the older generation habit of submissive diligence, prohibitions, lack of confidence in the fact that certain issues can be resolved. This social passivity of the older generation is not taken youth. So undermined the basis of the socio-cultural interaction generations [10].

Therefore, optimization of the continuity of generations - one of the most important tasks of the state youth policy, which requires further study in the review of historical consciousness of generations, socio-cultural foundations of broadcasting Uzbek mentality.

List of used literature:

1. Zenkin S.N "Generation": the experience of deconstruction of the concept of [Text]: proceedings of the international conference "Generational change in the socio-cultural dynamics of the XX century" / S.N Zenkin. - M., 2004 - 364 p.
2. Mannheim K. Essays on the sociology of knowledge: The problem of generations - competitiveness - economic ambitions [Text]: [trans. from English.] / K. Mangeym - M.: INION, 2000. - 354 p.
3. Berto D. Inheritance D. Gender: broadcast and social mobility for five generations [Text] / D. Berto // Questions of sociology. - 1992. -№1 / 2. - . 106-122 pp.
4. Gavrilyuk V.V. The dynamics of value orientations in the period of social transformation (generation approach) [Text] / VV Gavrilyuk // Sociological studies. - 2002. -№1. - . 95-105 pp.
5. Dubin B.V. Social status, cultural capital, value choice intergenerational reproduction and generation gap [Text] / BV Dubin // Monitoring of public opinion. - 1995. -№1. - . 12-16 pp.
6. Dubin B.V. Senior and junior: Three generations at the transition (According to the All-Russia issues studied obsch.mnenie center VTsIOM..) [Text] / B.Dubin // Friendship of Peoples. - 1994.- №2. - 159-170 pp.
7. Levada Y.A. Generation XX century: Opportunities research [Text] / YA Levada // Monitoring of public opinion. - 2001. -№5. - . 7-14 pp.
8. Perelman M. Mentality and age [Text] / M. Perelman // Seeding. - 2004. -№9. - . 25-27pp.
9. Smirnov T.V. The older generation: unrealized resources [Text] / EV Smirnova // Social studies and the present. - 2008. -№4. - . 38-45pp.
10. Krasnov O.V. The older generation: the gender dimension [electronic resource]: <http://www.isras.ru/publ.html>
11. Semenov V.V. Age as a social resource: possible sources of social inequality [electronic resource]: <http://www.isras.ru/publ.html>
12. Semenov V.V. Differentiation and consolidation of generations [electronic resource]: <http://www.isras.ru/publ.html>
13. Semenov V.V Modern conceptual and empirical approaches to the concept of

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Sabirova Umida Farhodovna
Ph.D., dotsent, O'zbekiston Milliy universiteti

**OLIY O'QUV YURTLARIDA IQTIDORLI TALABALAR BILAN ISHLASHNING
SOTSIOLOGIK TAHLILI**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-5>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada muallif tomonidan oliy ta'lim tizimida intellektual mehnat qimmatini va konkret sotsiologik tadqiqot orqali iqtidorli talabalar bilan ishlashda tadqiqot natijalari tahlil etilib, asoslangan ilmiy xulosalar va monitoringini ishlab chiqish bo'yicha amaliy taklif-tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: universitet, oliy ta'lim, iqtidorli talabalar, didaktika, intellektual mehnat, sifat o'zgarishi, monitoring

Сабирова Умида Фархадовна
к.соц.н., доцент, Национальный университет Узбекистана

**СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ РАБОТЫ С ОДАРЕННЫМИ СТУДЕНТАМИ
В ВУЗах**

АННОТАЦИЯ

В данной статье автором проанализирована интеллектуальная ценность труда в системе высшего образования, также посредством конкретных социологических исследований даны обоснованные научные выводы и практические рекомендации по разработке мониторинга в работе с одаренными студентами.

Ключевые слова: университет, высшее образование, одаренные студенты, дидактика, интеллектуальный труд, изменение качества, мониторинг.

Sabirova Umida Farhadova
Ph.D., associate Professor, National University of Uzbekistan

**SOCIOLOGICAL ANALYSIS OF WORK WITH GIFTED STUDENTS IN
UNIVERSITIES**

ANNOTATION

In this article, the author analyzes the intellectual value of labor in the system of higher education, as well as through specific sociological research provides sound scientific conclusions and practical recommendations for the development of monitoring in working with gifted students.

Key words: university, higher education, gifted students, didactics, intellectual work, quality change, monitoring

Шу вақтгача Ўзбекистон ва бошқа кўплаб МДХ давлатларида "олий таълим" деб номланиб келадиган тизим бутун дунёда, биринчи навбатда, ривожланган мамлакатларда "университет" мақоми билан номланади. Бу икки атамани бир-бирига қиёсласа, экспертлар "олий таълим"да кучайиб бораётган бюрократияни тасвирлашса, "университет" дейилганда грантлар, лойиҳалар ва инвестициялар акс этишини таъкидлайдилар. Сўнгги пайтларда эса "олий таълим" ва "университет" тизимлари уйғунлаштирилиб юборилмоқда. Халқаро грант ва инвестициялар тўғрисида кўп гапирилсада, иккинчи томондан бюрократия устуворлик қилиб тураверади.

Турли жамиятларда ташкил қилинган олий таълим (университет, коллеж, институт, академия ва б.) бир-бирдан жиддий фарқ қилади. Қатор мамлакатларда кўплаб университет ва коллежлар давлат ташкилоти ҳисоблансада, сўнгги йилларда молиявий ва техник имконияти баланд бўлган, турли хил бюрократик муаммолардан ҳоли бўлган хусусий университетларнинг миқдори ошиб бормоқда. Жумладан, АҚШ хусусий университет ва коллежларнинг салмоғига кўра юқори ўринда туради. Гарвард, Принстон, Йел каби университетлар таркибига кирувчи олий таълим мактабларининг 54% хусусий ҳисобланади. Гарвард университетининг бюджетидagi молиявий кўрсаткич 32,3 млрд. долларни ташкил этса, иқтисодий имконияти баландлиги бўйича иккинчи ўринда турадиган Йел университети ҳисоб рақамида 20,7 млрд. доллар мавжуд [1].

Социологияда шахс, этнос, миллат, давлат, жамият, диний стереотиплар ва уларнинг эскириб кетганларидан воз кечиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Олий мактаб бўғини яқин кунларгача стратегик жиҳатдан алоҳида ўрин тутган эди. Профессор-ўқитувчиларнинг катта ҳажмдаги ўқув юктамаларини бажариши, жамоатчилик ва қишлоқ хўжалик ишларига сурункали жалб этиш, меҳнат ҳақини белгилашда оптимал тизимнинг яратилмаганлиги ва шу каби бир қатор муаммолар олий таълим тизимида тушунмовчиликларни келтириб чиқарарди.

АҚШ университетларининг ўқув дарс машғулотлари ўрганилганда, профессор имкон қадар маъруза ёки амалиётни аудиториядан ташқарида олиб боришга ҳаракат қилиши маълум бўлди. Биринчи навбатда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро ишонч муҳим аҳамият касб этади [2]. Олий таълим социология нуқтаи назаридан қаралса - бу биринчидан, узатиш ва олиш, ўзлаштириш жараёни, иккинчидан эса маълум бир мақом ва касбий гуруҳга хос бўлган махсус социал меъёр ва қадриятларни ўзининг тасаввур ва қарашларида акс эттирган индивидга нисбатан қўлланилади [3].

Ҳозирги замонда юзага келган вазиятдан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги дунёни интеграциялашув ва дезинтеграциялашув жараёнларининг ўзаро кураши сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бир томондан, кенг ва хилма-хил социал алоқаларнинг (хўжалик, сиёсий, маданий ва ҳ.к. соҳаларда) ривожланиши ва интенсификацияси, янги фаолият турлари ва коммуникацияларнинг юзага келиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Инсоният дунёси эса бир бутунлик ва бирлик хусусиятларига эга бўлиб бормоқда. Универсал инсоний эҳтиёжлар ва унда ҳаёт кечиришни таъминлаш муаммолари, инсонлар тарихий тақдирини ва хавфсизлигининг умумийлигини англаб етиш учун тобора имкониятларни орттирмоқда.

Бу интеграцион ёки марказга интилувчи жараён бўлиб, унинг кечишида замонавий инсон турмуш тарзи дунёси глобал тус олмақда. Иккинчи томондан

эса, миллий ва индивидуал ўз-ўзини англаш, миллатларнинг озод бўлиш жараёнининг ўсиб бориши таъсирида алоҳида социумларнинг майдалашиши ва бўлиниб кетиши ҳамда ижтимоий ҳаёт субъектларининг ажралиши кузатишмоқда [4, б.143]. Бу эса дунёвий жараёнларнинг дезинтеграцион, марказдан қочувчи таркибий қисмига айланди. Инсоният дунёсида у социал танглик ва тўқнашувларнинг турли кўринишларида намоён бўладиган бўлди.

Ҳозир кунда Ўзбекистоннинг муҳим ижтимоий-иқтисодий, муаммоларидан бири юқори даражадаги интеллектуал меҳнатни ижобий баҳолашга ҳамон тўлиқ ўтмаганлиги билан ўрин тутмоқда. Интеллектуал меҳнат қимматини қадрлай олмаслик, меҳнатнинг фикр ва тафаккур ҳосил қилувчи вазифасини йўқолишига олиб келади. Ўтган 25 йилдан зиёд вақт ичида ушбу вазиятни тўлиқ баҳолай олинмаганлиги қуйидаги муаммоларни келтириб чиқарди:

- интеллектуал (ақлий) миграция;
- кадрлар қўнимсизлиги;
- истеъдодли ва ўта истеъдодли йигит-қизларнинг фан ва таълимда ишлашдан кўра бизнес ва бошқа сердаромад ишларга ўтишни афзал билиши;
- университетларда бўш қолган жойларга кўпинча ижтимоий ҳаётда ўзини намоён эта олмаган ёшларнинг келиши ва илмий салоҳиятнинг тушиб кетиши;
- олий таълим тизимида йилдан-йилга коррупция жараёнларининг авж олиб бориши, таниш-билишчилик ва гуруҳбозликнинг кучайиши;
- университетларда маъмурий буйруқбозликнинг ақл бовар қилмас даражада такомиллашиши натижасида профессор-ўқитувчи мақомининг тушиб кетиши.


Университетлардаги таълим ва тарбиявий ишлар жараёни орқали унинг мавқесини кўтариш давр талаби бўлиб, бунда иқтидорли талабалар билан ишлаш истиқбол масалаларни, жумладан илмий салоҳиятнинг ривожланиш жараёнларини белгилаб беради. Қобилиятли ёшларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, уларни фаол яратувчилик фаолиятига кенг жалб этиш, иқтидорли ўқувчиларни, талабалар ва аспирантларни қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб тақдирлаш Қобилиятли ёшларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, уларни фаол яратувчилик фаолиятига кенг жалб этиш, иқтидорли ўқувчиларни, талабалар ва аспирантларни қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб тақдирлаш мақсадида 2008 йил 13 октябрда "Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори чиқади [5]. Унда, олий ўқув юртлирида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни белгиланган тартиб асосида баҳолаш меъзонларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Шу мақсадда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидан иқтидорли талабаларга қандай имконият ва шароитлар яратилганлиги, уларнинг ўз иқтидорларини намоён қилишдаги мавжуд қийинчилик ва тўсиқларни билиш мақсадида муаллиф томонидан 2018 йилда май ойида социологик тадқиқот ўтказилди. Мазкур тадқиқотда университетнинг барча факультетларидан жами 130 та иқтидорли талаба иштирок этди. Яроқли деб топилган 120 та анкетадан таҳлил жараёнида фойдаланилди. Сўровларда энг кўп респондент физика факультетидан иштирок этди (22 нафар), энг кам респондент тарих факультетидан (4 киши) қатнашди. Сўровда иштирок этганларнинг 54% аёл жинсига ва 46% эркак жинсига мансуб бўлди.

Факультетлар	Эркак	Аёл	Жами
Математика	9	9	18
Физика	13	9	22
Биология	4	5	9
География	8	8	16
Тарих	3	1	4
Иқтисодиёт	6	6	12
Кимё	5	2	7
Ижтимоий фанлар	2	7	9
Журналистика	2	11	13
Хорижий филология	3	7	10
Жами	55	65	120

1-жадвал. Респондентлар сони факультетлар ва жинс кесимида

Талабаларнинг қанчалик иқтидор эгаси эканлигини билиш мақсадида, уларга нисбатан атрофдагиларнинг ёндашувини ҳам билиш зарур ҳисобланади. Шу мақсадда берилган саволга 45% респондент "атрофдагилар" уларни ҳақиқатдан ҳам иқтидор эгаси сифатида тан олишини, 28% ҳолатда эса уларнинг иқтидор эгаси эканликларига ишонмасликларини билдирганлар. Бу эса ўз навбатида жамиятда иқтидорли талаба кўрсаткичи маълум маънода нисбий мазмун касб этиши маълум бўлди.




1-расм. Атрофингиздагилар (ўқитувчилар, ота-она, қариндошлар, дўстлар, курдослар) Сизни иқтдорли деб ҳисоблайдиларми?

Биринчи саволнинг бевосита давоми бўлган қуйидаги, яъни "Сизнинг фикрингизча, сизнинг ўзига хос қобилиятингиз борми, ва у қайси турда?" - деб берилган саволга респондентларнинг 57% ўзларида "ақлий(интеллектуал) қобилият" юқорилигини, 17% "жисмоний қобилият" билан борлигини айтиб ўтишган бўлишса 14% респондент санъат соҳасида қобилиятлари борлиги айтиб ўтишган. Шунингдек яна 17% респондент ўзларида ташкилотчилик, мулоқот қилиш, нотифик қилиш каби қобилиятлари борлигини айтиб ўтишган.

"Сизнинг фикрингизча, сизнинг ўзига хос қобилиятингиз борми, ва у қайси турда?" деб берилган саволга респондентларнинг 57% ёки 67 нафари ақлий(интеллектуал) қобилиятлари борлигини айтиб ўтишган. 17% респондент

эса ўзларида жисмоний қобилият борлигини айтиб ўтишган бўлишса, 14% респондент санъат соҳасида қобилиятлари борлигини билдирадилар. Яна 17% респондент ўзларида "ташкilotчилик", "мулоқот қилиш", "нотиқлик қилиш" каби қобилиятлари борлигини айтиб ўтишган. Бундан таъкидлаш мумкинки, ўзини иқтидорли ҳисоблаган талабаларнинг қарийб тенг ярми ақлий қобилият билан ўзларини боғламайдилар. Шу сабабли бугун университет талабаларида интеллектуал салоҳиятга қаратилган ишларни кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.



2-расм. Сизнинг фикрингизча, сизнинг ўзига хос қобилиятингиз борми, ва у қайси турда?

Ўзингиз таълим олаётган таълим муассасида сизнинг фикрингизча иқтидорли талабаларни қайси мезонлар асосида танлаб олиш лозим?, деб берилган очик саволга тадқиқотда иштирок этган талабалардан қуйидаги мазмундаги жавоблар олинди: "талабанинг билимига қараб", "талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичига қараб", "фан олимпиадаларидаги иштирокига қараб", "талабанинг амалиётда ўзини кўрсатишига қараб", "талабанинг ўз тенгдошлари орасидаги ҳурматига қараб", "талабанинг туғма етакчилик қобилиятига қараб" каби жавобларни қайд қилишган. Афсуски, очик саволлар тизимида ҳам кутилган жавоблар ёзилмаган. Жумладан, биз ўз тадқиқотларимизда "ижодий ёндашувга қараб", "илмий журнал ва конференциядаги мақолалар асосида", "чоп эттирган илмий рисола ёки китобларига кўра" деган фикр-мулоҳазаларни кутган эдик.

Умуман олганда, истеъдодли талабаларга билим беришда педагогикада кенг қўлланиладиган дидактик таълимга эътибор қаратиш ва уни социологик тадқиқ этиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаш мумкин. Дидактика (грек. ????????? - таълим бермоқ) педагогиканинг бир бўлими ҳисобланиб, таълим моҳиятининг ҳажми ва структураси, билимларни эгаллаш ва кўникма ҳосил қилиш қонуниятларини тадқиқ этади.

Дидактиканинг асосий масаласи турли хил талқин этилади: а) у ўқитиш ва тарбиялаш масалаларига бағишланган бўлиши мумкин; б) ўқув жараёнида ўқувчиларнинг тафаккури қандай ўзгаради; в) у "нимани ўқитиш керак" ва "қандай ўқитиш керак", деган саволларга жавоб излайди.

Дидактика таълим жараёнини назарий жиҳатдан тадқиқ этади. У таълимни педагогик назария асосида ўқитиб, ўқитилаётган фаннинг мақсад, моҳият, усуллари ва ташкилий жиҳатлари (шакли)га эътибор қаратади. Дидактика "Таълим - бу нима", "Нега ўқитмоқ керак", "Нимани ўқитмоқ керак", "Қандай ўқитмоқ

керак" деган саволларга жавоб излайди. Ушбу саволларга жавоб излар экан, "таълим қандай шакллантирилади, унга қайси қонуниятлар хос", "қерда ўқитиш керак", "қачон, нима учун ва нима сабадан таълимнинг мақсад, моҳият ва шакларини ўзгартириб бориш керак", деган хулосани чиқаради. Айнан дидактикани қўллаш асосида янги усул, манба, таълим стандартлари, янги ўқув материаллари ва назорат қилиш ҳамда баҳолаш тизимлари ишлаб чиқилади.

Муайян вақт давомида иқтидорли талабаларни тайёрлаш учун олий таълим муассасига зарур бўлган малакали ўқитувчиларни тайёрлаш тўғридан-тўғри эмас, балки бевосита рағбатлантириш натижасида юзага келади. Рағбатлантириш натижанинг тўғридан-тўғри амалга оширилиши билан муайян рағбатлар қўламадан фойдаланиш орқали аниқ миқдорда режалаштирилади ва амалга оширилади. Бевосита рағбатлантиришда ўқитувчиларнинг сифат ўзгариши асосий восита натижаси сифатида прогноз қилинади. Бундан ташқари вақтинча амалга ошириладиган омилларнинг бу каби ўзгаришлари илмий социологик прогнозларда кенг қўламли бирлик сифатида ишлаб чиқилади.

Иқтидорли талабаларни тайёрлаш учун бевосита рағбатлантириш узоқ вақтга мўлжалланиб, ўқитувчиларнинг динамик хусусиятини ва уни такомиллаштириш бўйича махсус дастурлар ривожини юксак даражада амалга оширилишда аҳамиятли ҳисобланади. Шу билан бирга қандайдир муайян ўтказиб юборилган вақтни бошқарувчи сабабларнинг тадқиқ этилишининг ўзи етарли эмас. Иқтидорли талабаларни тайёрлашда маълум бир профессор-ўқитувчиларнинг турли гуруҳларини ташкиллаштириш, уларнинг фаолиятга нисбатан муносабатларини аниқлаштириш бўйича социологик тадқиқот натижаларига асосланган илмий хулосалар яратиш ва мониторингини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Мониторинг - бу асослар динамикаси бўлиб, шубҳасиз у илмий жараёнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилишда қийинчиликлар туғдиради ва махсус методик-услугларни амалга оширишни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. // [электрон ресурс] URL: <https://inosmi.ru/world/20140216/217576181.html>
2. // [электрон ресурс] URL: <http://academconsult.ru/university-i-kolledzhi-ssha>
3. Колесникова Е.Ю. Миссия и ответственность современного университета: к вопросу о поиске идейных оснований // Известия вузов. Северо-Кавказский регион. Серия: Общественные науки. 2013 № 1.
4. Баранов Е.Г. Националогия - источник конфликтов // Общественные науки и современность. 1994, №5. - С. 143
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 42-сон, 422-модда.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Akhmedov Nodir Khatamovich
Independent researcher, National University of Uzbekistan

**THE IMPACT OF MARKET REFORMS ON THE SOCIAL MOBILITY OF YOUTH
IN UZBEKISTAN**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-6>

ANNOTATION

Young people are the most capable layer of any society as a socio-demographic layer. There are over 2 billion people in the world of young people under the age of 30 (the official upper limit of that category), which accounts for about 30 percent of the world's demos. Uzbekistan is one of the few countries where the share of this group exceeds 60 percent and all opportunities are created for its free movement from one social group to another. This article analyzes some of the trends in social movement in the conditions of Uzbekistan's transition to market relations.

Key words: social mobility; entrepreneurship; subject and object of business; innovation; sociology of entrepreneurship; channels of vertical and horizontal mobility; support of innovative ideas and technologies.

Ахмедов Нодир Хатамович
Независимый исследователь, Национальный университет Узбекистана

**ВОЗДЕЙСТВИЕ РЫНОЧНЫХ РЕФОРМ НА СОЦИАЛЬНУЮ МОБИЛЬНОСТЬ
МОЛОДЕЖИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

АННОТАЦИЯ

Молодежь как социально-демографический слой составляет, если не преобладающую, то во всяком случае самую перспективную stratum любого общества. В мире молодых людей до тридцати лет (официальная верхняя граница этой категории) насчитывается более 2 миллиардов человек, что составляет почти 30 процентов мирового демоса. Узбекистан относится к числу тех немногих стран, где доля данной группы превышает 60 процентов и создаются все возможности для ее свободного перемещения из одних социальных слоев в другие. В данной статье анализируются некоторые тенденции социальной мобильности в условиях перехода Узбекистана к рыночным отношениям.

Ключевые слова: социальная мобильность; предпринимательство; субъект и объект бизнеса; инновации; социология предпринимательства; каналы вертикальной и горизонтальной мобильности; поддержка инновационных идей и технологий.

БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ СОЦИАЛ МОБИЛЛИГИГА ТАЪСИРИ

ANNOTATSIYA

Ёшлар ижтимоий-демографик қатлам сифатида, ҳар қандай жамиятнинг ҳукмрон қисми бўлмаса-да, истиқболли бўғинини ташкил этади. Жаҳонда 30 ёшгача бўлган аҳоли сони (ушбу категориянинг расмий энг юқори чегараси/кўрсаткичи) бугунги кунда 2 миллиардга тенг бўлиб, дунё аҳолисининг 30 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон, бу жиҳатдан, ушбу аҳоли қатлами 60 фоиздан ортиқ бўлиб, ёшлари бир ижтимоий қатламдан бошқа ижтимоий қатламга эмин-эркин ҳаракатланиб ўтиб юриши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган жаҳоннинг кам сонли мамлакатлари сирасига киради. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш жараёнларида социал мобилликнинг маълум тенденциялари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: социал мобиллик; тадбиркорлик; бизнесда субъект ва объект; инновациялар; тадбиркорлик социологияси; вертикал ва горизонтал мобиллик каналлари; инновацион гоя ва технологияларнинг қўллаб-қувватланиши.

The feudal history of the region did not particularly encourage the vertical mobility of young people; he/she basically continued those professions and crafts that had been passed down from generation to generation for thousands of years.

Few who managed to escape from the father's work or the parent estate move to another condition of living. History knows a few examples when a slave became a ruler (remember Sultan Mahmud Gazneviy), a folk poet - vizier (Alisher Navoi), a simple dekhkanin - Chairman of the Presidium of the Supreme Council (Yuldash Ahunbabayev).

However, in Uzbekistan it should be warned that market relations have already established, and their functioning in Soviet times has not stopped. Despite all restrictions, harassment and taxation, the population continued to work in their profession, private business, home-based business, and the production of goods and services to the market.

The sovereignty of the country allowed the constitution to legalize all forms of ownership, including the equality of private property. State policy aimed at promoting the development of small and medium-sized businesses by engaging young people.

Starting from 2017, the country has been implementing the "Strategy of actions in the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021" [1], which also expands the sphere of intensive efforts of young people to the newly established market structures. As the main trends of social mobility we emphasize:

a) changing life orientation of young people. The main idea expressed in many speeches of President Shavkat Mirziyoyev that "not the people should serve the state bodies, but the state bodies should serve the people" [2] fully changed the life position of the whole society in a short period of time, removed the veil of secrecy in the work of the government. The population of all age groups suddenly felt strength, inspiration and energy. The decline in youth employment in neighboring countries is already noticeable. People felt that even here they can earn the necessary amount for a prosperous life, establish and expand their own business;

b) expanding channels of vertical mobility. If in the recent past, young people from simple families could dream of starting their own business, now for the majority of rural youth this dream becomes a reality. True, many graduates of colleges and secondary schools are not ready psychologically as they are so much intellectual in order to start

their own business in a right away. But the presence of desire and determination already means a lot;

c) the development of higher education as a factor of social mobility. Over the past two years, the quota of admission to universities has increased significantly, the material and technical base of educational institutions is being strengthened. Since this year, correspondence and evening courses of education became open. In addition to the existing ten international university branches, another 20 branches of the leading universities of the world are opening in Uzbekistan. The organization of the entrance exams in a new way made it possible to ensure clarity of access to universities.

In general, higher education is considered as a reliable channel for developing the service level as well as the social scale.

Returning to the question of the business mobility of young people, it should be emphasized that entrepreneurship occupies a very large place in the life plans of young people.

Below we search the process of replenishment of small business in Uzbekistan due to social mobility, based on sociological research. In March–April, a series of "round tables" was held, during which a sociological survey was conducted among the participants of the event from among young entrepreneurs.

The purpose of the sociological survey was to study the level of involvement of young people in small business and private entrepreneurship, as well as to identify existing problems among young entrepreneurs.

In total, 392 young entrepreneurs (251 (64%) male respondents, 141 (36%) female respondents), of these 151 people (38.5%) are from rural areas, 241 people (61.5%) are from urban areas.

Also, 114 specialists of the Chamber of Commerce and Industry, UzLiDeP, Association of Business Women of Uzbekistan "Tadbirkor Ayol", Association of Farmers of Uzbekistan, Association of "Hunarmand", Tax and Financial Institutions, Youth Union of Uzbekistan and others participated in the event.

II. Existing problems in the activities of young entrepreneurs

In this section are presented the primary results of data processing of a sociological survey. On the basis of the obtained results, answers are given to the main questions of the sociological research, such as: the main factors that hinder the successful implementation and development of the business of young entrepreneurs, as well as the level of cooperation between business entities and relevant government and non-governmental organizations.

In accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan № PD -5308 "On the State Program for the implementation of the strategy of action in the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan" [3] in 2017-2021 in the "Year of support for active entrepreneurship, innovative ideas and technologies" [4] dated January 22, 2018 the development of the economy and support of active entrepreneurship - the creation of favorable legal, organizational conditions for the development of active entrepreneurship, introduction of innovative ideas and technologies, further improvement of legal guarantees of protection and mechanisms to prevent unlawful interference in the activities of business entities, tax and customs policy, banking and finance, active development of the regions are considered as one of the main points.

Thus, 27.5% of respondents indicated that they were satisfied with the conditions created for doing business in their region and did not encounter problems hindering

the development of their business activities. In particular, favorable conditions for doing business are created in the city of Tashkent, evidenced by the answers of 70.3% of respondents. 24% from Khorezm and 16% of respondents from Kashkadarya regions hold a similar opinion.

The majority of respondents stated the problem of private interruptions or partial lack of gas supply, water supply, electricity, underdevelopment of roads, sewerage system, communications, high tax rates, administrative and bureaucratic barriers, difficulties in obtaining credit and leasing, etc. (see. Fig.2). In particular:

- respondents from Andizhan (83.3%), Bukhara (72%), Samarkand (65.7%), Surkhandarya (52%) regions stated that one of the facts hindering business development is the lack of constant supply of gas and electricity;

- difficulties in obtaining a loan and leasing are stated among the respondents of the Fergana (55%), Navoi, Surkhandarya and Khorezm regions (32%);

- administrative and bureaucratic barriers are most often found in Syrdarya (56%) and Fergana (55%) regions. It is worth noting, that only a small part of respondents from Namangan (6.6%), the Republic of Karakalpakstan, Bukhara, Kashkadarya, Surkhandarya and Khorezm regions (8% each) faced the above problem.

Also, 20.8% of respondents or every fifth respondent noted that the tax rate is one of the main barriers for young entrepreneurs.




Fig. 1 Factors that hinder the successful implementation of business activities
Data from each response is presented of the total number of respondents

Today, the mass media plays a key role in all spheres of life, in particular the formation of a business environment, extensive involvement of the population, especially young people in small business and private entrepreneurship, and in encouraging initiatives, helping to realize the intellectual and creative potential of numerous young people in the local areas.

In this regard, young entrepreneurs were asked the question "What sources do you use in obtaining the necessary legal information in your business?".

Analysis of the responses presented that more than half of the respondents (51.5%) receive the necessary legal information through the media (television, radio, online

media, and newspapers). In particular, these are such TV channels as "Uzbekistan24", "Yoshlar" and "MY5", sites "lex.uz" and "kun.uz".

About a third of respondents in this case appeal to more experienced entrepreneurs, every seventh respondent contacts the organization of which he/she is a member, 10% indicated that they receive information from the events that dedicated to entrepreneurial activity. Only a small part, 4% of the respondents use legal advice.

Respondents appealing to more experienced entrepreneurs noted that from such appeals they expect to exchange experience or seek the necessary connections for the successful promotion of their business. That is, young people are trying to get the necessary support not only financially, but also in the format of mastering and training.

Thus, the problem of the development of youth entrepreneurship is not so much the lack of financial support, but rather the difficulties of an informational nature. It is not excluded the fact that young entrepreneurs do not understand what is the small business and how to manage. This is a very important starting point for many entrepreneurs.

As to the fact that more than 60% of the population of Uzbekistan is consists of young people, one of the priority tasks of the state is to ensure youth employment and its involvement in small business and private entrepreneurship. Young entrepreneurs who have received sufficient support are able to change not only their own lives, but also the lives of those around them - providing demanded services, creating employment opportunities for other people, as well as establishing trade relations with other developing businesses.

Above mentioned analysis and other factors identified by the results of a sociological survey among young entrepreneurs, allows us to draw the following conclusions:

- the majority of young entrepreneurs who are just starting their activities, do not fully possess practical skills, do not have a complete view of how to start a business correctly;

- the maximum interaction between business entities and government and non-governmental organizations through various tools - both informational and in the framework of personal meeting formats is not arranged enough;

- despite the high level of social corporation between young entrepreneurs and private government and non-governmental organizations that ensure reliable protection of the rights and legitimate interests of private property and business entities, respondents do not fully trust these institutions, especially banks;

- Corruption component remains in the service of receiving bank loans, the service of cashing own funds.

By providing comprehensive support and incentives for young entrepreneurs, enhancing their legal culture and improving existing business practices and creating additional jobs, the following is proposed:

One of the largest business associations, the Association of Young Entrepreneurs [5], has been operating for more than 10 years in the Russian Federation, uniting more than 10,000 business start-ups from all over Russia. The experience of the Russian Federation shows that this Association helps to solve specific problems of young entrepreneurs and offers tools for solving systemic problems of small and medium businesses. The association supports young business representatives and has regional branches all over the Russian Federation.

Taking into account the lack of interaction between young business entities and government and non-governmental organizations, as well as the incomplete trust of

young entrepreneurs to relevant organizations, especially banks, it is proposed to create a similar Association in Uzbekistan that could quickly and effectively solve all emerging problems of young entrepreneurs.

The purpose of this organization is to study and identify barriers that hinder entrepreneurs, as well as improve the existing infrastructure in the regions of the country, and fully support innovative ideas and technologies.

In conclusion, it essential to stress that, at present, the transition of a large number of youth to entrepreneurs has become the most effective vertical channel of social mobility. The implementation of the "Strategy of actions in the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan" will create even more favorable opportunities for expanding the borders of existing ones and creating new directions for social mobility of youth.

References:

1. Strategy of actions in the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021: Appendix No. 1 to Presidential Decree dated February 7, 2017 No. PD-4947 // [Electronic resource] URL: <http://lex.uz/docs/3107042> (appeal date: 04/10/2018).
2. Appeal of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. // [Electronic resource] URL:<http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-23-12-2017> (appeal date: 04.10.2018).
3. On the State Program for the implementation of the strategy of actions in the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan" in 2017-2021 in the "Year of support for active entrepreneurship, innovative ideas and technologies" // Khalksuzi. January 23, 2018.
4. 2018 - Year of support for active entrepreneurship, innovative ideas and technologies // [Electronic resource] URL: <https://mft.uz/ru/menu/2018> (access date: 04.10.2018).
5. The official website of the Association of Young Entrepreneurs of Russia. // [Electronic resource] URL: <http://ampr.ru/> (appeal date: 10/04/2018).

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Сияева Гулнора Ашрафовна
доцент в.б., Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

**МУЛОҚОТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ
ЖИХАТЛАРИ**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-7>

АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақолада мамлакатнинг ижтимоий-маданий ҳаётини ривожлантиришда сиёсий дискурснинг ўрни таҳлил қилиниб, унинг концептуал асослари илмий-методологик жиҳатдан ўрганиб чиқилган. Фуқаролар сиёсий онги ва дунёқарашининг юқори савияда бўлишида сиёсий дискурснинг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Калит сўзлар: сиёсий онг, коммуникация, сиёсий дискурс, мулоқот тили, миллатлараро муомала, манипуляция жараёни, консенсус.

Siyeva Gulnora Ashrafovna
assistant professor, The Academy of Public Administration
under the President of the Republic of Uzbekistan

**SOCIAL PECULIARITIES OF ENHANCING EFFECTIVENESS OF
COMMUNICATION**

ANNOTATION

This article analyzes the role of political discourse in the development of the socio-cultural life of the country and its conceptual scientific and methodological foundations. The role and importance of political discourse in achieving a high level of political consciousness and worldview of citizens is enormous.

Key words: political consciousness, political communication, political discourse, language of communication, interethnic relations, manipulation process, consensus.

Сияева Гулнора Ашрафовна
и.о.доцент, Академия Государственного Управления
при Президенте Республики Узбекистан

**СОЦИАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ОБЩЕНИЯ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется роль политического дискурса в развитии социокультурной жизни страны и ее концептуальные научно-методологические основы. Роль и значение политического дискурса в достижении высокого уровне политического сознания и мировоззрения граждан огромна.

Ключевые слова: политическое сознание, политическое общение, политический дискурс, язык общения, межнациональные отношения, процесс манипуляции, консенсус.

Давлат тили ва унинг ҳуқуқий мақомини ўрганиш, энг аввало, она тили, расмий тил, миллатлараро мулоқот тили, тил вазияти, нутқ вазияти, тил сиёсати, тил қурилиши каби тушунчаларга аниқлик киритишни тақозо этади. Чунки улар (давлат тили билан расмий тил; тил вазияти билан нутқ вазияти; тил сиёсати билан тил қурилиши) кўпинча бири-биридан катта фарқ қилмайди.

Тиллар қадимда миллатнинг миллатлик мақоми, маънавий-маърифий, сиёсий-иқтисодий камолотини намоён қилувчи ёки жамиятнинг кураш ва ривожланиш кураши даражасида тушунилмаган бўлса-да, у инсонлар ва жамиятнинг бирлаштиришга хизмат қилишини сардорлар, элчилар, зиёлилар яхши билганлар. Ҳар бир эл-улус ўз тили билан фахрланган, уни қадрлаган, тил жамиятнинг жамиятлигини таъминловчи восита бўлганидан халқлар ўртасидаги кураш уларнинг тиллари ўртасидаги курашга ҳам айланган. Мағлуб қабила ёки халқнинг фақат ўзигина эмас, балки тили ҳам голиб қабила ёки халқнинг тили тасарруфида бўлиб, даврлар ўтиши билан баъзан "ўлик" тилга айланган. Демак, ўсимлик ривожиди замин, сув, иқлим зарурий унсур бўлганидек, тил тараққиётида ҳам жамиятнинг иқтисодий-сиёсий, маданий, маънавий-маърифий ривожланиши бош омил саналган. [1, б.6-8] Собиқ иттифоқ даврида давлат тили ҳақида гапириш миллатлараро муносабатларни атайин бузишга қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланар эди. Чунки миллатлараро муомала тили ниқоби остида бутун иттифоқда рус тилига амал қилиниши таъминланди. Натижада ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, "миллатлараро муомала тили" миллий тилларни расмий доиралардан сиқиб чиқарди. [2, б. 41; 46-47] Шунинг учун собиқ иттифоқ даврида эълон қилинган ишларда, жумладан, изоҳли ва энциклопедик лугатларда давлат тили тушунчаси деярли учрамайди.

Давлат тили ҳақида гапириш ва ёзиш имконияти XX асрнинг 80-йиллари охирида юзага келди. У ҳақда махсус тадқиқотлар, илмий ва оммабоп мақолалар ёзилди. Биз давлат тилини "сиёсий дискурс" нуқтаи назардан таҳлил қиламиз. Олиб борилган тадқиқотдан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, "дискурс" тушунчасини таърифлашда турли ёндашувлар мавжуд. Масалан, Н.Д.Арутюнова "Дискурс - ижтимоий воқеликка маълум мақсад асосида йўналтирилган, прагматик, ижтимоий-маданий, руҳий ва бошқа экстролисоний омиллар уйғунлигидаги ўзаро боғланган матн", деб таърифлайди. [3,б.13] М.Ҳақимов матннинг прагматик хусусиятлари, мазмуннинг тагмаъноли ифодаланиши масаласини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганган бўлса, Н.Турниёзов ва унинг издошлари матн деривацияси ва синтагматикаси ҳамда матннинг тил ва нутқ бирликлари поғонали муносабатида тутган ўрнини аниқлашга эътибор қаратганлар. Мазкур тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дискурс - маданият ва муайян ҳолатни ифодаловчи алоҳида вербаллашган нутқ ёки контекст натижаси. Дискурс ижтимоий-сиёсий жараёнда иштирок этувчилар орасидаги коммуникациянинг нафақат мавжудлик ҳолати контекстини ҳисобга олишни, балки ижтимоий маданий "матн" мазмунини узатишни ҳам ўзида ифода этади. Ушбу контекстда бутун ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва қадриятлар тизими сиёсий институтлар бирлиги ва бутунлиги сифатида намоён бўлади. Шунингдек, Э.Сепирнинг фикрича, "Одамлар, одатда, доим ўйлаганидек,

нафақат моддий дунёда ва нафақат ижтимоий дунёда яшайдилар: улар муайян даражада жамиятда ифодалаш воситаси бўлган конкрет тил ҳукмронлиги остида ҳам бўладилар". [4, б. 261] Бошқача айтганда, "давлат тили" тушунчаси юқоридаги атамаларга нисбатан бирламчидир. "Давлат тили" атамаси ва тушунчаси талқинида бир хиллик йўқ. Унга "расмий тил" тушунчаси билан муштарак, баъзан эса маънодош тушунча сифатида қаралади. Масалан, "Большой юридический словарь"да фақат расмий тилга таъриф берилган: "Расмий тил давлатнинг қонунчилик ва расмий иш юритишда, суд процессида, таълим ва шу қабиладарда қўлланадиган тилидир" [5,б.435]. Кўплаб мамлакатларда "расмий тил" ва "давлат тили" тушунчалари тўлиқ мос келиб, айрим мамлакатларда расмий тил ва давлат тили мақоми фарқланади. Конституцияда "давлат тили" тушунчасини қайд этиш асосан рамзий характерда бўлади". (Ўзбекистоннинг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни 4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир). Бу таъриф, биринчидан, юқоридаги фикримизни тасдиқлайди, иккинчидан, "расмий тил" ва "давлат тили"ни фарқламайди, учинчидан, агар мазкур тушунчалар фарқланадиган бўлса, давлат тили иккинчи ўринга тушиб қолади.

Ҳозирги даврда "Янги фан" асари муаллифи Д.Б.Вико (1668-1744)нинг концепцияси муҳим ўрин эгаллайди [6, б.73-74]. Бу асарда тилларнинг келиб чиқиши ҳақидаги назария баён этилган. Д.Б.Виконинг фикрига кўра, аввал товушга тақлид, сўнгра ундов сўзлар, кейин юктамалар пайдо бўлган, натижада улар мустақил сўз туркумланининг вужудга келишига сабаб бўлган. Д.Б.Вико тил тараққиётининг уч босқичи ҳақидаги фикрни илгари суради. Биринчиси - "иероглиф ёки муқаддас" деб атаган. Бу босқич одамлар ҳали нутқдан фойдалана олмаган даврни ўз ичига олган. Иккинчиси - "қаҳрамонлик ёки поэтик" тили бўлиб, у ҳам биринчи босқичдаги каби овозсиз бўлган. Учинчиси - "эпистоляр" омма тили бўлиб, у амалий мулоқот учун хизмат қилган [6, б. 73-74]. Д.Б.Виконинг фикрича, мазкур уч тил ва ёзувнинг уч тури бир вақтда пайдо бўлган. Турли халқларга хос ҳар хил тилларнинг мавжудлигини Д.Б.Вико об-ҳаво шароити, урф-одат ва замондаги фарқлар билан тушунтиради [6, б.73-74]. Худди шундай фикрни Д.Б.Викодан бир неча аср аввал буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний ҳам илгари сурган: "Одамлар тuzилишларининг ранг, сураат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг турличалигидандир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-бирдан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларини ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган" [7, б.40-41]. Демак, олимлар тилларнинг турлича бўлишини географик муҳит ва одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши билан ҳам аниқлашди.

Тилнинг ижтимоий масалалари билан шугулланувчи Ю.Трушкова давлат тилига шундай таъриф беради: "Давлат тили миллий тилнинг функционал турларидан бири. У расмий доираларда амал қилади ва юридик мақомга эга бўлади" [8, б.115]. Биз "давлат тили" ва "расмий тил"ни маънодош тушунчалар деб ҳисобламаймиз. Чунки "давлат тили" "расмий тил"га қараганда ҳам моҳиятан, ҳам мазмунан кенг тушунчадир.

Жамиятда ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда сиёсий тил шаклланади, бироқ у сиёсий тафаккурнинг ривожланишига таъсир этмаслиги мумкин. Бугунги кунда сиёсатчилар ишлатадиган сўзларни тўла ўзлаштириб олган,

шу тилда гаплашадиган одамларнинг ҳаммасини ҳам сиёсий тафаккур даражаси юқори деб бўлмайди. Чунки инсон тақлидчи ёки қуруқ ёдловчи эмас. Тушунмаган сўзларни беихтиёр айтавермайди. Шунингдек, инсон сиёсий ҳаёт учун керакли сўзларнинг ҳаммасини ҳам ишлатавермайди. Инсон ўзининг ижтимоий - сиёсий дунёқараши доирасидаги сўзларни кўпроқ қўллайди. Бу шундай сўзлар қўламини, субъект уни "ўзиники" деб билади. Бунда одам ўзини эркин ҳис қилади, тортинмай уларни ишлатади, ҳамма нарса унга тушунарли бўлади.

Инсон ижтимоий - сиёсий дунёқарашидан ташқарида жуда кўп нарсалар бор. Уни инсон билиши, ўрганиши, аммо қундалик турмушида ишлатмаслиги ҳам мумкин. Сиёсий тил икки турга бўлинади. Биринчиси, реал ижтимоий ҳаётга тегишли бўлиб, уни инсон ўзиники сифатида ҳис қилади. Иккинчиси, сиёсий жабҳадан ташқарида, инсон уни моҳирона даражада билса ҳам, ўзиники деб қараши қийин. Масалан, биз уларни сиёсатшуносликка оид илмий ишларда ишлатамиз, холос.

Ҳозирги даврда тилнинг ана шу сиёсий ҳаётдан ташқаридаги қисми борган сари ортиб бормоқда. Инсон келаётган турли ахборот оқимини ўзлаштиришга, уни ўзиники қилиб олишга, ижтимоий - сиёсий тилни ҳам қабул қилишга улгурмаяпти. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: ижтимоий - сиёсий тил қўламини сиёсий тафаккур қўламидан бир неча бор кенг; сиёсий тафаккур жараён сифатида субъектнинг ўзиники, унинг бевосита реал бойлигидир.

"Мулоқот вазияти" тушунчаси серқирра ва кўп маъноли бўлгани учун олимлар томонидан турлича талқин қилинади. В.Аврорин "мулоқот вазияти"ни талқин қилиш учун "нутқ вазияти" тушунчасидан фойдаланади. [9, б.72] Унинг фикрича, муайян давлатда мулоқот вазияти ўрганилаётганда қуйидаги ҳолатларни эътиборга олиш лозим:

- 1) мулоқот жараёнида ижтимоий шарт-шароитларини ҳисобга олиш;
- 2) мулоқотни ўрганиш;
- 3) мулоқот шакллари;
- 4) мулоқот вазибалари. [9, б.72]

Биринчи уч ҳолат бир тиллилик билан боғлиқ вазиятлардагина ўрганилиши мумкин. Юқорида баён қилинганларга асосланиб, "мулоқот вазияти" тушунчасини шундай таърифлаш мумкин: мулоқот вазияти - мулоқотлар ўртасидаги алоқаларнинг динамик ҳолати. Унга яхлитлик ва муайян тизимга бирикиш хос. Мулоқот вазияти демографик, маданий-тарихий, этносиёсий ва этноюрдик омилларга боғлиқ ҳолда амал қиладиган ўзига хос жараён.

Мулоқот ўрнатиш сиёсатининг шаклланишида давлат томонидан олиб бориладиган фаолият кучли таъсир кўрсатади. "Мулоқот сиёсати" тушунчаси ижтимоий фанларда турлича талқин қилинмоқда. Мазкур тушунчага бизнинг фикримизча мулоқот сиёсати - жамият тараққиётига онгли таъсирини ўтказиши. Бошқача айтганда, мулоқотнинг қўлланиши унинг янги воситаларини яратиш, такомиллаштириш, конструктив, деструктив, марказлашган ва марказлашмаган йўналишларини очиб бериш бутунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятдаги турли мураккаб жараёнларнинг ўзаро ҳаракати, уларнинг эгилувчанлиги ва бир маромлиги мулоқот воситаларининг имкониятларини очиб беради. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳозирги даврда оммавий-сиёсий онгдаги мулоқотнинг манипуляциялашув жараёни ва динамикасини таҳлил қилиш, унинг стратегияси ҳамда тактик таркибий қисмини аниқлаш, мулоқот

имкониятларидан фойдаланган ҳолда манипуляцияни муваффақиятли ёки муваффақиятсиз амалга оширини белгилашдан иборат.

Кўпгина тадқиқотчилар "манипуляция" тушунчасини "эркин танлов кўринишини яратган ҳолда одамларни ўз мақсад ва манфаатларига бўйсундиришга қаратилган ҳамда уларнинг ҳулқ-атвор ва сиёсий онгини хуфиёна бошқариш", [10, б. 3211-3214] дея таърифлашади. Замонавий сиёсий матнларга ҳам манипуляция стратегиялари кириб борган. Мулоқот воситаларини турли сиёсий стратегиялар (давлат, партия, шахсий мақсадлар)ни амалга ошириш жараёни сифатида таҳлил қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Сиёсий онгини манипуляция қилиш дунё сиёсий амалиётидаги азалий ёндашув ҳисобланади. Бироқ замонавий фанда бу масала етарлича ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мазкур масалани ҳар томонлама тадқиқ этиш зарурияти туғилмоқда. Ушбу жараён умумий сиёсий жараёнларнинг келиб чиқиши, шарт-шароити, сабаблари билан боғлиқ.

Манипуляция қилиш коммуникатив стратегияларнинг ўзига хослигини талаб қилади, ҳолбуки, бу масала назорат, бошқарувнинг иқтисодий усулларига қараганда афзалликларга эга. Чунки манипуляциялашув объектив ҳеч қандай моддий йўқотишларсиз, куч ишлаб, талофатларсиз амалга оширилади. "Сиёсий манипуляция" деб ўзига хос таъсир жараёнига айтилади, унинг заминидан номаълум (яширин) ахборотни объектив тарзда сингдириш мақсади ётади [10, б.3211-3214]. Бугунги кунда ижтимоий онга таъсир қилишнинг кўплаб манипуляция услублари мавжуд, улар оддий далилларни талқин қилиш ва ёлгон хабарни тарқатишдан бошлаб, жуда нозик таъсир қилишгача бўлган ҳолатларни ўзига қамраб олади.

Мутахассис олимлар диққат-эътиборини мулоқотнинг манипулятив имкониятларига қаратишади. Мулоқот ўз функцияларини амалга ошириш имконияти ва таъсир кучига эга, ёлгонни чиндан ажрата олади, қолаверса, сиёсий вакиллар, жараёнларни мулоқот нуқтаи назаридан талқин этиш долзарб аҳамиятга эга.

Мулоқот манипуляцияси тил хусусият ва тамойилларидан фойдаланган ҳолда маълум бир кишига яширин мақсад орқали таъсир этишдир. Бошқача сўз билан ифодалаганда, сўзловчи тингловчига ўз ҳукмини ўтказиш учун аниқ воқелик, жараён ва ҳатти-ҳаракатни ҳокимият тили ёки мулоқот манипуляцияси орқали ўтказиш лозим бўлади. Мулоқот манипуляцияси бўйича изланишлар олиб борган олим Р.Блакарнинг фикрича, сиёсий тил- "ижтимоий ҳокимият курали" дир. [11, б.88-124]

Мулоқот манипуляцияси предметларо тадқиқот объекти ҳисобланади. У ўз ичига қатор фанлар: сиёсатшунослик, тилшунослик, психология, социология, маданиятшунослик кабиларни қамраб олади. Мулоқот манипуляцияси муваффақиятли амалга оширилган ҳар қандай тил коммуникацияси бўлиб,бу тушунчани кенг маънода талқин қилиш ҳисобланади.

Мулоқот манипуляцияси тор маънода қуйидагича тушуниш бўлиб:

биринчидан, гапирувчи вербал тарзда бирор ахборотни гапириб, ўз мақсадига эришишга ҳаракат қилиши манипуляция ёки манипулятив мулоқот дейилади; **иккинчидан**, манипуляция механизмини мулоқотдан ажратиб бўлмайди. Биргина восита орқали муайян нарсанинг тўғри эканлиги ёки хато эканлигини тушунтириш мумкин. Шунингдек, бирор бир мулоқот механизми манипуляция қилиш учун махсус мўлжалланган бўлиши мумкин. Агар манипуляциялашни

коммуникациянинг муваффақиятли тури сифатида қаралса, унда Грайснинг постулатларини тўлиқ қўллаш лозим бўлади [12, б.217-237]. Ўзаро мулоқотда қуйидаги тамойилларга онгсиз равишда ҳам суяниш мумкин:

- 1) хабар тамойили (бирор нарса ҳақида гапирмоқ);
- 2) аниқлик тамойили (бир маънода гапирмоқ);
- 3) боғлиқлик тамойили (мавзу доирасида сўзламоқ);
- 4) ҳақиқат тамойили (тўғри нарсани чин юракдан гапирмоқ).

Бунда коммуникация ҳодисаси орқали иш кўрилиб, унинг натижаси олдиндан белгиланган, аниқланган, шунингдек, нутқ тамойилининг ҳатти-ҳаракатини тушунган ёки унга қатъий амал қилган ҳолда хатога йўл қўйиш, ноўрин сўзлаш демакдир. Юқоридаги тамойилларга амал қилинмаган ҳолатда ахборотлилик юзага келади:

- 1) ибораларда етарлича ахборотнинг мавжудлиги;
- 2) иборалардаги майда икир-чикир фикрларнинг кўплиги;
- 3) ахборот характерига эга бўлмаган фикрлар.

Агар аниқлик тамойили бузилса, унда матнда тушунарсизлик ҳолати юзага келади, унинг мисоли сифатида сиёсий демагогияни айтиш мумкин: аёнки, демагогик жумлалар мурожаат этувчининг тўғри фикридан чалғиб кетмаслигини билдиради.

Сиёсий дискурда онгсиз, англаб етилмаган тузилишни ўрганиш шунини кўрсатдики, инсон ихтиёридан ташқарида бошланадиган, онгга айланиши учун замин бўладиган ва сиёсий мулоқот билан боғлиқ ҳодисани тан олиши керак. Мулоқот ана шу онг ва англаб етилмаган ҳолатни ҳам ифодалайди. Демак, онг - сиёсий маданиятнинг мулоқот орқали ифода этилган ифодаси, унинг тасарруфидаги соҳадир. Бу шундай масалаларни майдонга ташлайдики, инсон мулоқотни турли қатламлар ифодалаган сиёсий маданият орқали ўзаро мулоқотда, эркин фаолиятда ўзлаштира олади.

Сиёсат ва мулоқот ўртасидаги алоқа шундай пайдо бўладики, унда ҳеч қандай сиёсий тизим коммуникациясиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Мулоқот сиёсатчиларга маълумот билан таъминлаш, буйруқ бериш, қонуний актларни ўтказиш, ишонтириш ва бошқа нарсалар учун керак. Сиёсатчиларнинг ўзига хос хусусияти инсон фаолиятининг бошқа доираларидан фарқли ўлароқ, унинг аҳамиятли дискурсив характеридан иборат бўлиб, унда кўпгина сиёсий ҳаракатлар, ўз табиатига кўра, нутқий фаолият ҳисобланади.

Маълумки, сиёсий мулоқотга нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Баъзи олимлар бу атамалардан изоҳ талаб этмайдиган даражада фойдаланишади. Айримлар сиёсий мулоқотнинг мавжудлик феноменига шубҳа билан қарашади, баъзилар эса унинг мавжудлигини инкор этмаган ҳолда унинг ўзига хос хусусиятини аниқлашга уринишади. Биринчи нуқтаи назар А.Н.Баранов ва Е.Г.Казаковичлар тадқиқотларида қисман кўрсатилган: "Сиёсий мулоқот - жамият консенсуси, сиёсий ва социал-иқтисодий қарорларни қабул қилиш ва асослаш учун ишлаб чиқилган тизим деб", [13, б. 63] таъкидлайди. Иккинчи ёндашув бўйича Б.П.Паршиннинг фикри қуйидагича: "Сиёсий дискурсининг ўзига хос хусусияти оддий тарзда берилмайди". [14, б.192-198]

"Сиёсатчилар мулоқоти" деганда нима назарда тутилади, грамматика норма доирасидан чиқмайди, умуман, лексик нормаларга мос омиллар ўрин эгаллайди" [14, б.192-198]. П.Б.Першин сиёсий мулоқот замирида идео-сиёсий дискурдир,

деган хулосага келади. Шунга ўхшаш фикрни Д.Грайбер ҳам қайд этади: "Сиёсий мулоқот қандайдир махсус лугат ёки махсус грамматик форма ҳисобига тузилмайди. Бу берилаётган маълумот, ҳолат мазмуни, яъни маълумотнинг тарқалиши (ижтимоий контекст) ва бажарилаётган функциядир. Сиёсатчилар сиёсий мавзуда мулоқот олиб борганларида сиёсий мақсадни кўзда тутган ҳолда сиёсат тилида сўзлашади". [15, б.195-224]

Дискурс концепцияси нуқтаи назаридан белгиларнинг барча кўриниши сиёсий дискурс семиотик (маънога хос) бўшлигидан иборат, бундай ҳолатда сиёсатчилар тили ёрдамга келади. У махсус белгилар - вербал (сиёсий атама, антропонимлар) ва новербал (сиёсий белгилар)ни ўз ичига олади. Махсус бўлмаган белгилар, бу мулоқот доирасига йўналтирилмаган номинатив, айниқса, унга мустаҳкам шаклланиш доирасида ўз мазмунига мос хусусиятни ўзлаштиришдан (бу қисман шахс оломошига тегишли) иборат.

Сиёсатчилар мулоқоти сиёсий атамаларнинг шаклланишида намоён бўлади. Айнан мана шу хусусият тадқиқотчиларга сиёсатчилар мулоқотининг ўзига хос чегараси борлигини аниқлашга ёрдам беради. Сиёсий коммуникацияда атамаларни махсуслаштириш жараёни (деатамологизация) уч босқичда амалга оширилади:

1) Қўлланиш доирасининг кенглиги. Бунинг учун коммуникация оммавий ахборот воситаларида қўлланиладиган атамалар ўз характерини сақлаган ҳолда соддалаштирилган.

2) Атамани махсус бўлмаган матнларда қўллаш ва шу билан боглиқ равишда маъносининг ўзгариши. Бундай қўлланиш экспрессив белгилар бўлади.

3) Янги маъно ўз экспрессивлигини йўқотади. Бундай мисолларни сиёсий лексикада сиёсий мулоқот доирасидан чиққан - консенсус, диктатура, конфронтация каби ҳолатларда кўриш мумкин.

"Сиёсий мулоқот" профессионал сиёсатчилар ва ҳукумат ходимлари учун алоҳида имтиёз эмас, балки жамият аъзолари учун очиқ манба, у манипулятив мақсадларда қабул қилинган, умумхалқ тилида махсус қўлланиладиган назорат. Шу маънода, А.Девис: "Сиёсатчилар мулоқоти бир пайтнинг ўзида манипуляция тилидир, ҳаттоки унга тўлиқ тегишли бўлмаса ҳам сиёсатчилар тилининг аниқ жиҳатлари қисман референт белгилар, ахборот вазибаларини бажаради. Айни шу пайтда "сиёсий мулоқот" бошқа мулоқот доираларида манипуляция мақсадида ишлатилади", деб таъкидлайди. [10;16, б. 3211-3214]

Шунинг учун сиёсий дискурс тушунтиришни талаб этмайдиган ва кўп сонли ишларда ишлатилувчи атамалар сонига тегишли бўлади. Ҳаттоки, энг юқори фикрлашда ҳам нутқий жараёнлар сиёсий дискурс доирасига киради, яъни бир маъноли жавобларнинг мавжуд эмаслиги турли саволларнинг туғилишига олиб келади. Масалан, сиёсий шов-шувлар ва ҳангомалар сиёсий ёки маънавий дискурсга тегишлими? Сиёсатчи интервьюси сиёсий дискурсни ёки масс-медиами? Сиёсий дискурсни сиёсатчилар мемуарига киритиш керакми ёки у адабиётнинг турли кўринишими (ҳужжатли проза), бадиий дискурсга тегишлими? Агар сиёсий дискурсни асосий функцияларидан келиб чиқилса, у ҳокимият учун кураш (ҳокимият учун тарғибот, қўлга киритиш ва ҳокимиятнинг ушлаб туриш, унинг барқарорлашуви) сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам А.Н.Баранов ва Е.Г.Казакевичлар сиёсий дискурс "ҳамма нутқий ақтларнинг сиёсий дискурсида қўлланилади, шунингдек, у матбуотда эълон қилинган сиёсат қонунлари тарихида амалга ошириладиган урф-одат ва ҳаётда синалган тажрибани шакллантиради",

[13; 17, б. 63] деб ҳисоблайдилар. Бизнинг назаримизда, бундай ёндашув асосида сиёсий дискурс мулоқотнинг институционал шакли ётади.

Сиёсат ва сиёсий коммуникациянинг концептуал таҳлили В.В.Зеленский қарашларида ўз ифодасини топган. Унинг фикрича, "Сиёсий тўплам сифатида бир неча ҳаракатларда ҳокимият ва иқтисодий манбаларни муайян мамлакатда ёки давлат ўртасида бўлиб олишга йўналтирилган деб аниқланади. Сиёсатнинг бундай расмий даражаси ўз ичига оммавий ахборот воситалари, таълим тизими ва ҳамма ижтимоий ҳаётни назорат қилувчи институтларни қамраб олади". [18, б. 368-380]

Ижтимоий жараёнларда шахснинг ижтимоийлашуви мулоқотнинг стандартлари, қоида ва схемалари орқали ифодаланган сиёсий ҳаёт тарзига мослашиши асосида боради. Бунда ўзаро алоқа натижасида тилда ифодаланган сиёсий қоидалар, тасаввурлар эскидан қолган ижтимоий-сиёсий андазаларга таянади. Энг асосийси, умумий мулоқот сиёсий дискурснинг барча соҳаларига кириб боради ва ўз таъсирини ўтказди. Мулоқот сиёсий масалага айланади. Натижада эркин фикрловчи кишилар ҳам ўз фикрини маълум сиёсий қоидаларга мослаштиришига тўғри келади.

Сиёсий коммуникациянинг мақсади, аввал таъкидланганидек, ҳокимият учун курашдан иборат. Шунинг учун ҳам сиёсий коммуникация таркибиде турли маълумотларнинг берилиши, жамиятда ҳокимиятнинг бўлиниши ва унинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи, айниқса, маълумот расмий ҳукумат институтларидан чиққан бўлсагина муайян аҳамиятга эга бўлади. Сиёсий коммуникация мазмуни матбуотда уч омил доирасида муҳокама қилинади: [18, б. 368-380]

- а) жамият манбаларини тақсимлаш;
- б) қабул қилинган қарор устидан назорат (қарор қабул қилиш ҳуқуқлари: қонун ва ижро ҳокимияти, суд тизими);
- в) санкция қабул қилиш (жазолаш ёки тақдирлаш ҳуқуқи).

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, сиёсатчилар дунёси кенг қамровли, унга кишилар сиёсий жамоаси, сиёсий субъектлар, институтлар, ташкилотлар, урф-одаг ва анъаналар, сиёсий фаолият усуллари, сиёсий маданият ҳамда мафкуралар, ахборот воситалари киради. Бу жараёндаги барча ислохотлар сиёсий дискурс воситасида ифодаланади, у орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, оммавий-сиёсий онгни эгаллашнинг муҳим жиҳатлари бир қатор омиллар билан билан белгиланади. Шу ўринда мулоқотнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда мулоқот манипуляциясининг ўзига хос жиҳатларини таъкидлаш лозим. Бунда сиёсий дискурс, сиёсий манипуляция ҳамда сиёсий коммуникация муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азамат Зиё, Ўзбек давлатчилиги тарихи: энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. - Т.: Шарқ, 2000.
2. Губалко М.И. Переломные годы. Мобилизованный лингвизм. - М., 1993. - С.41, 46- 47.
3. Лингвистический энциклопедический словарь / под ред. В.Н. Ярэвой. - М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. - С. 13.
4. Сепир Э. Статус лингвистики как науки; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. - М., 1993.

5. Большой юридический словарь. Додонов В.Н., Ермаков В. Д., Крылова М.А. - М., 2001. - С.435.
6. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. -Т.: Фан, 2007. - Б.73-74
7. Абу Райхон Беруний. Ҳикматлар. -Т., 1992. - Б.40-41.
8. Трушкова Ю.В., Проблемы описания современной социолингвистической атамологии (атама "государственный язык") / Проблемы языковой ситуации Российской Федерации и зарубежных стран. - М., 1994. - С .115.
9. Аврорин В.А. Проблемы изучения функциональной стороны языка. -Л.: Наука,1975. - С.72.
10. Davis A. Political language / Davis A. // The Encyclopedia of Language and Linguistics / ed. R.E. Asher/ - Oxford, New York: Pergamon Press, 1994/. - P. 3211-3214
11. Блакар Р.М. Язык как инструмент социальной власти // Язык и моделирование социального воздействия. - М., 1987. - С. 88-124.
12. Грайс Г. П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. - М.: Прогресс,1985. -С. 217-237.
13. Баранов А.Н., Казакевич Е.Г. Парламентские дебаты: традиции и новации // Сов. полит.яз. (от ритуала к метафоре) - М.: Знание, 1991. - С.63.
14. Паршин П.Б. Идиополитический дискурс // Труды международного семинара Диалог о компьютерной лингвистике и её приложениям. - М., 1996. - С. 192-198.
15. Graber D. Political Languages // Handbook of Political Communication. - Beverly Hills and London: Sage Publications, 1981. - P. 195-224.
16. Davis A. Political language / Davis A. // The Encyclopedia of Language and Linguistics / ed. R.E. Asher/ - Oxford, New York: Pergamon Press, 1994. - P. 3211-3214/
17. Баранов А.Н., Казакевич Е.Г. Парламентские дебаты: традиции новации // Сов.полит. яз. (от ритуала к метафоре) - М.: Знание, 1991. - С.63.
18. Зеленский В.В. Послесловие / Психология политики. Психологические и социальные идеи Карла Густава Юнга. - М.,1996. - С. 368-380.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Akhmedova Feruza Medetovna
doktorant, O'zbekiston Milliy universiteti

**ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН АЙРИМ
МАСАЛАЛАР**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада кадрларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган яхлит таълим жараёнининг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиш зарур бўлган таклифлар берилган. Унда таълим жараёни муаммоларини аниқлашда социологик тадқиқотлар ёрдамида аниқлаштириш лозимлиги ёритилган. Муаммонинг ечими сифатида ҳамкорлик педагогикаси асосидаги интерфаол методларнинг самарадорлиги таклифи берилган.

Калит сўзлар: таълим, таълим жараёни, малакали мутахассислар, шахсий фазилат, касбий тайёргарлик, социал муаммолар, ҳамкорлик педагогикаси, интерфаол методлар, кадрларнинг билимдонлик даражаси.

Ахмедова Феруза Медетовна

докторант, Национальный Университет Узбекистана

**О НЕКОТОРЫХ ВОПРОСАХ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
СТУДЕНТОВ**

АННОТАЦИЯ

в данной статье приводятся рекомендации, которые необходимо учитывать, принимая во внимание достижения мирового класса в интегрированном учебном процессе, который направлен на повышение профессиональной подготовки персонала. Обосновывается необходимость выяснения проблемы образовательного процесса посредством социологического исследования. В качестве решения проблемы предложена эффективность интерактивных методов обучения совместной педагогики.

Ключевые слова: образование, учебный процесс, квалифицированные специалисты, личностные качества, профессиональная подготовка, социальные вопросы, совместная педагогика, интерактивные методы, уровень профессионализма персонала.

Akhmedova Feruza Medetovna

doctoral student, National University of Uzbekistan

ABOUT SOME QUESTIONS OF PROFESSIONAL EDUCATION OF STUDENTS

ANNOTATION

This article provides recommendations that need to be taken into account, taking into account the achievements of world-class in an integrated educational process, which is aimed at improving staff

training. It justifies the need to clarify the problem of the educational process through a sociological study. As a solution to the problem, the effectiveness of interactive teaching methods for joint pedagogy is proposed.

Key words: Education, educational process, qualified specialists, personal qualities, professional training, social issues, joint pedagogy, interactive methods, the level of professionalism of staff.

Хозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг намоен бўлиши ҳар қачонгидан шиддатли тус олаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Булар дунёнинг мафкуравий манзарасининг ўзгариб бориши; геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг уйғунлашиб бориши; мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда мафкуравий тамойиллар аҳамиятининг ошиб бориши; мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва шу қабилир.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаларидан бири ушбу жараёнларга мос келадиган, янгича фикрловчи авлодни тарбиялашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Миллий меросимиз, қадриятларимизнинг қайта тикланиши, миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши туфайли одамлар онгида, тафаккурида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Маънавий-маърифий жараёнлардаги ўзгаришлар одамларимиз қалби ва онгига сингиб, уларда келажакка, ўз кучига, ўз имкониятига ишонч, Ватанга муҳаббат, эркинлик хиссини тарбияламоқда. "Энг муҳими, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узок йиллар мобайнида коммунистик ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда одамларнинг ўзи ўзгарди"[1, б.13]. Фақат истиқлол халқимизга ўз Ватанида ўзини эркин хис этиш, эркин фикрлаш, мустақил тафаккур юрийтиш имконини берди. Ва у кенг қўламдаги сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларни амалга оширишда асосий куч-қудрат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган барча касб эгаларининг олдига қўйилаётган энг муҳим вазифаларидан бири - малакали мутахассислар сифатида ўзлигини, ўз қобилиятларини, индивидуаллиги, шахсий фазилат ҳамда хусусиятларини билган ҳолда атрофдагилар меҳнати оқилона ташкил этиш ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг барча соҳаларида иқтидорли касб эгаси сифатида фаолият кўрсатишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ЎзР Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари билан учрашуви хулосаларига кўра ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 19-июль 2018 йилдаги "Ёшларни илм-фан соҳасига жалб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги №559-сон Қарори мамлакатимиз илм-фани соҳасида юзга келина ташкил бўлган инқирозли вазиятни олдини олиш мақсадида қўйилган дадил қадам бўлиб, унда илм-фан нуфузини янада ошириш, илмий-технологик салоҳиятини юксалтиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ва янги мактаблар яратилишини таъминлаш мақсадларига қаратилган эди. [2]

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими, кадрлар тайёрлаш миллий моделини жорий этишнинг меъёрий, шу билан бир қаторда илмий-назарий асоси бўлган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинганлигига ҳам қарийб 22 йил бўлди. Республикамызда узлуксиз таълим

тизими жорий этилгандан бўён ҳар бири бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Узлуксиз таълим тизими турлари ўртасида таълим мазмунининг узвийлиги ва изчиллигини амалга ошириш мақсадида фанлар бўйича узвийлаштирилган ва модернизацияланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Республикамизда замонавий мутахассисларни тайёрлашдаги асосий тамойиллар сифатида таълимни инсонпарварлаштириш ва ижтимоийлаш-тириш; уларнинг асоси сифатида эса миллий ва умуминсоний маданий қадриятлар аниқ белгилаб олинган. Шу билан бирга, бугунги кунда кадрларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган яхлит таълим жараёни, таълимнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиш зарурати туғилмоқда.

Республикамизда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёни кадрларни тайёрлаш ишига янгидан-янги талабларни қўймоқда. Мустақиллик йилларида қўлга киритилган улкан ютуқлар билан бирга, реал таълим шароитида кўзга ташланаётган айрим муаммолар ҳамкорлик педагогикаси асосида олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини такомиллаштиришни алоҳида талаб этмоқда.

Хозирги ижтимоий жараёнлар ҳолатига тулаконли жавоб бериш билангина чекланмасдан, балки уларнинг истиқболдаги ўзгариш даражаси хусусида башорат қилиш лозимдир. Жаҳон тажрибасига асосланган бўлсак ижтимоий жараёнларни башорат қилишда Социология фанининг ўрни беқийёсдир. Фаннинг назарий асослари долзарб ижтимоий жараёнлар, социал структура ва социал тизимларнинг мавжуд бўлиши ва ривожланиш муаммолари, жамият социал-маданий тизим сифатида, шахс ижтимоий муносабатларнинг объекти ва субъекти сифатида, социал муносабатлар, ижтимоий жамоалар, социал алоқалар, социал ташкилотлар, гуруҳлар, социал институтлар ва институтлашган муносабатлар, жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларни батафсил баён қилиш билан мос келади. Бунда асосий эътибор амалий фаолиятда социологик билим ва усуллардан фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқишга, Ўзбекистон ва жаҳондаги социал муаммоларга нисбатан қизиқишнинг ошганлигига қаратилади. Фан жамиятда рўй бераётган йирик ижтимоий-сиёсий воқеаларни шунчаки қайд этиш билангина чекланмайди, балки унинг асл моҳияти ва мазмунини атрофлича очиб беради. Бу фан ўзининг илмий хулосаларини эмпирик даражада асосланган ҳолатда илгари суради. Социал жараёнларни кузатган ҳолда ушбу фан мутахассислари, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришлари ҳамда илм-билимга интилишларини янада ривожлантириш учун ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим сифатини яхшилашда ёрдам берувчи интерфаол методлардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Анъанавий таълимдаги бир томонламалик олий таълим тизимидаги фақат маъруза машғулотларида эмас, семинар дарсларида ҳам устуворлик қилади. Унга кўра, "етказиб берувчи" ролида энди ўқитувчи эмас, балки талаба намоён бўлади. Талаба, асосан, ўзи ўзлаштирган билимларни намойиш этади, ўқитувчи эса унинг фикрларини тинглайди, зарур ўринларда саволлар билан мурожаат қилади. Талабалар гуруҳи (жамоаси) бу вазиятда бутунлай суст ишгирокчи, тингловчи бўлиб қолади. Бир қарашда талаба ёки ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборотларнинг қабул қилиниши талабалар гуруҳи (жамоаси) учун билимларни

Ўзлаштириш имкониятини яратаётгандек таассурот уйғотади. Бироқ, психологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, шу тарзда қабул қилинган билим (маълумот)лар жуда тез унутилади. Хусусан, америкалик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроунинг ўрганишларига кўра шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни шахс: манбани ўзи ўқиганида 10 %; маълумотни эшитганида 20 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараёни кўрганида 30 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараёни кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50 %; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намойиш этганида) 80 %; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90 % ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга [3, б.122].

Социал муаммоларни ечимини излашдаги илмий хулосаларда эмпирик даражада асосланиш лозим. Хозирги ижтимоий жараёнлар ҳолатига тулақонли жавоб бериш билангина чекланмасдан, балки уларнинг истиқболдаги ўзгариш даражаси хусусида башорат қилиш лозимдир. Жаҳон тажрибасига асосланган бўлсак ижтимоий жараёнларни башорат қилишда Социология фанининг ўрни беқўёсдир. Фаннинг назарий асослари долзарб ижтимоий жараёнларга, кузатув ва сўровномалар орқали аниқ далилларга таянади. Хозирги кунда, ижтимоий тармоқлар орқали петиция йиғиш ёки муаммоли вазиятни аниқлашга қаратилган сўровномалар олиб бориш ҳам кундалик ҳаётимизга кириб бормоқда. Масалан, олий таълим тизимларида тахсил олувчи талаба-ёшлар ўртасида 2019 йилнинг январь ойида телеграм канали орқали Ўзбекистондаги олий ўқув юртлири бераётган таълимнинг сифати ва долзарблиги ҳақидаги социологик сўровнома ўтказилди. Сўровномада 815 нафар Республикаимизнинг турли олийгоҳларида тахсил олувчи талабалар иштирок этдилар. **Сўровномадаги "Сиз тахсил олаётган Олий ўқув юртида фан билан шуғулланиш учун яхши шароитлар мавжуд деган фикрга қўшилмасизми?"- деган саволга қуйидаги жавоблар кузатилди:**

"Ҳа, тўлиқ даражада" - 65 нафар талаба (8%);

"Қисман" -163 нафар талаба (20%);

"Йуқ, шароитлар яхши деб хисобламайман" - 587 нафар талаба (72%) деб фикр билдирдилар.

Сўровномаимиздаги "Сизнинг курсингизда мультимедия билан бирга олиб бориладиган машғулотлар ўтказиладими?" деган саволда ҳам жавоблар бизни қониқтирадиган кўрсаткичларга эга эмас:

"Ҳа, тез-тез" - 57нафар (7%);

"Ҳа, лекин кам" - 229 (28%);

"ОўЮда мультимедия ускуналари бўлсада, ўтказилмайди"- 529 (65%);

Сўровномадаги "Сизнинг жавоб вариантингиз:___..." деган жойида аксарият талаба-ёшлар "домлалар "очиқ дарс"ларда ва комиссия келадиган бўлсагина дарсларда мультимедияларни ва интерфаол методларни қўллашга интилишади" каби жавоблар ҳам кузатилди. Натижаларга асосланган бўлсак айрим ўқитувчиларимизнинг интерфаол ўқитишни таълим жараёнига изчил кириб бориши устида хали фаолият олиб бориш керак экан.

Албатта, илм-фанни ёш, оқилдорли, малакали кадрлар билан таъминлаш, кадрларнинг билимдонлик даражасини ошириш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун барча шароитларни яратиш илмий жараёни жадаллаштириш

билимга асосланган иқтисодий модели ҳисобланиб бу жараённинг самарадорлигини таъминлашда янгича ёндошувларни излаб топишни тақозо этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича кумитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан 2017-йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарияти қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йулга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган [4].

Юқоридаги фикр қанчалик асосли эканлигини аниқлаш мақсадида талаба-ёшларнинг талим сифати ва долзарблиги ҳақидаги турли фикрларини аниқлашдаги сўровномамиздаги: "Ўзингизнинг профессионал истиқболингизни қандай баҳолайсиз?" деган таволга: "Ишонч ва оптимистик билан"- 73нафар (9%); "Барқарор, лекин катта умидларсиз, хамхаёлларга берилмасдан"- 171 нафар (21%); "Пессимистик, хавотирлик ва ишончсизлик билан"- 195 нафар (24%); "Жавоб беришга қийналаман"- 375нафар (46%) респондент фикр берди. "Сизнинг олийгоҳда олган билим ва кўникмаларингиз иш берувчиларнинг талабларига мос келадими?" деган саволга деярли респондентларимизнинг ярми "Жавоб беришга қийналаман" дея фикр билдирди (402 нафар талаба), "Сизнинг фикрингизча, ишга қабул қилиниш чоғида ўтказиладиган суҳбатдан муваффақиятли ўтишингизга нима ёрдам берами?" каби саволларга ҳам респондентларимиз жавоб беришда қийналганлари кузатилди (дерли 50% зиёд талабалар "жавоб беришга қийналаман" деган жавоб вариантини белгиладилар). "Ўқитувчи талабаларга интернет тармоғидан online режимида керакли ахборотни олиш вазифасини бериб ўтказиладиган машғулотлар бўладими? деган саволига "Гарчи интернетга уланган аудиториялар бўлсада, бундай машғулотлар ўтказилмайди" деган жавоб вариантини белгиладилар аксарият(93%) респондентларимиз. Ушбу кичик пилотаж тадқиқотнинг натижасига асосланадиган бўлсак, талабалар иш берувчилар билан келажақдаги суҳбатида ўзининг профессионал ва шахсий сифатларига аниқ тассавурга эмаслиги, олий ўқув юртида олаётган билим ва кўникмалари иш берувчининг талабаларига мос келиш ёки келмаслигини яхши билмайди. Демак, олий ўқув юртларида таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги билан бир қаторда назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлигидан дарак беради.

Жаҳон тажрибасига асосланадиган бўлсак, ижтимоий жараёнлардаги вазиятни аниқлашда ва башорат қилишда социология фанининг ўрни беқийёсдир. Олиб борилган социологик сўровнома натижасига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, бу масаланинг ечимини (педагог мутахассисларимиз тинмай таъкидлаб келётган) ҳамкорлик педагогикасига бориб тақалмоқда. Яъни, иш берувчи ташкилотлар мутахассислари ўқув жараёнида бевосита қатнашишлари зарур ва

олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда талабаларни тайёрлашнинг реал ишлаб чиқариш талабларига мос келадиган даражага олиб чиқишлари лозим. Бунда талабаларга иш берувчиларнинг мутахассислари ўқийдиган ўқув-амалий дарслардан тортиб, то талабалар учун ўқув режаларини ишлаб чиқишда қатнашишига бориши мумкин.

Интерфаол методлар таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи ва талабалар, талаба ва талабалар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир талабанинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга.

Ҳамкорлик педагогикаси асосидаги интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълимий ёки тарбиявий мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминласада, бироқ, уларнинг ҳар бири таълим ёки тарбия жараёнида маҳсулдорликни таъминлаш бўйича турли имкониятларга эга. Шу сабабли, ўқитувчилар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, интерфаол методларнинг самарадорлиги янада ошади, қачонки, уларни қўллашда талабаларнинг ёши, психологик хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса. Бу ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) талабаларнинг замонавий ахборот технологиялари воситасида мустақил равишда янги билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши ҳамда улардан амалий фойдалана олиши;

2) e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;

3) мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда касбий фаолият соҳасидаги янги шакл, метод ва воситаларни ўзлаштириш ҳамда ўз-ўзини ривожлантириш;

4) машгулотларни online тизимида видео анжуманлар ва семинар-тренинглар асосида ташкил этиш;

5) профессор-ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги коммуникацияни жадаллаштириш;

6) талабаларнинг ўқув фанини ўрганиш ва ўзлаштиришга қизиқишларини оширишга йўналтирилган хусусий-методик технологияларни амалиётга татбиқ этиш;

7) профессор-ўқитувчиларни тьюторлик, фасилитаторлик ва ингиляторлик фаолиятига фаол жалб этиш

8) Ахборотларнинг глобаллашув шароитида фанларнинг ҳамкорликда ўқитишнинг муҳим воситаси сифатида электрон ўқув модуллари ва Силлабус(Syllabus)ларни амалиётга кенг татбиқ этиш лозим.

Фанларни ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга доир юқорида санаб ўтилган муаммолар айнан ҳамкорлик педагогикаси тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини амалиётга кенг жорий этишни тақозо этади. Чунки ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси ўқув топшириқларни нафақат биргаликда бажариш, балки ҳамкорликда ўқишни ўрганишдир. Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир талабани

кундалик қизгин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий қадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда маъсулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутати. Шунингдек, ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир талабанинг таҳсил олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини сифатли бажаришга, ўқув материални пухта ўзлаштиришига, курсдошларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштирилишига замин тайёрлайди.

Шундай қилиб, ҳамкорлик педагогикасининг интерфаол ўқитиши таълим жараёнининг асосий иштирокчилари - ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозалар, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, "ўқитувчи - талаба - талабалар гуруҳи"нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришиш каби ютуқларга эришилади.

Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти хал қилувчи куч ўлиб ижтимоий ҳаётга кираётган, замонавий билим ва касб-хунар сирларини пухта эгаллагашга интилган, навқирон ёш авлод тимсолида яққол намоён бўлишига ишонамиз, чунки улар эртанги кунимизнинг қафолатидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 2007. - Б.13.
2. LEX.uz. ЎЗР ВМ нинг 19 июль 2018 йилдаги "Ёшларни илм-фан соҳасига жалб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги №559-сон Қарори
3. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И. Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. - Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. - 122-бет.
4. kpn.uz/Жаҳон.02.08.2017: "ХПКда Олий таълимни ривожлантириш муаммолари муҳокама қилинди

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Кадирова Халима Бувабаевна
катта ўқитувчи, Низомий номидаги ТДПУ

МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК, МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-9>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимиз халқлари ҳаётидаги миллий ўзлики англаш ва идентиклик масалалари ёритилган. Жаҳон миқёсида "идентиклик" мавзуси орқали жамият аъзоларининг миллий, фуқаровий, ҳудудий ва диний мансублигини намоён этиш "ўзлики ва миллий ўзлики англаш"нинг ҳолатларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: миллий ўзлики англаш, идентиклик, тарих, халқ, тараққиёт, маданият, дин, урф-одат, маданий мерос, миллий анъана ва қадриятлар, миллий гурур.

Кадирова Халима Бувабаевна
старший преподаватель, ТГПУ им. Низами

МЕТОДОЛОГИЯ ИССЛЕДОВАНИЯ ПРОБЛЕМ И РЕШЕНИЙ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ, НАЦИОНАЛЬНОГО
САМОСОЗНАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы национальной самосознания и идентичности в жизни нашего народа. Даны проявления сущности "самосознания и национальной самосознания" в национальной, гражданской, территориальной и религиозной самобытности членов общества в мире.

Ключевые слова: национальная идентичность, идентичность, история, люди, развитие, культура, религия, традиции, культурное наследие, национальные традиции и ценности, национальная гордость

Kadirova Halima Buvabaevna
Senior teache, TSPU them. Nizami

RESEARCH METHODOLOGY FOR THE PROBLEMS AND SOLUTIONS OF
NATIONAL IDENTITY, NATIONAL SELF-CONSCIOUSNESS

ANNOTATION

The article deals with issues of national identity and identity in the life of our people. The manifestations of the essence of "self-consciousness and national identity" in the national, civil, territorial and religious identity of members of society in the world are given.

Key words: national identity, identity, history, people, development, culture, religion, traditions, cultural heritage, national traditions and values, national pride.

"Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятга эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади" [1, б.132]

Жаҳон миқёсида XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб "идентиклик" мавзуси орқали жамият аъзоларининг миллий, фуқаровий, ҳудудий ва диний мансублигини намоён этиш "ўзлик ва миллий ўзликни англаш" нинг бир белгиси сифатида қаралади.

Миллий ўзликни англаш эса нафақат тарихий хотира, ўтмишни ўрганишдангина иборат бўлиб қолмай, балки миллат, халқнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар, маданияти, ўтмиш тарихи ва миллий манфаатларга эмоционал куйинишидир. [2, б.195]

Дунё илм фанида идентиклик, миллий ўзликни англаш муаммоси бугун пайдо бўлган ёки масала эмас, балки фалсафа фанининг кухна муаммоси бўлган бўлса, янги даврдан бошлаб бу социал муаммо сифатида барча ижтимоий гуманитар фанларда долзарб аҳамият касб этди. Шу жумладан, маданиятшунослик, психология, социология, антропология, ҳуқуқшунослик ва шу каби фанларни тадқиқот объектига айланди.

"Идентиклик - бу шахснинг мавжуд социумда турли маданий хусусиятларни ўзида жамлаганлиги ва шунинг асосида ўзининг маълум социал бирликга тегишли эканлигини англаш, ҳис этишдир" [3, б.69] Бу шахснинг мавжуд социумда маълум социал бирликга тегишли эканлигини унинг миллийлиги, шу миллатга мансублиги билан ҳам боғлиқ.

Миллийлик ёки миллий ўзликдеганда ўз миллатини улуғлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий гуруҳ ва миллий нафсоният туйғулари, ўз она тили, адабиёти, маданияти ва санъати, дини, тарихи ва урф-одатлари, расм-русмлари, байраму сайиллари, бир сўз билан айтганда маданий-маърифий қадриятларини қадрлаш, ўзи туғилиб вояга етган она диёрини ардоқлаш, унинг табиати, дарёлари, кўллари, мусаффо осмони билан фахрланиш тушунилади. [4, б.68]

Миллийлик ёки миллий ўзлик бир этносга мансуб кишиларнинг ижтимоий этник барқарорлигини таъминловчи буюк қудратдир. [5, б.13]

Миллийлик назариясининг тадқиқотчиларидан бири бўлган М.Хрох фикрича давлатчиликкача миллатнинг қарор топишидаги учта асосни кўрсатиб ўтади. Булар:

1. Миллатнинг етакчилари томонидан қадрланган, келгуси миллий ҳаракатларга туртки берадиган сиёсий мухторият белгиларининг сақланиб қолиши.

2. Бўлиб ўтган мустақиллик ёки давлатчилик ҳақидаги хотиранинг, ҳатто у жуда қадимги даврларга тегишли бўлса ҳам, миллий тарихий онг ва этник бирликка қувват бўлиб ҳизмат қилиши.

3. Миллатнинг ташкил этилишида унинг тарихи, тили ва урф-одатлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш, ватанпарварлик йўлидаги ташвиқот ва тарғиботдан фойдаланиш. [6, б.128]

Зеро, миллий ўзлик, миллийликка мансуб барча хусусиятлар ва белгиларни ўзида мужассамлаштирадиган асосий кучдир. "Ҳар бир шахснинг миллий ўзлигини англашга интилиши табиий жараёндир. Ўзи мансуб бўлган миллат, элатга хос миллий хусусиятлар, белгиларни сақлаб қолиш, уни янада ривожлантириш ёки қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг ифодасидир" [5, б.16]

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда "миллийлик", "миллий гурур", "миллий туйғу", "ўзликни англаш", "миллий менталитет" тушунчаларига алоҳида илмий аниқлик киритилиди ва бу ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар учун кенг имкониятлар эшигини очди. Халқимиз улуг аждодлар меросини тиклаб, озов ва обод Ватан эркин ва фаровон турмуш барпо этиш имкониятига эга бўлди. Зеро, ҳар қандай инсон, миллат, жамият, давлат мустақил бўлгандагина ривожланиб, юксалиб, ўзлигини англаб тараққиётнинг барча bosқичларига эришиши мумкин. Миллий гурур эса, миллат ҳаётидаги ана шу омиллар билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқимиз миллий гурури, маънавий қадриятларни тиклаб, янада юксалтириш жамиятимизни тубдан янгилаш борасидаги энг долзарб вазифалардан бирига айланади. Зеро, маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантиришни асосий сабабларидан бири урф-одатлар, анъаналарнинг жамият ва инсон ҳаётида муҳим ўрин тутганлиги миллий гурури, миллий ўзлигини англаш ва унинг идентиклиги билан бевосита боғлиқлигидир.

"Инсоннинг миллий гурури миллий ўзлигини англашда, ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий фахр ва миллий ифтихор туйғуларида намоён бўлади. Шунингдек миллий гурур шахс билан жамият манфаатининг уйғунлашганлигини ифода этувчи муҳим аломатдир" [5, б.139]

Инсоният тараққиётининг ҳозирги bosқичида кишиларнинг жамиятдаги, миллатлар ва давлатларнинг ҳаётдаги ўрни ва мавқеи қандай бўлишида идентиклик хусусиятлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Чунки идентиклик бир вақтнинг ўзида тарихий-ретроспектив, замонавий - стратегик характерга эга бўлган муоммодир. Унинг тарихий илдилари ҳар қандай идентикликнинг бирламчи асосида ҳудудий, иқтисодий ва этнологик омиллар ётганида бўлса, унинг замонавий -стратегик характерга эга эканлиги идентиклик социомаданий парадигманинг ўзгарувчи ва плюралистик табиати таъсирида шакилланаётгани, глобаллашув таъсирида идентиклик кўп қатламли тузилма ҳосил қилаётгани, шунингдек, у келажақда нафақат индивидуал ёки миллий, балки, гендер, фуқаровий идентикликларнинг асосини белгилаб, давлатчилик идентиклиги ва стратегиясига тамал тоши қўйиши билан белгиланади" [7, б.16]

Идентикликни яни ўзига хосликни урф-одат, анъаналарсиз, миллий ўзлигини англашсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Идентикликда ҳар бир халқнинг фалсафаси,анъаналар ва қадриятларнинг ижтимоий моҳияти, уларнинг инсон маънавий дунёқарashi,кишиларнинг турмуш тарзи орзу-умидлари,қизиқишлари ўтмиш тарихи, ҳудуди,экологяси ҳамда тафаккур тарзида мужассам бўлиб ана шу уйғунликда халқларнинг ўтмиши, бугуни ва келажагида намоён бўлади.Ушбу жиҳатлар Ўзбекистоннинг автоном республикаси ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикасида ҳам миллий ва этник хусусиятларни инobatга олган ҳолда миллий, фуқаролик, социал идентиклик (мансублик, айнанлик) омиллари орқали шакилланмоқда.

Қорақалпоқ жамият тараққиётида мазкур идентикликнинг намоён бўлиш даражаси, омиллари ва шарт-шароитлари қорақалпоқ мамлакати ижтимоий-маънавийривожига бевосита таъсир этади.

Ҳар бир мамлакат халқлари ҳаётида миллий ўзликни идентикликни англаш муҳим ўрин тутди.Чунки, бу бир томондан шу мамлакатнинг ўзига хос томонларини англашга ва билиб олишга ёрдам берса, иккинчидан, агар жамият

ўз маънавий имкониятларини, урф-одат ва анъаналарни ҳисобга олмаса "одамлар онгида маънавий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустақамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди" [8, б.5].

Ҳар қандай жамият ўзига хос структурага эга бўлиб, унинг хатти ҳаракатидаги шарт-шароитларни ишлаб чиқариш қуроллари, аҳолининг жойлашуви, иқлим, экологик вазият, сиёсий-географик омиллар, маданият ва ташқи таъсир омиллари белгилаб беради. Чунки, табиий ва ижтимоий жараёнлар қорақалпоқ хуудидида яшаб келган халқларнинг ўзига хос маданияти ва маънавий дунёсининг таркиб топишига асос бўлган. Бундай табиий тарихий шароитда шакилланган миллий қадриятлар, диний фалсафий қарашлар, ижтимоий-сиёсий, моддий-иқтисодий турмушнинг моҳияти ва хусусиятларини идентиклик доимо ўзида акс эттиради. Қорақалпоқ халқи қадриятларни минг йиллар мабойнида авлоддан-авлодга ўтказиб, ўз тарихи, маданиятининг намунаси сифатида сақлаб қолишга муваффақ бўлганлар. Зеро, қорақалпоқ халқи аждодларининг азалий ҳатти- ҳаракатлари, фикр-ўйлари, орзу ва ниятлари, интилишлари, она замин эъзози ва Ватан ғурури, ифтихори, руҳиёти, урф-одат, анъаналари, миллий ўзлиги англаши ва ҳаётнинг барча соҳалари билан боғлиқ бўлиб, қорақалпоқ халқи бугунги куни идентиклиги учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад-"Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат" [9, б. 2]

Ҳозирги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг тизимли рўёбга чиқарилиши ҳар бир соҳа ривожланишида, одамлар турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга касб этмоқда.

"Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш борасидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг концептуал гоаяларида ўз ифодасини топган: "Бу олижаноб мақсад - изчил ва барқарор ривожланаётган, эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишдан иборатдир" [1, б.134]

Ўзбекистон, бугунги кунда дунё эътибор марказида бўлиб, бир вақтлар ривожланган Европанинг бориб кўриш орзусида бўлган бўлса, ҳозирдажаҳонзамон билан ҳамнафастарзда бунёдкорлик ва иқтисодий ривожланиш йўлидан бораётган юртимизни кўришга интилмоқда. "Фақатгина халқимизнинг азму шижоати ва қудрати, букилмас иродаси ва қатъияти, энг муҳими, мустақил тараққиётга бўлган мустақам ишончи буюк мақсадларимизга эришишнинг бирдан-бир қафолатидир" [1, б.94] деб фикрни билдирди Шавкат Мирзиёев.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида Орол туфайли юзага келган экологик муаммоларга "бўйин эгмай яшаётган" бу бу эл аҳолисини азму-шижоати янги-янги зафарларни кучишга ундовини таакидлаб, бу борада "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурининг ҳаётга самарали талбиқи, биринчилардан бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасида бошланиши ҳам бежис эмас. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон халқига бўлган чексиз эътибори ва меҳри, ишончи бу худудни янада обод, янада фаровон қилиш учун олиб борилаётган кенг кўламли ишларда ўз аксини топмоқда.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва эътибори туфайли Қорақалпоғистонда Орол денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш денгизнинг шўрланган ерларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, экотизимни яхшилаш Оролнинг қуриган қисмида ўрмонлар барпо қилиш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича ҳам Қорақалпоғистонда катта лойиҳалар асосида амалий ишлар олиб борилди. Хусусан, Ўзбекистон Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича кенг миқёсдаги лойиҳаларни амалга оширди. 350 минг гектар майдонга саксувул ва шўрга чидамли ўсимликлар экилиб, бутазорлар барпо этилди. Орол денгизи инқирози оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар доирасида 500 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Уларнинг ярмидан кўпи миллий лойиҳалар ҳисобланади.

Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2018-2021 йилларда Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича Давлат дастури бу ерда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, экологик фалокат оқибатларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев Орол ҳалокатига халқаро ҳамжамият эътиборини ҳам қаратиб БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида дунё ҳамжамиятини ушбу экологик инқироз оқибатларини бартараф этиш ва ундан жабр чекаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чақирди. Ва Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудуд бўйича махсус Транс жамғармаси тузилди.

Туркманбошидаги учрашувда Орол инқирози оқибатларини юмшатиш, ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш бўйича Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамкорлигини фаоллаштириш, Оролбўйи ҳудуди учун экологик тоза технологиялар ва жорий этишга хорижий инвестицияларни биргаликда жалб қилиш масалалари муҳокамасида Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон делегациялари аъзолари, халқаро ташкилотлар ва молия муассасалари вакиллари, экология ва сув масалалари бўйича мутахассислар қатнашди. [10, б.2]

Президентимиз "Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган асли шу - Мўйноқ аҳолиси деб таъкидлади ва уларнинг ташаббуси билан Ўзбекистоннинг Хитой, Жанубий Корея, Япония, Қувайтдаги элчилари томонидан Қорақалпоғистонда йирик лойиҳалар асосида амалга ошириладиган инвестициялар ҳисобига цемент, лак-бўёқ, алюмин фольгаси ишлаб чиқарадиган заводлар ишга туширилди.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида экологик хавфсизлик масаласига алоҳида тўхталиб, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, Орол денгизининг сувсиз ҳудудларида 500 минг гектар ўрмонзор барпо этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Шу билан бирга, Мўйноқ туманида барча зарур инфратузилмага эга замонавий шаҳарча бунёд этиш вазифаси илгари сурилган эди. [11, б.2]

Бунинг натижада Мўйноқ тумани аҳолиси тоза ичимлик суви таъминланди, марказий кўчалар таъмирланди, кўп хонали турар жойлар тубдан реконструкция қилинди, кичик саноат зонаси ташкил этилиб 13 та лойиҳани рўёбга чиқариш режалаштирилган бўлиб, умумий қиймати 6 миллиард 282 миллион сўмлик 8 та лойиҳа иш бошлади. Умуман олганда, олиб борилаётган изчил ислоҳатлардан кўзланган асосий мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш орқали қорақалпоғистонни ривожлантириш уларнинг эртанги кунга ишончини

мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, амалга ошираётган туб ислохотлар натижасида ҳозирги замон тараққиёти талабларига мос келадиган ва юксак маданиятга асосланган янгича умуминсонийлашган миллий идентиклиги тамойилларини шакллантиришдан иборат. Миллий идентиклининг вужудга келиши унда фақат халқ ўтмиш тарихи ва дини, балки халқ ҳаётидаги синонвлар йўлидаги умумий манфаатлар асосидаги бирлашуви ҳам катта роль ўйнаши билан боғлиқ. Халқ умумий манфаатларга ташқи таъсирлар орқали келадиган хавф -ҳатарлар, миллат иродасини букишга қаратилган урунишлар маданияти ва миллийлигини камситилиши содир бўлаётган нотинчликлар мисол бўла олади. 2001 йилнинг 11 сентябр воқеаларини Хантингтон "Америкаликлар ўз юртига хавф-хатар, таъсир этиши мумкин бўлган нотинчликни сезар эканлар, бу идентиклик баланд даражада сақланиб қолаверди" [12, б.16]

Тарих сабогидан тўғри хулоса чиқариш, миллий идентиклик, миллий ўзликини англашдан келажакни тўғри ташкил қилиш орқали келгуси авлодларга етказиш бош мақсад бўлиб шаклланади. Хулоса қилиб айтганда, маданий идентиклик истиқлол даврида янги хусусият, иқтисодиёт, сиёсат билан бирга янги ҳаёт тарзини қайтадан бошлаган давлатлар фақатгина миллий нуқтаи назардан давлат қизиқишларини ифода этиш эмас, балки одатдан ташқари жараёнларга мослашиш ва сақланиб қолиш учун кураш вазиятида бутун тарихий, моддий ва маънавий қадриятлар нуқтаи назаридан ўз илдизларини, ўзлигини англаш, барча прогрессив ва иқтисодий силжышларга тўсқин бўлаётган, анъанавий дунёқарашга асосланган миллий тафаккур таркибидаги камчиликларни қайтадан мушоҳада қилиш эвазига замонавий дунё тараққиётига интеграциялашувдир. [13, б.14] Зеро ҳар бир халқ ҳаётида "Миллий маънавий ўзликка эга бўлиш, маданий меросни ўзлаштириш учун кураш ялпи ижтимоий ҳаракатга айланади" [14, б.32].

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б. 132, - Б.134, - Б. 94.
2. Атамуратов С. Национальная культура и национальное самосознание в процессе обновления общества. - Т.: Ўзбекистон, 1992. - С.195.
3. Борневассер М. Социальная структура, идентификация и социальный контакт // Иностранная психология. 1993. - Т.1. № 1. - С. 69.
4. Чориев А.Ч., Чориев С.А. Миллатлараро муносабатлар маданияти. - Қарши, 1993. - Б.68
5. Курбонов Т.Ҳ. Ёшларда миллий гуруринг шаклланишида маданий мероснинг ўрни. Фалсафа фан. номз. дисс. ЎзМУ. - Тошкент, 2005. -Б.13, - Б. 16, - Б.139.
6. Хрох М. Что предшествует строительству нации. Нация и национализм. - М.: Праксис, 2002. - С.128.
7. Мадаева Ш. Идентиклик антропологияси. - Тошкент: NOSHIR, 2015. - Б.25.
8. Каримов.И. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б.5.
9. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // "Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883)
10. Элмуродов М. "Халқ сўзи" Ўза муҳбири. Орол муаммосини бартараф этиш бўйича минтақавий ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда // "Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил 25 август, № 173 (7131)
11. Раҳмонов С. "Халқ сўзи" муҳбири. Мўйноққа қайноқ ҳаёт қайтмоқда // "Халқ сўзи" газетаси, 2019 йил 5 январь, № 2 (7232)
12. Хантингтон. Кто мы? Вызовы американской национальной идентичности. - М.: Транзит книга, 2004. - С.16
13. Мадаева Ш.О. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. -Тошкент:Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007. - Б.14.
14. Бекмуродов М., Куронбоев К., Тангриев Л. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. - Б.32.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Nishanbayeva Enaxon Zaripbayeva
dotsent v.b., O'zbekiston Milliy universiteti

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ
ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-10>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фуқаролик жамияти ва ижтимоий шерикликнинг ижтимоий асослари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, ижтимоий шериклик натижасида фуқаролик жамияти институтларининг давлат органларига тенг ҳамкор сифатида майдонга чиқишининг ижтимоий-тарихий аҳамияти асосланган.

Таянч сўзлар: ижтимоий шериклик, ижтимоий шериклик вазифалари, ижтимоий шериклик тамойиллари, ижтимоий шериклик қарор топтириш шартлари, секторлараро ҳамкорлик.

Нисанбаева Энаxon Зарипбаевна
и.о.доцент, Национальный университет Узбекистана

СОЦИАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА И
СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье проводится научно-теоретический анализ социальных основ гражданского общества и социального партнёрства. А также обосновывается социально-историческая значимость взаимодействия на равных условиях институтов гражданского общества и государственных структур.

Ключевые слова: социальное партнёрство, функции социального партнёрства, принципы социального партнёрства, условия установления социального партнёрства, межсекторное взаимодействие.

Nishanbayeva Enaxon Zaripbayeva
assistant professor, National University of Uzbekistan

THE SOCIAL FOUNDATIONS OF CIVIL SOCIETY AND SOCIAL PARTNERSHIP

ANNOTATION

In given article the scientific and theoretical analysis of the historical and philosophical foundations of civil society and social partnership is provided. And also the social and historical significance of the interaction of the civil society institutions and government structures on equal terms is justified.

Key words: Social partnership, social partnership functions, principles of social partnership, the conditions of establishment of social partnership, inter-sectoral cooperation.

Инсоният пайдо бўлибдики, адолатли ва эркин жамият барпо этиш орзуси билан яшаб келмоқда. Энг қадимги даврдан ҳозирга қадар қанчадан қанча аллома ва мутафаккирлар бу ҳақда бош қотирганлар, кўплаб давлат арбоблари, олиму-фузалолар одамлар аҳил ва иноқ, бахтли ва фаровон яшайдиган ана шундай ҳаёт шароитига эришиш учун ҳаракат қилганлар. Ведалар ва упанишадлар, "Авесто" ва "Ўзгаришлар китоби" каби манбалардан бошланган илк Шарқ анъанасига кўра бу мавзу олам ва одам, коинот ва инсон, адолат ва эзгулик масалалари таҳлилининг таркибий қисми бўлган. Хусусан, "Авесто"да акс этган бу борадаги бир қатор фикр-мулоҳазалар бугунги кун учун ҳам ўз қадрини йўқотмаганлиги диққатга сазовордир. Чунончи: "Қаерда икки тан бир-бирини қўлласа, ўша ерда иш юришади" , "Ўзгаларни яхшиликка йўллай олган одамнигина яхши одам дейиш мумкин", "Тангри ростгўйлар ва ҳақиқат йўлида ҳамкор бўлганларнинг нигоҳбонидир" ва ҳоказо. "Ясна"да таъкидланганидек, жамиятни, давлатни бошқариб турган раҳбар ҳамиша жамоа манфаатини ҳимоя қилиши, жамоа томонида бўлиши шарт. У ўзи мансуб бўлган одамлар гуруҳи, тоифаси билан бирга нафас олмоғи, уларнинг қувончларию ташвишлари билан яшамоғи, жамоа душманларига нафрат билан қарамоғи даркор. [1].

"Фуқаролик жамияти" тушунчасининг Афлотун ва Арастуға бориб тақалувчи қадимги Европа анъанасида у эркин ва озод, тенг ҳуқуқли, ҳамда ягона сиёсий ҳукуматга бўйсунувчи одамлар уюшмаси сифатида тушунилади. Антик даврда "фуқаролик" ва "сиёсат" тушунчалари бир хил маънода тушунилган. [2] Кейинроқ эса у давлат тушунчасига қарама-қарши қўйилган бўлса-да, асосий муаммо сифатида давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларга эътибор қаратилган. Афлотуннинг бу борадаги қарашларида давлат ва жамиятнинг ўзаро ҳамкорлиги бу одамлар қизиқишлари, худуди ва ундаги тартибнинг ҳимояси, шаклланиши ва тараққиёти, қолаверса, кундалик эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Арастуда эса давлат ва жамиятнинг ўзаро шерикликда фаолият олиб бориши давлатнинг ўзига хос ҳукмронлик ва итоаткорлик муносабатлари асосида амалга оширилиши керак бўлади. [3] Шунинг учун ҳам бу файласуфлар полис (давлат)ларнинг ўзаро ҳамкорликда тузилган муносабатларини мукамал ўрганиб чиқиб, бундай шериклик идеал назария сифатида, политиани (монархия, аристократия ва демократия белгилари чамбарчас боғланиб кетган давлат тузилмасини) мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтадилар.

Ўрта асрлар Шарқ фалсафасида алоҳида ўрин эгаллаган ислом фалсафасининг асосчиси Абу Наср Форобий эса ўзининг "Мадина ал-Фозила", "Фуқаролик сиёсати", "Бахт-саодатга эришув ҳақида"ги асарларида ижтимоий шериклик муаммосини кенг таҳлил қилган. Бу асарларда ижтимоий шериклик, эзгу ахлоқий қадриятларга асосланган, кишиларни бахт-саодатга элтувчи давлат, етук хислатлар соҳиби ва фуқаро томонидан сайланадиган бошқарувчиларга эга бўладиган жамият тўғрисида ўша давр тафаккурига таъсир кўрсатган фикрларни қайд қилади. Алломанинг ижтимоий шериклик моҳиятини излашдан мақсади - энг эзгу маънавий-ахлоқий қадриятлар, илм-фан, одамзот қадрини, онгини, тафаккурининг аҳамияти баланд бўлган жамиятни қарор топтиришдан иборат бўлган [4]. Шунингдек Форобий таъкидлашича, шаҳар, давлат ва жамиятнинг барча таркибий қисмлари бир инсон вужудининг турли аъзолари фаолияти каби, ўзаро мувофиқлашган, уйғунлашган, тартибли, тизимлашган бўлиши зарур. Табиий

мавжудотлардаги мутаносиблик шаҳар (давлат) жамиятида ҳам бўлиши зарур. Жамиятнинг барча аъзолари ҳар бири ўз мавқеидаги ишлари, ҳаракатлари билан шаҳарнинг биринчи бошлигининг (давлат, мамлакат фаровонлигини ошириш йўлида) мақсадини амалга оширишда ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Жамият адолатли қонунларга амал қилинганида, жамият ва шахс муносабатлари позитив, конструктив, ижобий бўлганида, зиддиятлар ва қарама-қаршилик минг йиллар давомида тўпланган тажриба, миллий анъана ва урф-одатларга мувофиқ ҳал этилганида шахс-камолотга, жамият-тараққиётга эришади"[5].

Абу Райҳон Беруний эса ўз асарларида ижтимоий шериклик кишиларнинг руҳий ва моддий эҳтиёжлари-жамият вужудга келишининг негизида ётишини алоҳида таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, "Эҳтиёжларнинг тури ҳам, сони ҳам кўп, уни фақат кўпчилик бўлиб бирлашган кишиларгина бажо келтира олади. Шунинг учун инсон тўп-тўп бўлиб яшашга муҳтождир". [6] Яъни одам эҳтиёжининг кўплиги, унинг ҳимоя қилиш қуролига эга бўлмаганлиги, бир-бирини ёввойи ҳайвонлардан ва душмандан ҳимоя қилиш зарурлиги, ўзини ва бошқаларни моддий таъминлаш учун бирор ишни бажариш лозим бўлганлиги туфайли ўз қариндош уруғлари билан жамиятда ўзаро бирлашишга мажбур бўлган. Шунингдек, давлатнинг пайдо бўлиши ҳам кишиларнинг зарурий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, одамлар душманлардан ҳимоя қилиниш, ижтимоий адолатли тартиб ва қоида ўрнатиш учун давлатга бирлашадилар, деган гоёни илгари суради. У "Минералогия" асарида кишиларнинг эҳтиёжлари турли-туман бўлишини, фақат кишилар мақсадли ҳамкорлиги уларни қондириши мумкин, деб ҳисоблайди.

Ибн Сино ўзининг "Ишорат ва танбихат" асарида одамларнинг ўзаро шериклик муносабатлари тўғрисида фикр юритиб, - "Инсон ўз шахсий талаблари жиҳатдан бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатдагина уларни қондира олиш мумкин. Жамоанинг барча аъзолари меҳнат билан шугулланмоқлари зарур". [7] - дейди. У жамиятда кишилар ўзаро бир-бирига ёдам боришлари асосида яшашни керак, дейди. Ибн Синонинг таъкидлашича эса, -"ўзаро ҳамкорлик ва ёрдамлашиш учун қонун ва адолат керак, қонун ва адолатнинг амал қилиши учун шундай шахс зарурдирки, у қонун ва адолат қоидаларини тартибга солиб, бажарилишини таъминлай олсин. Шу билан бирга, у одамларни юмшоқ, таъсирчан сўзлар билан қабул қилинган, ўрнатилган қонунларга риоя қилишга даъват эта олиши керак". [8] Ибн Синонинг таъкидлашича, жамият аъзоларининг ҳаммаси бу қонунларга итоат этишлари зарур. Жамиятда қонунларни бузишлар ва адолатсизликлар жазоланишлари лозим. Адолатли, фанни севувчи ақлли ҳукмдор инсонпарварлик муносабатларини адолат билан тартибга солиши лозим. Агар ҳукмдор "адолатсиз бўлса, жамият унга қарши курашни мақбул ҳисоблайди"[9].

Янги даврда Ж. Локк, Т. Гоббс, Ш.Л. Монтескье, И. Кант, Гегел, М.Фуко, Н. Бердяев каби файласуфлар ижодида фуқаролик жамияти тушунчаси мукамал таҳлил этилган ёки фуқаролик жамияти-жамият антитезиси доирасида кўриб чиқилган [10]. XVII-XVIII асрларда шаклланган назарияларда шериклик тушунчаси давлат ва фуқаролар муносабатларини мувофиқлаштирувчи самарали омиларидан бирига айланди. Бу Ж.Локк, Т. Гоббс ва И.Кант каби файласуфларнинг қарашларида айниқса яққол намоён бўлади. Жон Локкнинг асосий сиёсий асари ҳисобланган "Давлат бошқаруви тўғрисида икки трактат"да монархлар

абсолютизмини қайта қуришга йўналтирилган қарашлар илгари сурилган. Жумладан, Жон Локк биринчи трактатида сиёсий ҳукмронликнинг патриархал илдизларини рад қилган. Унинг фикрича, инсоннинг Худо олдидаги бурчи ҳам, табиат қонунарига кўра, ўзига хос инсоний сифатлар - ақл ва ирода эркинлигидан фойдаланишдан иборат бўлиши лозим.

"De Cive" ("Фуқаро") ва "Левифан" (1651й.) асарларида Томас Гоббс фуқаролик жамияти "илми" яратилган, деб айтади. Т.Гоббс илгари сурган - ижтимоий "тартиб муаммоси" ғояси социологияда марказий муаммо саналади. Унинг лойиҳаси геометрик дедуктив мулоҳазага асосланган, бирламчи тамойиллари эса ҳам механистик ҳам материалистик фалсафа билан йўғрилган. Унинг назариясига кўра, жамият инсон каби машина. Унинг қандай ишлашини тушуниш учун алоҳида деталларини аниқ тасаввур қила олишимиз лозим, бунинг учун уни энг содда элементларга бўлиб, кейин компонентларнинг ҳаракат қонуни асосида яна қайта йиғиб олишимиз керак бўлади. Т.Гоббснинг ахлоқ тамойилига кўра, кишилар давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро шерикликка ўзларининг табиий ҳуқуқларини ўрнатишни ва мутлоқ суверен ҳуқуматга бўйсуниш деб ёндашишлари лозим.

Баъзи олимлар Т.Гоббс қарашлари И.Кантнинг "ахлоқий бурч" ҳақидаги тасаввурига яқин деб ҳисоблайдилар. И.Кантнинг дастлабки асарларидан бири "Умумий тарих ғояси бутунжаҳон - фуқаролиги миқёсида"да давлатнинг келиб чиқиши ва идеал фуқаролик жамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар юритади. Бундаги қатъий императивни - "шундай қилгинки, токи сенинг ҳатти-ҳаракатларинг умум ахлоқ қонуни намунаси сифатида қабул қилинсин" ёки "ўйлаб кўр, агар ҳамма ҳам худди шундай йўл тутса, нима бўлади" каби иборалари билан таърифлаш мумкин. Шунинг учун ҳам кейинчалик Н.А.Бердяев ҳам "Эркинлик - бу инсонни ташқи тарафидан эмас, балки ички ҳолати, руҳига қараб таърифламоқ ёки таъриф бермоқни билдиради. Инсоннинг руҳияти ва маънавияти ҳақиқий эркинликдир. Инсоннинг мавжуд руҳиятини инкор қилиш эркинликни инкор қилишдир"[11] деб ёзган эди. Т.Гоббсдан фарқли Кант "умумий", яъни умуминсоний - фуқаролик жамияти ҳақида гапиради [12]. У Ердаги бутун аҳолини қамраб олади. И.Кант нафақат алоҳида халқ ва давлатлар учун ички сиёсий муносабатлар балки, муваффақиятга асосланган ташқи сиёсий муносабатларга эришишлари учун ўзаро шериклик муносабатлари яратилади, деб айтади, "у ҳам фуқаролик жамияти каби, автоматик ишлаб, мустақил мавжуд бўлади". И.Кантнинг бу ғояси унинг "Назария учун тўғри келсада, амалиёт учун яроқсиз" (1793) мақоласида ва махсус йирик трактати "Мангу оламга" (1795) каби асарларда кенгайтирилган ҳолда давом эттирилади.

Бу қарашлардан маълум бўладики, ижтимоий шериклик тизими анъанавий жамиятда кўп асрлик маданий анъаналарга, миллий қадрият ва бой маънавиятга эга халқларнинг ахлоқий нормаларига кириб борган, уларнинг ўзаро шерикчилигига оид баҳсли масалаларда муроасага эришишга йўналтирилган. Бу жараёнда эса нафақат ўзаро шерикчиликка асосланган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан, балки мавжуд бўлган анъаналар билан ҳисоблашиш керак бўлади. Шунинг учун ҳам Вебер "Ижтимоий муносабатларни рационал асосларини белгилловчи ижтимоий тартиб, дуалистик хусусиятига эга. Чунки у бир томондан у индивидлар учун объектив бўлади, шунинг учун уларнинг ҳатти-ҳаракатларининг бош назоратчиси ҳисобланади. Иккинчи томондан эса у "мақсадли иттифоқ" иштирокчиларининг бир қатор кўрсаткичлар бўйича ўзаро

розилиги натижасидир, бундай ижтимоий шерикликнинг ўрнатилиши ва узоқ муддатли бўлиши томонларнинг ўзаро мақсадли ва манфаатли фаолияти билан белгиланади" [12] деб таъкидлайди.

Ижтимоий шериклик, ижтимоий тартибнинг моҳиятан ўзаро келишувга асосланган шакли бўлиб, унинг янгича маъно-мазмунга эга бўлиши кескин вазиятларида ҳам интеграциялашган яхлитлигини сақлаб қолишни талаб этади. Чунки ўз даврида Т.Парсонс ҳам "Ижтимоий шерикликни таъминлашда мақсадларнинг институаллаштирилган шакли, моҳиятан шерикликнинг барқарор моделлари ҳисобланади ва ижтимоий тизим асосини ташкил этади"[14] деб ёзган эди. Шубҳасиз, ижтимоий шериклик принципларини амалиётга татбиқ этиш - мураккаб вазифа. Бу жараён залворли натижаларга олиб келади: жамиятнинг қутбларга бўлиниши барҳам топади, жараённинг барча иштирокчиларида фаоллик ошади, сиёсий ва ижтимоий барқарорлик кучаяди, тараққиёт учун мустаҳкам асос яратилади.

Бундай фундаментал мақсадларга ўз-ўзидан эришилмайди ва бу борада муайян тажриба тўплангани юқоридагилардан кўриниб турибди. Тарихий нуқтаи назардан дастлабки шериклик субъектлари икки томонни ташкил этади: ишчи ва иш берувчи (ишлаб чиқариш воситаси эгалари). Бундай икки томонлама шериклик кейинчалик "бипартизм" номини олди. Шундан сўнг шериклар таркиби сезиларли даражада ўзгарди, чунки музокаралар жараёнида давлат ҳам иштирок эта бошлади. Натижада юзага келган уч томонлама шериклик "учпартизм" (трипартизм) деб номланди. Уч томонлама келишув модели Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конвенциясида 144-рақам билан белгилаб қўйилган [15]. Мазкур конвенцияга кўра давлатлар ҳам ўзаро ижтимоий шерикга айланадилар ва ишчилар ҳамда иш берувчилар уюшмалари билан бир қаторда умуммиллий шериклик-келишув шартномаларини имзолайдилар. Ниҳоят, ижтимоий шериклик субъектлари таркиби янада мураккаблашди - кўп даражали шериклик жорий этилди. Бу эса учпартизм принципига нафақат умуммиллий даражада, балки тармоқ ва корхона даражасида ҳам амал қилиниши лозимлигини билдирарди.

Ушбу ижтимоий шериклик механизмнинг бош элементи томонлар ўртасидаги музокара жараёнидир. Бу шу қадар муҳимки, қолган элементлар ўз моҳиятига кўра фақат унга хизмат қилиб, самарадорлигини оширади, холос. Механизмнинг кейинги элементи шерикларнинг позицияларини аниқлаш ва мувофиқлаштириш технологиясидир. Бунга мисол қилиб шериклар манфаати ва муносабатини аниқлашга хизмат қиладиган "нуқта"ларни топиш учун махсус комиссиялар тузишни санаб ўтиш мумкин. Механизмнинг яна бир муҳим элементи - шерикларнинг умумий шартномага киритадиган талаб-таклифларини баҳолаш ва таҳлил қилиш мақсадида ўтказиладиган экспертизадир. Ниҳоят, бу механизмда унинг самарадорлигини таъминлаб туриш учун арбитраж вазифасини бажарадиган элемент ҳам ўз ўрнини топиши керак. Юқорида санаб ўтилган элементлар бир тизимга бирлашган ҳолдагина шерикликнинг бош мақсади бўлган ижтимоий барқарорлик ва тинчликни таъминлай олади. Айни шу маънода, ижтимоий шериклик меҳнат муносабатлари нуқтаи-назардан жамоа шартномалари иш берувчилар ва ходимлар вакили бўлмиш касаба уюшма қўмиталари ўртасида имзоланган муҳим лоқал ҳужжат сифатида янгича маъно-мазмун касб этмоқда. Касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ҳам айнан ижтимоий шериклик тамойиллари ташкил этади.

Ижтимоий шериклик тизимининг бугунги босқичидаги асосий элементлардан бири унга эришишнинг стратегия ва тактикасидир. Бу эса ижтимоий-иқтисодий мақсадга эришишнинг узоқ муддатга мўлжалланган йўналишини, яъни стратегияни кўзда тутишни ҳамда унга эришишнинг тактикасини англатади. Ижтимоий шериклик тизимининг тўртинчи элементи уларнинг механизмидан иборат. Бу таркибий қисм шунчалар муҳим ва ўзига хоски, алоҳида кўриб чиқишни тақозо этади. Ниҳоят, замонавий ижтимоий шериклик тизимининг бешинчи элементи сифатида шерикларнинг маданияти ва ахлоқини қайд этиб ўтамыз. Бу тушунчалар ортида шерикларнинг бир-бирига ҳурмат билан қараши, ҳалоллиги, ишончи, юксак масъулияти ётади ва уларсиз жамиятда ҳақиқий шерикликни амалга ошириб бўлмайди.

Ижтимоий шерикликнинг тарихий тараққиётига эътибор қаратсак, у дастлаб ривожланган Ғарб мамлакатларида легитимлаштирилганлигига гувоҳ бўламыз. Чунки дастлаб шериклик касаба уюшмалари ташаббуси билан юзага келган ва асосан, ташкилотлар ҳамда касаба уюшмалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида шаклланган. Кейинчалик шерикликнинг доираси кенгайиб, ташкилот доирасидан йирик субъектлар ҳамкорлигига нисбатан татбиқ этиш амалиёти юзага келди. Ижтимоий шериклик натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ёки унинг муайян органига тенг ҳамкор сифатида майдонга чиқади. Бундай ҳамкорлик инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга йўналтирилади ва бундай муносабатларда давлат нодавлат нотижорат ташкилотига ёрдам, кўмак берувчи субъект сифатида етакчи мавқеда турган бўлса, бугун нодавлат ташкилотлар давлатнинг тенг ҳамкорига айланмоқда. Бу уларнинг бугунги жамият ҳаётидаги роли ва ўрнини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз. Ҳозирги кунда бу моделлар жаҳонда кенг тарқалган ёлланма ишчилар ва иш берувчилар ўртасида давлатнинг бевосита ёки билвосита иштироки билан ижтимоий-меҳнат муносабатларининг тартибга солиниши кўринишидаги ижтимоий субъектларнинг ўзаро таъсир жараёни - индивидлар ёки ижтимоий гуруҳларнинг эҳтимолли низоларни ҳал этишга ёрдам бермоқда. Бунги кунда хориж амалиётида ижтимоий шериклик турли шаклларда намоён бўлаётганлигини кўриш мумкин. Кўпгина илмий адабиётларда ижтимоий шерикликнинг Герман (Австрия, Германия, Швейцария), Скандинав (Швеция, Норвегия, Дания) ва америка (АҚШ, Англия) моделлари ҳақида сўз боради.

Мазкур масалани ретроспектив нуқтаи назардан ўрганиш ҳозирги даврда ушбу соҳага оид адабиётларда ижтимоий шерикликнинг қуйидаги уч модели алоҳида қайд этилишидан далолат беради:

1. Мослаштирилувчи модель. Ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда тадбиркорлар уюшмалари ва давлат билан бирга касаба уюшмалари ҳам иштирок этади. Бу модель учун жамоавий-шартномавий жараённинг юқори даражали марказлашуви хос.

2. Аксилкасаба уюшмавий модель. Ижтимоий соҳада қарорларни қабул қилиш жараёнида касаба ташкилотлари ролини боқичма-босқич камайтириб бориш, бунда жамоавий-шартномалар самарадорлигининг пастлиги сабаб қилиб кўрсатилади.

3. Плуралистик модель. Жамоавий музокаралар номарказлаштирилади ва алоҳида корхоналар, баъзан эса уларнинг филиаллари даражасигача туширилади.

Биринчи модель Скандинавия, Австралия, Нидерландия, қисман - Германия ва Швейцария; иккинчиси - Франция, Италия (1950 й.); учинчиси - Буюк Британия, Канада ва Японияга характерли ҳисобланади.[16].

Шимолӣ Европа мамлакатлари - Швеция, Финляндия, Норвегия, Бельгияда кенг тарқалган моделга кўра давлат меҳнат муносабатларида ва уларни бошқаришда фаол қатнашади. Бундан ташқари, мазкур моделда умуммиллий, тармоқ ва корхона-муассаса даражасидаги шерикчилик муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Бельгияда умуммиллий даражада меҳнат бўйича миллий кенгаш фаолият юритади. Унга ҳар уччала ҳамкор ҳисобидан тенг сонли иштирокчилар киритилган. Давлат қонунчилик вазифасини ўз зиммасига олади. Тармоқ даражасида эса "паритет комиссиялар" тузилади. Корхона-муассаса даражасида масалалар икки томонлама, яъни иш берувчи - касаба уюшмаси муносабатлари асосида кечади. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, айнан мана шу шерикчилик туфайли жамиятда ижтимоий барқарорлик сақлаб қолинмоқда.[17]

АҚШ, Канада, Япония ва Лотин Америкаси мамлакатларида ижтимоий шерикчилик корхона-муассаса даражасида амал қилиши билан ажралиб туради. Бунда иш берувчилар бирлашмалари, худди касаба уюшмалари сингари, ўз вакиллари орқали қонун тузиш жараёнига, шу орқали ижтимоий шерикларга ўз таъсирларини ўтказишга уринадилар.[18] Германия, Австрия, Голландия, Швейцария каби давлатларга хос моделни биринчи ва иккинчи моделларни боғловчи ҳалқа сифатида тасаввур этиш мумкин. Бу моделда асосий эътибор тармоқ даражасига қаратилади. Бутун мамлакат миқёсида уч томонлама келишувлар қабул қилинмайди, балки мажбурий бўлмаган маслаҳатлар билан кифояланилади. Асосий музокара жараёни эса тармоқларда кечади. Корхоналарда жамоа шартномалари тузилмайди. Корхона тармоқ шартномасига амал қилади ва унинг талабларини бажаради. Бундай моделни татбиқ этишнинг шакллари билан бири "намунавий" шартномадир. Мисол учун, Германия саноатидаги "JG Metall" компаниясининг шериклик шартномаси узоқ вақт бутун немис иқтисодиёти учун намуна вазифасини ўтаб келган. [19]

Умуман олганда, Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари даражасида ижтимоий шерикчилик фаол ривожланмоқда. ЕИ уч томонлама моделини қўллаб келяпти. Хусусан, 1992 йили Маастрихт шаҳрида ЕИ ижтимоий шериклари томонидан (Буюк Британиядан ташқари) имзоланган ҳужжатда иттифоқ ўзининг чоратадбирларини мувофиқлаштириш мақсадида иш берувчилар ва ишчилар вакиллари шериклар сифатида эътироф этди. [20]

Уч томонлама (трипартизм) модели 1995 йилда Копенгаген шаҳрида, БМТ шафелигида ўтказилган ижтимоий тараққиёт мавзусидаги йиғилишда ҳам маъқулланган. Мазкур анжуманда ижтимоий тараққиётга ёлғиз бозор механизмга таянган ҳолда эришиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда қашшоқликка қарши кураш ва иш билан таъминлаш асосий вазифалар сифатида белгилаб олинган. [21] Шу нуқтаи-назардан ҳам шахс, жамият ва давлат муносабатларини мустақамлашга хизмат қилувчи ижтимоий шерикчилик тизими маҳаллий қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўлланиш амалиётини, шу жумладан, чет мамлакатлар қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўлланиш амалиётини (Франция, Бельгия, Италия, Германия, Жанубий Корея, Япония, Канада, Буюк Британия каби давлатлар тажрибасини), шунингдек, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни атрофича таҳлил қилиш асосида янада ривожлантириб борилса мақсадга мувофиқ

бўлади. Дарҳақиқат, бизга маълумки Франция ва Германияда жойларда ижтимоий шериклик лойиҳаларини режалаштириш, мувофиқлаштириш, амалга ошириш ва молиялаштириш учун масъулиятнинг катта қисми ҳудудий, округ ва муниципал таълим (ўзини ўзи бошқариш органлари) зиммасига юклатилган бўлса, Япония ва Корея Республикасида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ННТлар орасида ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган турли дастур ва грантларни эълон қилишни кўзда тутувчи танловларни ўтказиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган. Ушбу моделларнинг асосий мақсади жамиятда ижтимоий келишув ва мувозанатни қарор топтириш бўлса-да, самарадорлик кўрсаткичи бўйича улар бир-биридан фарқ қилади. Э.Дюркгейм фикрича, "Тартиблаган фуқаролик жамиятининг бош қуроли - бу фаолият турлари, ижтимоий вазифаларни адолатли бўлиб беришдан иборатдир, натижада ижтимоий омилларга муваффақиятли ва самаралироқ фаолият олиб боришга имкон беради" [22]. Ўз навбатида бу турли вазифаларни бажарадиган субъектлар муружаати учун ижтимоий алоқалар, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтириш заруратини келтириб чиқаради. Хусусан, Герман модели учун ижтимоий шериклик демократияни мустаҳкамлаш, меҳнат муносабатларини тинч йўл билан ҳал қилиш, ижтимоий кескинликларнинг олдини олиш воситаси бўлса, скандинав моделида ижтимоий фаровонлик кўрсаткичи ҳисобланади. Америка модели учун эса иқтисодий ўсишни таъминлаш устуворлик қилади. Австрияда ижтимоий шериклик маслаҳат кенгашлари ва қўмиталарининг филиаллари, умуммиллий ва тармоқлар бўйича эса тенглик асосидаги комиссиялар орқали амалга оширилади [23].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилганлар ижтимоий шериклик ғоясининг жаҳон тажрибасига доир узоқ йиллик ривожланиш ва такомиллашиш тарихи давомида катта тажриба тўплангани ва ундан турли мамлакатларда хилма-хил йўсинда фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради. Мазкур ғоялар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлаш учун бугунги кундаги фаол амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бу борада ижтимоий шериклик бутун дунё мамлакатлари ҳаёти учун умуий тамойил, яъни тинчлик ва барқарорликни шакллантиришга хизмат қилувчи сиёсий ва иқтисодий муносабатлар йиғиндиси сифатида намоён бўлмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. "Авесто". Тарихий-адабий ёдгорлик. - Тошкент, 2001.
2. Аристотель. Политика. ('Теория власти') Пер. с греч., предисл. и послесл. С.А. Жебелева. Примечания и комментарии А.И.Доватура - М: Академический Проект 2015. - 318 с.
3. Бляхман Б.Я. Гражданское общество: некоторые вопросы становления и развития. Монография. - Кемерово: Кузбассвузиздат, 2005. - 204 с.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: Мерос, 1993. - 210 б. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. - Тошкент: Ёзувчи, 2001. - Б.98.
5. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. - Тошкент: Ёзувчи, 2001. - 98 б.
6. Абу Райхон Беруний. 100 хикмат. - Тошкент: Фан, 1999. - Б.19.
7. Абу Али ибн Сино. Логика. Избранные произведения том, 1 Душанбе, "Ирфон" 1980, Стр 69-103.
8. Болтаев М. Абу Али Хусайн ибн Синонинг фалсафий-ижтимоий таълимоти. - Бухоро. 2001. - Б.17.

9. Ибн-Сина. Даниш-намэ. Книга знания. - Сталинабад: Тадж. Гос. изд-во, 1957. - 280 с.
10. Мартыненко В.В. Гражданское общество. От политических спекуляций и идеологического тумана к социальному знанию и осознанному выбору.-М. Академия 2008. - 352 с.
11. Бердяев Н.А. Самопознание. Опыт философской автобиографии. Вступ. ст., примеч. Чумакова С./. Серия: "Великие мыслители" - М.: Мир книги, 2006. - 416 с
12. Кант И. Сочинения. Т.5.Ч.1. Метафизика нравов. М. КАНОН+ ОИ `Реабилитация` 2014. - 1120 с.
13. Вебер М. Хозяйство и общество / пер. с нем.; под научн. ред. Л. Г. Ионина. - М.: Изд-во ГУ ВШЭ, 2010. - 456 с.
14. Парсонс Т. О структуре социального действия. - М.: Академ. Проект, 2002. - 880 с
15. http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/fr?NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312289:NO
16. Витко, Ф. П. Социальное партнерство: учеб.-метод. комплекс / Ф.П. Витко. - Минск : Гист БГУ, 2008. - 184 с.
17. Каргалова М.В. От социальной идеи к социальной интеграции. Становление социальной политики Европейского Союза. - М.: Интердиалект, 1999. - 318 с.
18. Семигин Г. Социальное партнерство в современном мире. - М.: Мысль, 1996. - 200 с.
19. Социальное партнерство: социальная трансформация институтов и практик. Сборник статей и материалов Международного казанского научного форума (19-20 октября, г.Казань). Под ред. А.Г. Большакова. - Казань КГУ 2013. - 320 с.
20. Каргалова М.В. От социальной идеи к социальной интеграции. Становление социальной политики Европейского Союза. - М.: Интердиалект, 1999. - 318 с.
21. Семигин Г. Социальное партнерство в современном мире. - М.: Мысль, 1996. - 200 с.
22. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. /Пер. с франц. Гофмана А.Б.; Примеч. Сапова В.В./. Серия: "История социологии в памятниках". - М.: Канон 1996. - 432 с.
23. Модель, И.М., Модель, Б.С. Власть и гражданское общество в России: от социального взаимодействия к социальному партнерству. - Екатеринбург: Уро РАН, 1998. - 240 с.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Олимов Фурқат Хошимович
ўқитувчи, Ўзбекистон Миллий университети

**ИНСОН КАПИТАЛИ НАЗАРИЯСИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНГА ТАЪСИР
ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада инсон капитали тушунчаси, унинг вужудга келиш тарихи, гарб олимларининг мазкур назария хусусида фикрлар, мамлакатда иқтисодий барқарор ривожланишга эришишда инсон капиталининг ўрни ва ролига оид масалалар ўрин олган.

Калит сўзлар: инсон капитали, иқтисодий барқарорлик, ижтимоий-иқтисодий фаоллик, меҳнат самарадорлиги, тадбиркорлик, таълим-тарбия.

Олимов Фурқат Хошимович
преподаватель, Национальный университет Узбекистана

**СТАНОВЛЕНИЕ И ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ТЕОРИЮ
ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА**

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы, касающиеся понятия человеческого капитала, истории его возникновения, мнения западных ученых об этой теории, роли и роли человеческого капитала в достижении устойчивого экономического развития в стране.

Ключевые слова: человеческий капитал, экономическая стабильность, социально-экономическая активность, производительность труда, предпринимательство, образование.

Olimov Furqat Khoshimovich
lecturer, National University of Uzbekistan

**THE EMERGENCE OF HUMAN CAPITAL THEORY AND FACTORS
INFLUENCING IT**

ANNOTATION

The article deals with the issues related to the concept of human capital, the history of its origin, the views of Western scientists about this theory, the role and role of human capital in achieving sustainable economic development in the country.

Key words: human capital, economic stability, social and economic activity, labor productivity, entrepreneurship, education

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши бевосита мана шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг билими ақлий салоҳияти касбий кўникмаларига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2019 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳозирги кунда инсон капиталига бўлган муносабат ва инсон капиталига инвестиция киритиш жамият ҳаётининг барча жабҳалари учун муҳимлиги шунингдек 3 ёшдан 22 ёшгача бўлганларга таълим тарбия бериш орқали киритиладиган инвестиция 14 баробардан кўпроқ бўлиб қайтиши ҳақида фикрлар билдириб ўтди[1].

Инсон капиталининг замонавий неоклассик назарияси 1950-1980 йилларда Гэри Беккер, Джордж Минцер, Теодор Шульц, Бартон Вейсброт, Б. Л. Хансен ва бошқа иқтисодчи ва социологлар томонидан яратилди ва ривожлантирилди. Назария ҳақида илк бор 1960 йилда Теодор Шульц эълон қилди. 1962 йил октябрь ойида "Journal of Political Economy" журнали "Инсонга инвестиция"[2, б.317] номи қўшимча номерни нашрдан чиқарди. Шу даврдан буён мазкур назарияга бағишлаб ёзилган материаллар сони доимий кўпайиб келмоқда.

Инсон капитали назарияси бўйича илк дарслик 1963 йилда Т.Шульц томонидан нашрдан чиқарилди[3]. Мазкур назариянинг тарихий илдизлари XIX-XX асрнинг Адам Смит ва Уильям Петти, Карл Маркс, Джон Стюарт Милль, Генри Сиджвик, Альфред Маршалл, Генрих Рошер, Уильям Фарра, Эрнст Энгель, Теодор Витстейн каби бошқа кўплаб иқтисодчи ва файласуфларнинг изланишларига бориб тақалади.

Куйида бир қатор олимларнинг инсон капитали тушунчасини очиб беришга қаратилган фикрларини кўриб ўтсак. Жумладан, А.Смит мазкур масала бўйича "фойдали меҳнат унумдорлигининг ўсиши энг аввало ходимнинг чаққонлиги ва салоҳиятининг ошишига ундан кейин эса у ишлатаётган машина ва ускуналарнинг яхшиланишига боғлиқ бўлади"[4, б. 490] деб айтган. Унинг фикрича асосий капитал машиналар ва бошқа меҳнат қуроллари, иншоатлар, ер ва "барча аҳоли ва жамият аъзолари томонидан орттирилган ва фойдали қобилиятлари"дан иборат бўлади.

Джон Стюарт Милль: "Инсонни ўзини... мен бойлик сифатида кўрмайман. Лекин унинг меҳнат натижасида восита сифатида орттирилган қобилиятларини айнан шу категорияга киритган бўлардим" ва яна "Мамлакат ишчиларининг салоҳияти, қуввати ва бардошлилиги ҳам унинг машиналари ва бошқа ишлаб чиқариш қуроллари каби бойлиги ҳисобланади"[5, б.139] деган фикрни келтириб ўтади. Яъни Д.Миллнинг фикрига кўра, бойлик фақатгина моддий кўринишга эга бўлмасдан балки инсоннинг йиллар давомида орттирган билим ва тажрибага ҳам бойлик сифатида қараш керак бўлади.

Нидерландиялик иқтисод назарияси бўйича етук мутахассислардан бири Марк Блауг шундай деган: "Инсон капитали концепцияси, ёки инсон капиталининг тадқиқот дастури ғояси шундаки инсон ўзига манбаларни турли йўлларга - нафақат жорий эҳтиёжларни қондириш, балки келгусида олиб келиши мумкин пул ва пул билан боғлиқ бўлмаган даромадлар учун харажат қилади. Улар ўз соғлигига сармоя қилишлари, ихтиёрий равишда қўшимча таълим олишлари, таклиф қилинган биринчи ишга рози бўлмасдан максимал даромад келтириши мумкин ишни излашга, бўш иш ўринлари ҳақида маълумотга олишга, иш излаб бир

худуддан иккинчи худудга кўчишга,... ва ҳоказоларга ортиқча харажат қилишади"[2]. Олим бу билан инсон капиталига киритиладиган сармоя миқдори оошиб борган сари инсонлармеҳнат бозорига ўзларига шунчалик даражада юқори нарх белгилашга интилишлари ортиб бориши ҳақидаги гоияни илгари суради.

Инсон капитали бу - инсоннинг кўплаб шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида қўлланиладиган билим, кўникма, тажрибалар мажмуасидир. Бу атамани илк бор Америкалик иқтисодчи-социолог Теодор Шульц ва унинг издоши Гэри Беккер томонидан XX асрнинг 60 йилларида қўлланилган. Инсон ҳатти-ҳаракатларига иқтисодий ёндошув назарияси илгари сурилди ва инсон капиталига сармоя киритиш самарадорлиги асослаб берилди. Инсон капитали назарияси асосларини яратгани учун Теодор Шульц 1979 йилда ва Гэри Беккер 1992 йилда халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланишган[7].

XX асрнинг машҳур иқтисодчиларидан бири Чикаго университетининг иқтисод ва социология фанлари профессори Гэри С. Беккер 1992 йилда "инсон ҳатти-ҳаракати ва ўзаро таъсири шунингдек ноиқтисодий хулқининг бир қатор жиҳатлари микроиқтисодий таҳлил соҳасига тарқалиши таъсири" назарияси ишлаб чиққан.

Гэри Беккер ва унинг издошлари ижтимоий масалаларни ўрганиш жараёнида фаолиятнинг ноиқтисодий соҳалари: дискриминация, таълим, никоҳ, оилани режалаштириш, иррациональ ва альтруистик хулқ, диний фаолият ва гоийвий жараёнларни иқтисодий ёндошув орқали тадқиқ қилишга уриниб кўрдилар. Инсон капитали назарияси ривожига Беккернинг Чикаго университетидаги ҳамкасблари ҳам жуда катта ҳисса қўшдилар.

Иқтисодчилар одатда ишлаб қақаришнинг уч омилини эътироф этишади: ер, меҳнат ва жисмоний капитал. 1960 йиллардан бошлаб асосий диққат меҳнат сифатига қаратилди, жумладан ишчи кучининг билим ва касбий тайёргарлик даражасига эътибор қаратилди. Шундай қилиб ўзида шахсий иқтисодий ва ижтимоий наф келтирадиган инсонларнинг билим, кўникма ва бошқа хусусиятларини ўз ичига олган инсон капитали концепцияси вужудга келди. Тажриба ва салоҳият кўпроқ ўқиш ва ишлаш жараёнида шаклланади, лекин шу билан бирга табиат томонидан берилган Деҳқон орқали ҳам белгиланиши мумкин. Инсоннинг айрим ҳатти-ҳаракатлари ва ҳаракатга ундовчи омиллари, шунингдек унга тегишли бўлган жисмоний, эмоционал ва руҳий соғлиқ кабилар ҳам инсон капитали сифатида эътироф этилиши мумкин.

Дастлаб инсон капитали дейилганда инсоннинг ишлаш салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган таълим ва касбий кўникмаларга сармоя киритиш тушинилган. Ўтган 50 йилдан ортиқроқ вақт давомида бу тушинча моҳияти анча кенгайди. Жаҳон банки экспертларининг қилган сўнги ҳисоб китоблари инсон капитали истеъмолчи ўз ичига оилаларнинг ва давлатнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, соғлиқни сақлаш, маданий эҳтиёжларини қондиришга ажратадиган харажатлардан иборат бўлади[8, б.23-42].

Инсон капитали қуйдагича тавсиф қилинади:

1. Индивидуал инсон капитали;
2. Ташкилотнинг инсон капитали;
3. Миллий инсон капитали.

Билим, кўникма, салоҳият ва шунингдек инсонга шахсий, ижтимоий ва иқтисодий манфаат келтирадиган инсоний хусусиятлар.

Инсон капитали назарияси моделари инсон капиталига инвестиция киритиш келажакда унинг иқтисодий аҳволи яхшиланишини самарадорлигини назарий даражада баҳолаш имкониятини беради. Бунақанги сармоя киритишнинг турлари жуда хилма хил бўлиши мумкин. Бевосита сарф – китоблар, ўқиш учун пул тўлаш, стипендия ва ҳар хил тўловлар кўринишида бўлади. Билвосита сарф – ўқиш давомида олинishi мумкин бўлган даромадни бой берилиши.

Бевосита сармоя- бу келгусида олий маълумоти бўлмаган ходимга қараганда кўпроқ иш ҳақи оқимидир. Билвосита сармоя – бу қўшимча ишончли даромад, келажакда кўтарилиш имкониятлари, ижтимоий таъминот нисбатан юқори бўлган социал ва ижтимоий мақом каби малакали ходимга бериладиган қўшимча номдодий фойдалардир. Таълим асносида тўпланган инсоний сармоя, шунингдек иш давомида орттирилган кўникмалар келажакда иш ҳақини потенциал ўсиши ёки янада нуфузли иш ўрнига эга бўлиш учун яхши имконият.

Инсон капитали назарияси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришда ишчини иш фаолиятидаги иш самарадорлигига қараб иш ҳақи фарқланади. Малакали ишчиларни иш самарадорлиги унумли бўлади ва шунга кўра иш ҳақи ҳам ўз-ўзидан кўп бўлади. Инсон капитали назариясининг аксиёмаси эса таълим олишга сармоя киритиш фақатгина катта миқдордаги иш ҳақи билан таъминлангандагина мақсадга мувофиқ бўлади.

Олий маълумотли мутахассислар тушум ёки иш ҳақи "капиталлашган тушим" бор, таълим муассасида ўқиш давомидаги ставка фоизига қараб йиғилади. Шу тариқа айтиш мумкинки мутахассисни йиғилган иш ҳақи икки қисмга бўлинади. Асосий иш ҳақи бу мутахассиснинг шу йилги ишга сарфлаган меҳнатининг мукофоти. Қўшимча иш ҳақи бу ўтган йиллари ишдаги ўқишга сарфланган меҳнатининг мукофоти.

Билим ва салоҳият асносида қурилган "инсон капитали" кенг қамровли ўлчаш ва аниқлаш, инсон характери ва табиатан берилган иқтидори эвазига ўз натижасини, билим эгаллашни киргизган ҳолда янада ёрқинроқ кўрсатиш кучига эга.

Инсон бутунумри давомида кўникма ва билимни ўзлаштириш имконига эга. Умри давомида тўғридан тўғри билим олиш нафақат катталарни мутахассис қилиб тайёрлаш, балки мактаб ёшидан бошлаш назарда тутилади. Инсон капитали кўйидагилар билан шаклланади:

1. Оилада билимга эътибор яъни ёшлиқдан ўқитиш;
2. Расмий билим ва касбий тайёрлов, боғча ёшидаги билим, мактаб ёшидаги билим, касбий билим ёки умумий мажбурий билим, олий таълим, катта ёшдагиларни ўқитиш ва х.к.
3. Иш жойидаги махсус таълим, ҳамда ахборот камуникация таълими, бевосита иш жараёнидаги малака ошириш таълими ва изланишлар натижасида олинган билим.
4. Иш жараёнида норасмий ахборот олиш ва яшаш давомида, оддий ҳаётда орттилган тажриба.

Инсон капитали кенг қамровли тушунча. Тажриба ва компетенция умумий бўлиши мумкин (масалан ўқиш, ёзиш ва гапириш) ёки юқори даражадаги билим. Билим ва кўникмани аксарият қисми ҳеч қандай хужжатда қайд этилмаган ёпиқ ҳолда бўлади. Бу қандайдир қийинчилик туфайли хужжатларни стандарт тасдиқланмаганлиги ёки умуман тасдиқдан ўтмаганлиги. Қанчалик ёпиқ ва ноаниқ

ҳолда олинган билим, шунчалик малака алмашишда қийинчилик туғдиради. Lundvall ва Johnson (1994) Билимни тўрт тоифали тавсиф қилишган[9, б.176]:

1. Нимани билиш: билимга аниқ факт орқали интилиш;
2. Нима учун билиш: билимга принцип ва табиат қонунларига асосланиб ёндашиш, инсон тафаккури ва жомоа бўлиб ўрганиш;
3. Қандай билиш: тажрибага суяниш;
4. Кимни билиш: Социал лаёқатига қараб ҳар қандай гуруҳга кирувчи инсонлар билан фикр алмашиш.

Жисмоний капиталдан фарқли равишда инсон капитали одамларда шаклланган бўлади. Инсон капитали бу - ҳар бир инсонда мавжуд бўлган билим, тажриба ва кўникмалар заҳирасидир. Унга сармоя эса таълим, ишлаб чиқариш амалиётининг ошиб бориши, соғлиқни сақлаш, географик ҳаракатчанлик, ахборот излаш қабилар кўринишида амалга оширилади.

Инсон капитали қўйидаги хусусиятларга эга:

1. Замонавий иқтисодиёт шароитида у бошланади ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий тенденцияларини аниқлаш.

2. Унинг шаклланиши инсондан талаб қилади ва бутун жамият муҳим ва ортиб бораётган харажатларга эга.

3. Инсон капитали билим, кўникма шаклида, тажриба тўпланиши мумкин.

4. Унинг тўпланиши билан рентабеллик ошади фаол меҳнат фаолиятининг юқори чегараси (фаол) билан чегараланган маълум чегарага қадар меҳнат ёши) ва кейин кескин камаяди.

5. Инсон инвестицияларининг табиати, тузилиши капитал тарихий, миллий, маданий хусусиятлар ва анъаналар билан белгиланади.

6. Инсон капиталига инвестициялар унинг эгасига юқори даромад келтириши керак. Тажрибали ишчилар юқори чегарага эга ҳосилдорлик ва кўпроқ пул ишлаш. К.Маркс шундай деб ёзган эди: "юқори қийматга эга бўлган иш кўпроқ мураккаб иш... бундай меҳнатнинг намойиши мавжуд, таълим юқори харажатларни талаб қилади, ишлаб чиқариш кўпроқ иш вақти ва шунинг учун оддий ишчи кучига қараганда юқори нархга эга. Агар бу кучнинг қиймати юқори бўлса, унда у ўзини намоеън қилади, лекин юқори ишда намоеън бўлади ва шунинг учун тенг вақт оралиғида нисбатан юқори нархларда намоеън бўлади" [10, б.110-113]

7. Умуман олганда, юқори даромад инсон танловини кенгайтиришга ёрдам беради, аммо таъсир бу даромад ошгани сайин заифлашади. Бошқача айтганда, бу эрда инсон тараққиёти учун "даромаднинг камайиб бориши" тамойили амал қилади.

8. Инсондаги капитал қўйилмалар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан жуда муҳим, узоқ вақт ва интеграл хусусиятга эга таъсири. Илгари инсон инвестициялар қилинган капитал, тезроқ қайтиб беришни бошлайдилар.

9. Инсон капиталидан фойдаланиш ҳар доим ривожланиш учун инвестиция манбасидан қатъи назар, шахснинг ўзи томонидан назорат қилинади.

10. Инсон капиталининг ишлаши, унинг қўлланилишидан олинадиган даромад даражаси субъектнинг эркин иродаси, унинг шахсий қизиқиш ва имтиёзлар, унинг моддий ва маънавий қизиқиши, масъулияти, дунёқараши ва умумий маданият даражаси, шу жумладан ва иқтисодий[11, б.4].

Инсон капиталида бир неча кўрсаткичларни ажратиш мумкин бўлсада, ҳозиргача алоҳида ҳамма бир хил қабул қиладиган кўрсаткичлар мавжуд эмас. Г. Беккер бу кўрсаткичлар қаторига таълим капитали(умумий ва махсус билим),

саломатлик капитали, касбий тайёргарлик капитали(квалификация, кўникма, ишлаб чиқариш тажрибаси), миграция капитали, шунингдек иқтисодий аҳамиятли ахборот ва иқтисодий фаолиятга ундовчи интилиш кабиларни киритади. Л. Туроу инсон капиталига сиёсий ва ижтимоий барқарорликни хурмат қилишни ҳам қўшиб қўяди.[11]

Инсон капиталини шакллантиришга икки томонлама жараён сифатида қараш керак бўлади. Бир томондан, бу инсон қобилиятларини шакллантириш: саломатликни мустаҳкамлаш, билим олиш, касбий кўникмаларни такомиллаштириш. Бошқа томондан, ўзгарувчан эҳтиёжларни қондириш учун эришилган қобилиятларни амалга ошириш: дам олиш, маданий ривожланиш, сиёсий фаолиятни ривожлантириш, демократлаштириш ва бошқалар.

Инсон капиталининг репродуктив жараёнининг ўзига хос хусусиятлари уни ижтимоий капиталининг махсус шакли сифатида қарашга имкон беради. Инсон капитали муаммоси билан шуғулланадиган олимларнинг тадқиқотлари, биринчи навбатда, унинг ташувчисининг келажакдаги даромадларининг ўсиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Инсон капиталининг ўзига хос хусусияти, бизнинг фикримизча, инсон капиталини қайта тиклаш жараёнида унинг ташувчиси, оиласи, фаолият олиб бораётган ташкилоти, жамиятининг иқтисодий манфаатларининг умумийлиги, чунки бу ҳолда фақат меҳнат (инсон капиталини амалга ошириш) ижодий бўлади.

Барча иқтисодий субъектларнинг иқтисодий манфаатларининг бирлигини таъминлашга имкон берадиган инсон капиталини қайта тиклашнинг асосий тамойиллари қуйидагиларда намоён бўлади[10]:

1. Самардорлик. Иқтисодий субъектлар ўз фаолиятининг самардорлигини ошириш, даромадни шакллантириш жараёнида тўлиқ иштирок этиш ва пул мукофоти учун ишлашлари керак. Меҳнат - иқтисодий фаолиятнинг асоси бўлиши талаб этилади.

2. Инсон капиталини шакллантириш учун бошланғич имкониятлар тенглиги. Инсонлар ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришлари ва келажакка интилиб ҳаракат қилишлари учун барча тўсиқларни бартараф этиш керак.

3. Ҳозирги ва келажак авлодлар ўртасидаги ривожланиш имкониятларини адолатли тақсимлаш, шунингдек, ҳар бир авлод ичида, ҳеч кимнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини бошқалар учун қурбон қилмаслик муаммоси. Шу билан бирга, бу адолат имкониятларнинг тенглиги бўлиб ва яқуний натижаларнинг тенглигини англамайди, чунки имкониятларни амалга ошириш ҳар бир авлоднинг ўз танлови масаласидир бўлиб ҳисобланади.

4. Демократик ёндошув, фаоллик ва мобиллик. Инсонлар қарор қабул жараёнида ҳар томонлама иштирок этишлари керак. Бу масалаларда давлат, жамоат ташкилотларининг ижтимоий сиёсати масаласи юқори бўлиб, ҳукуматлар ўз халқларига тўлиқ жавоб берадиган фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун жавобгардирлар. Ушбу тамойилларни амалга ошириш одамларнинг ўз оиласи, мамлакати ва бутун инсоният тақдири учун масъулиятини оширишни англайди.

Шундай қилиб, инсон капитали тушунчаси остида биз иқтисодий манфаатлар бирлиги (оила, фирма, жамият даражасида) асосида қайта тиклаш (ривожланаётган эҳтиёжлар ва тўпланган қобилиятлар) ва транзакциялар жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат натижаларини беғоналаштириш бўйича муносабатлар тизимини тушунаимиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномаси president.uz/uz/lists/view/2221
2. Блауг М. Методология экономической науки. НП // Журнал Вопросы экономики. -М., 2004.- С.317.
3. Schultz T.W. The Economic Value of Education. -New York: Colambia University Press, 1963.
4. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. -М.: Соцэкгиз, 1956. - С. 490
5. Мильд Дж. С. Основы политической экономии. Т. 1. - М.: Прогресс, 1980.- С. 139.
6. Бабосов Е.М.Социология: Энциклопедический словарь. От классики до современности. - Минск: Изд.(МФЦП),2009.
7. Корчагин Ю. А. Современная экономика России.-Ростов-на-Дону: Феникс, 2008.
8. Lundvall, B. and Johnson B. The Learning Economy / Journal of Industry Studies. 1994. Vol. 1. №. 2. -P. 23-42.
9. Автономов В.С. Человек в зеркале экономической теории / В.С. Автономов.- М.: Наука, 1993. -176 с.
10. Веретенникова Н.В. Человеческий капитал в экономике знаний/ Н.В. Веретенникова// Вестник Томского государственного ун-та,2004.№283.-С.110-113.
11. Майбуров И.А. Эффективность инвестирования и человеческий капитал в США и России. Мировая экономика и международные отношения. 2004, N 4.-С. 4.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Акрамов Хасан Фуркатович

Докторант, Национальный университет Узбекистана

**СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРОБЛЕМ СОЦИАЛИЗАЦИИ
ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КАДРОВ СПОРТА**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-12>

ANNOTATION

Статья посвящена рассмотрению феномена спорта в контексте социологической науки. Оценивается место и значение спорта в современном обществе. Особое внимание уделяется критериям определения спорта как социальной (телесно-ориентированной) практики. Анализируется понятие профессионального спорта, критерии профессиональности, особенности функционирования профессиональной спортивной отрасли в обществе.

Ключевые слова: институт спорта, профессиональный спорт, профессия, профессиональность, телесно-ориентированная, социальная, практика.

Акрамов Хасан Фуркатович

ЎЗМУ докторанти

**СПОРТДАГИ ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАРИНИГ ИЖТИМОЙЛАШУВ
МУАММОЛАРИНИ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада спорт феноменини социологик фанлар кесимида кўриб чиқилган. Замонавий жамиятда спортнинг ўрни ва аҳамиятини баҳоланган. Асосий эътиборни спортни аниқлаш мезонларига социал амалиёт (жисмоний-мўлжал) сифатида қаратилган. Жамиятда профессионал спорт, профессионаллик мезонлари, спорт соҳасини профессионал функциялар тушунчалар хусусиятларини таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: спортинститути, профессионал спорт, ҳунар, профессионаллик, жисмоний-мўлжалланган, ижтимоий, амалиёт.

Abdullayev Akmal Gadaymuradovich

Independent researcher, National University of Uzbekistan

**THE IMPACT OF SOCIAL PROCESSES ON SOCIAL MOBILITY OF
YOUNG PEOPLE**

ANNOTATION

The article focuses on the phenomenon of sport in the context of sociology. It assesses the role of sport in modern society. Particular attention is paid to criteria for defining sport as an independent social (body-oriented) practice. The concept of professional sport, criteria of belonging to professional sport, particularities of functioning of professional sport sector in society are taken separately and gradually examined.

Key words: institution of sport, professional sport, profession, professionalism, corporally focused, social, practice.

Сегодня спорт нельзя понимать, как физически организованную активность, включающую в себя элемент соревновательности. Это было бы слишком простым подходом к данному явлению. Мы имеем дело с много комплексным по своему составу, институциональным социальным (телесно-ориентированной) процессом. Спорт является неотъемлемой частью социальной структуры, проявляясь в физических, психологических, институциональных, социальных, культурных, экономических, политических и идеологических формах жизнедеятельности личности, которые вовлечены в спортивные процессы.

Социальная функция спорта весьма широка и с каждым днем все увеличивается: спорт реализует не только оздоровительную и досуговую функции, но и образовательную, нормативно-ценностную, институциональную, экономическую, политическую, идеологическую и др. Таким образом, современный спорт в его различных социальных проявлениях выступает в качестве институциональной формы и общественном процессе социализации индивида, его воспитания, преобразования объективной реальности, удовлетворения потребностей социокультурного, экономического, политического, идеологического и досугового характера.

Если попытаться сформулировать четкое и однозначное социологическое понятие спорта, мы под спортом понимаем соревновательность людей между собой в многофункциональных физических, психических и социальных процессах. Это определение практически не содержит в себе социальной специфики и является простым понятием. Между тем спорт, это явление, детерминированное логикой и особенностями социальных взаимоотношений, выполняющее, целый ряд социальных функций.

Характерным для спорта является процесс телесной ориентированности, атлетического мастерства. Спорт - это прежде всего "fairplay", соревнование в любом "мастерстве", не только атлетическом.

Для того чтобы избежать путаницы понятийном аппарате, нужно выделить ряд четких критериев "спортивности" той или иной формы деятельности человека. Другими словами, ответить на вопрос: что стоит считать спортом, а что нет? По этому поводу у каждого автора, имеется собственное мнение.

Значит, для спортивной деятельности характерно следующее.

1. Соревновательная и публичная демонстрация "уровня мастерства", владения теми или иными, в основном физическими, навыками. По мнению российского учёного В. Михайлина, в древней Греции спортивные состязания (прообраз современных спортивных соревнований) являлись не просто демонстрацией силы, досугом, праздничным мероприятием, но частью социального механизма, позволяющего выявить неочевидные или перераспределяющиеся социальные капиталы. Основная идея спорта у греков строится вокруг состязательности владением физическими навыками, предусматривающей зрелищность, публичность, и конечно зрители могли позиционировать социальный статус претендентов на первенство в соревнованиях.

2. Определенная степень организации, связанная, с наличием установленных правил, с фактами хронологического измерения и специфической организацией пространства, и с наличием четких институционально организационных (организационно-правовых) норм.

Как известно, любое современное спортивное состязание ведется по правилам.

Другими словами, спорт это регламентированное игра, "performance", практика, событие, деятельность или процесс. Правила сами по себе уже имеются на основе институциональном воплощение принципов организации социальной структуры общества. Наличие хронометража также задает стандарты спортивных правил и норм. Пространственная организация проявляется в определении разметки поля для игры, появлении площадки для поединка или показательного выступления - тагами, помоста, ковра, дорожки, ринга, и т.д.

И конечно, институциональная организация спортивной деятельности подразумевает наличие официального, т.е. признанного обществом, спортивного сообщества мирового уровня. Речь идет о наличии федерации как представителя интересов того или иного вида спорта. Федерация свидетельствует об определенном уровне организации вида спорта (правила, стандарты и т.д.), и включения в официальную (признанную обществом) структуру национального, мирового спорта.

Итак, отвечая на вопрос, что такое спорт с позиций социологии? И какова его социальная природа и специфика? Приходя к следующему выводу:

- С одной стороны, реализуя широкий спектр социальных функций;
- С другой стороны, являясь распространенным видом социальной практики, спорт оказывает основное влияние на процессы социализации и формирования личности.

Следовательно, необходимо оценить статус современного института спорта (как формы организации социальной практики) в формировании личности. Французский социолог спорта Л. Вакан в результате своего наблюдения за "повседневной жизнью боксеров" дал своего рода авто-этнографического описания, пластично реконструируя то, как в полисенсорном пространстве гимнастического бокса в сериях тренировочных боев постепенно формируется облик боксера [1.С 104-140].

По мнению Вакана, прививание того, что можно назвать боксерским габитусом, т.е. определенного набора телесных и ментальных схем, отличающих настоящего боксера, основывается на двойной антиномии. Первая связана с тем, что бокс - это особый вид спорта, находящийся на границе между природой и культурой, своеобразный эмпирически осуществленный пограничный случай практики, и тем, что он в то же самое время требует исключительно сложного, квазирационального управления телом и временем, осуществляемого исключительно практическим образом, без всякого опосредовано теорией, на основе неявной и во многом неcodифицированной педагогики. Отсюда следует вторая антиномия: бокс - это индивидуальный вид спорта, возможно образцовый, поскольку он касается только тела бойца, подготовка которого, тем не менее, оказывается образцово коллективной, в частности, потому, что она предполагает веру в игру, которая (подобно всем "языковым играм" у Витгенштейна [2]), возникает и существует только внутри и посредством группы, определяемой ею через круговой процесс.

Другими словами говоря, диспозиции, которые создают опытного боксера, являются, как и все "техники тела", "деятельностью коллективного практического разума". Боксер - это живой привод тела и духа, который снимает противопоставление между действием и репрезентацией и таким образом выходит за рамки дихотомии индивидуального и коллективного, которая лежит в основе общепринятых теорий социального действия.

Современном обществе (индустриальный и постиндустриальный) спортивный дискурс включает в себя спор о профессиональном и любительском характере спорта. С одной стороны, спорт есть социальная практика, воплощающая в жизнь идеалы физического и духовного развития, честной борьбы, равенства, командного духа и т.д. с другой стороны практика не должна и не может быть профессиональной, т.е. связанной с материальным вознаграждением, какой-либо наживой, обманом, менеджментом, рутинной и подтасовкой фактов. Спорт необходим современному человеку как "форма свободного самовыражения, для которого главным мотивом деятельности является чистая радость от гармонии движения, красоты и праздничного духа состязаний" [3. С. 133].

Как показала история, "по мере развития олимпийского движения отношения между профессиональным и любительским спортом усложнились. Стало очевидно, что противоположность этих двух компонентов относительна, да и сам термин "любитель" использовался в олимпийских документах в контексте "английской" традиции в понимании спорта. Понятие любителя пересматривалось с начала XX века вплоть до наших дней. Вскоре стало ясно, что усилия, время и материальные затраты для достижения высших (чемпионских) результатов, рекордов слишком велики, чтобы каждый желающий мог в свободное от работы время и за свой счет предаваться тренировкам и состязаниям. Людям, способным демонстрировать наивысшие достижения, необходима материальная и социальная поддержка, компенсация затрат и вознаграждение как форма признания общественной ценности таких достижений" [3. С. 138].

Институционализация и профессионализация спорта всегда была характерна для этого феномена и нового времени в силу его функциональных возможностей и специфики организации.

Российский учёный В. Лукашук в своей статье "Трансформация спорта: от забавы к индустрии" пишет, что еще в XVIII-XIX веках в Англии спорт был тесно связан с публичным потреблением - занятие спортивной деятельностью (содержание за свой счет (профессиональных) спортсменов, участие в турнирах за деньги, ставки, пари и т.д.) предусматривало существенные денежные траты и тем самым определяло высокое положение джентльменов в британском обществе - Высшем свете. Таким образом, "спортсмены на службе джентльменов становились профессионалами: контролируемые и дисциплинируемые наемными работниками" [3. С. 132]. "С тех пор, как состязание из игрового события превращается в преимущественно спортивное, основными значимыми чертами которого наряду со строгой рационализацией стали специализация, достижение материальных успехов в результате собственного труда на спортивных аренах, спорт превращается в профессию, тогда как игра - в развлечение" [3. С. 133].

Очевидно, одним из важнейших предметов изучения феномена спорта с позиций социологической науки является анализ его как института профессиональной социализации по подготовке кадров, среды, отрасли становления спортсменов-профессионалов. Поскольку социология как наука ориентирована на выявление общественных проблем и поиск путей их решения,

важно отметить сложный, противоречивый характер социальной адаптации спортсменов-профессионалов по окончании ими спортивной карьеры. Возникает несколько принципиально значимых вопросов.

Почему спортсмен, зная о том, что после 30-35 лет его карьера, скорее всего, окончится, не имеет продуманной стратегии построения дальнейшей жизни, адаптации к около спортивной (не в качестве спортсмена) или вне спортивной среде? Как известно, это ситуация ни для кого из профессиональных спортсменов не является новостью или секретом. С чем связаны сложности вне спортивной жизни и адаптации спортсмена-профессионала в простую среду без спорта? Имеются несколько гипотез.

Профессиональный спортсмен в основном не способен самостоятельно спроектировать и реализовать свою жизненную стратегию, поскольку у него отсутствуют необходимые для этого коммуникативные навыки. В рамках института профессионального спорта буквально культивируется это "неумение", поскольку жизненная самостоятельность и стратегический склад личности профессионального спортсмена как бы "мешают ему сконцентрироваться на производстве спортивного результата".

Профессиональный спортсмен, таким образом, оказывается в социальном, общественном, бытовом плане несостоятельным, не умея решать насущные проблемы "отвоевания своего места" в обществе. В современном обществе спортивная отрасль и инфраструктура устроены так, чтобы спортсмен производит спортивный результат, а все остальные вопросы (жилья, питания, досуга, одежды и пр.) решаются не им, а "помощниками" - тренерами, клубом, спортивной ассоциацией, спонсорами, меценатами и т.д. Ни о чем другом кроме спортивного результата спортсмен-профессионал не должен думать.

Между тем сам процесс воспитания и внутригруппового становления профессионального спортсмена основывается подобно другим членам профессионального направления, как актеру, артисту цирка или балета, военному, полностью посвящает себя спорту и не мыслит и не видит себя в ином, поскольку единственный способ "сделать себя" в спорте - это "служить спорту", добиваться высокого спортивного результата.

Подобный принцип организации отношений приобретает статус "прописной истины", знания, уверенности, транслирующего институтом профессионального спорта в качестве одной из основополагающих ценностей основу личности будущего профессионального спортсмена.

Несмотря на то, что многие члены других профессий: артисты цирка, балета, военные и другие профессионалы, "посвятившие себя полностью своей профессии", проблематично социализируются в случае выхода за рамки профессиональной среды, часто не могут себя найти, демонстрируют девиантное поведение. Профессионально-спортивные отношения в жизни спортсмена практически исключают наличие иного рода отношений - семейных, трудовых и других в общепринятом их понимании. Поэтому семья воспринимается им только как "семья спортсмена", образ жизни - как "спортивный образ жизни". Профессиональный спортсмен, воспитанный в рамках института

профессионального спорта, видит мир исключительно через призму своих спортивных достижений и результатов.

В завершение отметим, что социология спорта является очень молодой отраслью социологии, поэтому требует к себе особого внимания, учитывая многомиллионные трансляции таких популярных видов как футбол, хоккей, баскетбол, бокс и т.д., поэтому актуальными остаются вопросы дальнейшего определения сущности спортивной деятельности в современном обществе, рассмотрения социологических подходов в конкретизации институциональной специфики спорта как одной из общественных сфер, формирующих профессионалов.

Литература:

1. Вакан Л. Социальная логика бокса в черном Чикаго: к социологии кулачного боя // Логос. 2006. № 3.
2. Витгенштейн Л. Философские работы. Ч. I. М.: Логос, 1994.
3. Лукашук В. Трансформация спорта - от забавы к индустрии // Социология: теория, методы, маркетинг. 2009. № 2.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Rashidova Shakhnoza Bahodirova
o'qituvchi, O'zbekiston Milliy universiteti

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН УНУМЛИ ФЙДАЛАНИШ ВА ЯНГИ ИШ ҲРИНЛАРИ ЯРАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-13>

АННОТАЦИЯ

Мақолада республикаимиз ҳудудларнинг ҳусусиятлари ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, қўшимча иш ўринларни яратиш ва шу орқали аҳоли даромадларини ошириш, фаровонлигини таъминланиши ёритилган ва илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: меҳнат ресурслари, меҳнат тақсимоти, меҳнат бозори, турмуш даражаси, демографик таҳлил, тенденция, янги ички маҳсулот, асосий капитал, аҳоли даромадлари

Рашидова Шахноза Баходировна
преподаватель, Национальный университет Узбекистана

ПЕРСПЕКТИВЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ И СОЗДАНИЯ НОВЫХ РАБОЧИХ МЕСТ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье освещено и проанализировано эффективное использование трудовых ресурсов с учетом особенностей и возможностей регионов республики, создание дополнительных рабочих мест, тем самым повышение доходов и обеспечение благосостояния населения.

Ключевые слова: трудовые ресурсы, распределение труда, рынок труда, уровень жизни, демографический анализ, тенденции, валовой внутренний продукт, основной капитал, доходы населения

Rashidova Shakhnoza Bahodirova
teacher, National University of Uzbekistan

THE PROSPECTS FOR THE EFFECTIVE USE OF LABOUR RESOURCES AND CREATION OF NEW JOBS IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article highlights and analyzes the effective use of labor resources, taking into account the features and capabilities of the regions of the Republic, the creation of additional jobs, thereby increasing incomes and ensuring the welfare of the population.

Key words: labor resources, labor distribution, labor market, standard of living, demographic analysis, trends, gross domestic product, fixed capital, income

Ўзбекистон Республикасидаги демографик ўзгаришлар меҳнат ресурслари сони ва таркибидаги ўзгаришлар тенденциясини белгилаб бермоқда. Бу ўз навбатида давлат ва жамият олдига меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда янги иш ўринлари яратиш масаласини кун тартибига қўяди. Бундан ташқари, жаҳон миқёсида ҳамон кузатилаётган иқтисодий инқироз, давлатлараро меҳнат тақсимотининг ўзгартирилиши, давлатлараро рақобат кучайиши ва бу ҳол юртимизда ҳам меҳнат ресурсларининг меҳнат билан бандлигини таъминлашни талаб этмоқда.

